2(22).2004

MOZIYDAN SADO

ECHO OF HISTORY

ЭХО ИСТОРИИ

18 МАЙ–ХАЛҚАРО МУЗЕЙЛАР КУНИ
18 MAY–INTERNATIONAL MUSEUM'S DAY
18 МАЯ–МЕЖДУНАРОДНЫЙ ДЕНЬ МУЗЕЕВ



www.ziyouz.com kutubxonasi

Музей – халқ тарихининг кўзгуси эканлигини назарда тутсак, у шу халқнинг фарзандлари – келажак авлод қалбида фахр - ифтихор туйгусини уйгота олиши керак. Бизнинг вазифамиз эса буюк тарихимизни мана шундай маърифий масканлар ёрдамида авлодларимизга тўлалигича етказиб беришдан иборат.

Ислом КАРИМОВ

www.ziyouz.com kutubxonasi

«МОЗИЙ – ИСТИҚБОЛИМИЗНИНГ ТАРОЗИСИДИР». Маҳмудхўжа Беҳбудий

MOZIYDAN SADO

ECHO OF HISTORY
ЭХО ИСТОРИИ

2.(22).2004

ТАЪСИСЧИЛАР: Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Бадиий академияси, Матбуот ва ахборот агентлиги

УШБУ СОНДА:

С.Нурабуллаева. Ўлкамиз тарихи сарчашмаси 2

Т.Дўстаев. Халқ руҳиятининг кўзгуси 6

А.Аҳмедшоев. Геология музейининг ривожланиш тарихи.....8

Г.Абдуллаева. Фозғон тоштарошлик санъати.....12

Н.Ражабова. Қашқадарё воҳасида тош даврига оид ёдгорликларнинг ўрганилиш тарихи.....14

В.Рузанов. Жанубий Ўзбекистоннинг энг қадимги мисбринч саноати 16

Ш.Шоназаров. Қоратепа – Қашқадарё воҳасидаги илк ўрта аср шаҳари 19

З.Холиқов, Х.Дежимуродов. Термиз ва Чағаниённинг ўрта асрлардаги тарихий географияси 22

Ш.Камолиддин. Ҳошимгирд шаҳри номининг келиб чиқиши масаласига доир 25

С.Қаюмова. Мир Муҳаммад Халифа Иброҳимхўжа.....28

О.Масалиева. Амир Музаффарнинг тарихнавис ўғиллари 30

Т.Султонов. Аждодлар ворислиги.....33

С.Пўлатова. Инсон хотираси – азиз 36

Р.Ражабов. Ўзбекистон араблари.....38

Н.Турсунов. Ўзбекистон жанубида яшовчи туркманлар тарихидан..... 40

Ф.Мўминова. Тошкент – шарқ тарихининг дурдонаси..... 44

З.Исоқов. «Яда» тошининг қудрати 48

Илмий-амалий, маънавий–маърифий, рангли журнал

1999 йилдан чоп этила бошлади. Уч ойда бир марта ўзбек–инглиз–рус тилларида чиқади

БОШ МУҲАРРИР
Зафар ҲАКИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Дилором АЛИМОВА
Шодмон ВОҲИДОВ
Ҳамидхон ИСЛОМОВ
Анатолий САГДУЛЛАЕВ
Темир ШИРИНОВ
Эркин ЭРНАЗАРОВ
Усмон ҚОРАБОЕВ
Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ
Акбар ҲАКИМОВ
Маҳмуджон ҲАСАНОВ
Саидбек ҲАСАНОВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Роберт АЛМЕЕВ
Мариника БОБОНАЗАРОВА
Исмоил БОТИРОВ
Тоҳир ЗОИТОВ
Насиба ИБРОҲИМОВА
Равшан МАНСУРОВ
Зокиржон МАШРАБОВ
Нўъмонжон МАҲМУДОВ
Мавлонбек НУРМАТОВ
Солижон ПЎЛАТОВ
Абдусалом УМАРОВ

Масъул муҳаррир
Асқар АБДУРАҲИМОВ

Инглиз тили муҳаррири
Гуля РАҲИМОВА

Таржимон
Раъно АЗИМОВА

Бош рассом
Сергей СОИН

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
700129. Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30.
Тел.: 144-34-65, 144-74-19.
Факс: 144-74-19.
E-mail: moziy@dostlink.net

Индекс: 1047-шахсий обуначилар,
1048-ташкилотлар учун.

Ўзбек-Британия «Rastr» нашриёт-матбаа қўшма корхонаси.
Тошкент ш., Юнусобод даҳаси,
Муродов кўчаси, 1-а.
Буюртма № [illegible] Адад [illegible]

«Катаган қурбонлар хотираси» музейи
КК 9350
Инв: № 1247

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎЛКАМИЗ ТАРИХИ САРЧАШМАСИ

(Қорақалпоғистон Республикаси Ўлкашунослик музейининг 75 йиллиги)

Светлана ***НУРАБУЛЛАЕВА***

СОКРОВЩНИЦА ИСТОРИИ КРАЯ

(к 75 летию Республиканского краеведческого музея Каракалпакстан)

«В краеведческом музее прекрасно представлена во всей красе история Каракалпакстана. Народ с такой богатой историей, древней культурой, традициями должен и будет жить на своей земле счастливой жизнью...» – эти слова написаны одним из гостей в книге отзывов краеведческого музея Республики Каракалпакстан. Каждый, кто хоть раз посетил этот богатый шедеврами музей, стремится увидеть его снова.

Один из старейших музеев Узбекистана – Республиканский краеведческий музей Каракалпакстана готовится встретить свой 75 летний юбилей. Этот музей – одна из первых ласточек среди культурно-просветительских учреждений не только в низовьях Амударьи и Приаралья, но и во всей Центральной Азии.

Многое менялось в жизни жителей Каракалпакстана, историю республики можно "прочесть" сегодня в краеведческом музее. Он, как открытая книга, полная захватывающих историй, с лихо закрученным началом и оригинальной развязкой, продолжает покорять сердца людей. Сколько их прошло по этим залам? Об этом помнят, пожалуй, только стены музея и его экспонаты, хранящие тепло рук тех, кто собирал их для храма истории.

В архивных источниках указывается, что в 1929 году при Научно-исследовательском институте Каракалпакской автономной области в клубе г.Турткуля организовывается краеведческий музей и 16 мая того же года открывается его первая выставка.

В совершенствовании деятельности музея активно участвовали выпускники Московского государственного университета Н.А.Баскаков, Н.В.Торчинская и молодой каракалпакский ученый К.Аимбетов.

Со временем хранилища музея пополнились новыми экспонатами, собранными у населения, и найденными в результате проведения археологическо-этнографических экспедиций во главе А.Л.Мелкова, Я.Гулямова, А.С.Морозова, С.П.Толстова, Т.А.Жданко.

Сегодня музей – один из известных музеев региона. Если 75 лет назад музей насчитывал несколько десятков экспонатов, то сегодня в нём собрано около 60 тысяч экспонатов, большинство из которых редкостные и являются достоянием народа.

В музее трудятся более 40 человек. Это и умудренные опытом ветераны, и молодые люди, вкладывающие в любимое дело всю свою душу.

Фонды музея постоянно пополняются новыми находками, особенно после проведения экспедиций в районы республики и археологических раскопок, благодаря которым появляются поистине уникальные экспонаты. Налажены тесные контакты с Каракалпакским отделением Академии наук Республики Узбекистан, университетом, пед. институтом, фондами "Арал", "Махалля", вместе с которыми продолжается работа по сбору информации, приобретению предметов народно-прикладного искусства, созданию экспозиций, посвященных современному Каракалпакстану. А сколько различных мероприятий проводится в нашем музее! Это вечера памяти, юбилеи, встречи, семинары, выставки, музейные уроки, лекции и практические работы со студентами ВУЗов. Например, к 660- летию великого полководца Амира Тимура, к 1030- летию ученого-энциклопедиста Абу Райхана аль Беруни, к 1000- летию создания эпоса "Алпомиш", народного героя Ерназара Алакоза, юбилеи каракалпакских поэтов - классиков Бердаха и Ажинияза, государственных деятелей Аллаяра Досназарова, Коптлеу Нупмухамедова, деятелей культуры и искусства Ж.Аймурзаева, А.Шамуратовой, Ж.Шамуратова, Кыяс и Ансатбая Кайратдиновых, к 100- летию узбекского писателя, академика Гафура Гуляма и т.д. Отдавая дань памяти этим великим людям, мы лучше узнаем и свою историю.

«...Ўлкашунослик музейида Қорақалпоғистон тарихи бутун гўзаллиги билан намоён этилган. Шундай бой тарих, қадимий маданият ва анъаналар эгаси бўлмиш халқ ўз ватанида бахтли ҳаёт кечириши шарт ва яшайверадиям». Бу дил сўзларини Қорақалпоғистон Республикаси Ўлкашунослик музейига ташриф буюрган меҳмонлардан бири ёзиб қолдирган. Бир-биридан ранго-ранг, бир-биридан қимматли дурдоналарга бой музейни бир кўрган одам яна бир кўргиси келаверади.

Ўзбекистондаги энг кекса музейлардан бири, ўзининг 75 йиллик тўйини нишонлашга тайёрланаётган Қорақалпоғистон Республикаси Ўлкашунослик музейи – Амударё қуйи оқими ва Орололдидагина эмас, балки бутун

Келинларнинг миллий кийими. XIX аср.
Национальный наряд невесты. XIX в.
A national dress of a bride. 19th century.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Марказий Осиё маданий-маърифий муассасалари орасида илк қалдирғочлардан биридир.

Ҳаёти тубдан ўзгарган Қорақалпоғистон аҳолисининг тарихини ўлка музейида бобма-боб «ўқиб» чиқса бўлади. У воқеа-ҳодисалар тафсилотлари билан тўлиб-тошган очиқ китоб сингари гоҳ кишини мозий гирдобига олиб кириб ҳайратда қолдирса, гоҳ парокандаликлар барҳам топган яқин ўтмишдаги дамларга рўбарў қилиб, одамлар қалбини ром этишда давом этмоқда.

Архив манбаларида кўрсатилишича, 1929 йилда Тўрткўл шаҳридаги клубда Қорақалпоғистон Мухтор вилояти Илмий-тадқиқот институти қошида Ўлкашунослик музейи ташкил этилиб, шу йилнинг 16 майида эса унинг биринчи кўргазмаси очилади.

Музей фаолиятини ташкиллаштириш ва такомиллаштиришда Москва Давлат университети битирувчилари Н.А.Баскаков, Н.В.Торчинская ва ёш қорақалпоқ олими Қ.Айимбетовлар фаол иштирок этадилар.

Вақти билан музей хазинаси аҳолидан йиғиб олинган ҳамда А.Л.Мелков, Я.Гуломов, А.С.Морозов, С.П.Толстов, Т.А.Жданколар бошчилигидаги қадимшунослик-элшунослик илмий қидирувлари натижасида топилган янги ашёлар билан тўлдирилди ва бойитилди.

Бугунги кунда у минтақадаги машҳур музейлардан бири саналади. Агар 75 йил муқаддам музей фақат бир неча ўнлаб экспонат билан фаолият бошлаган бўлса, бугунга келиб унда 60 мингта яқин тарихий буюмлар жамланган, уларнинг кўпчилиги ноёб бўлиб, халқ мулки ҳисобланади.

Музейда 40 дан ортиқ ўз ишига меҳр қўйган ходимлар: ҳаёт тажрибаларидан кўзи пишган доно фахрийлар ҳамда навқирон ёшлар фаолият кўрсатмоқдалар.

Музей фондлари мунтазам равишда янги топилмалар билан тўлдирилмоқда, айниқса республика туманларида олиб борилган экспедициялар ва ўтказилган қадимшунослик қазилмаларидан кейин ноёб ва қимматли ашёлар музей экспонатларини янада бойитди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими, Университет, Педагогика институти, «Орол», «Маҳалла» жамғармалари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилган. Шунингдек, музейда улуғ бобокалонларимизнинг юбилей кечалари, учрашувлар, илмий-амалий семинарлар, кўргазмалар, олий ўқув юртлари талабалари учун музей дарслари, маърузалар, амалий машғулотлар ўтказилади. Чунончи, буюк саркарда Амир Темурнинг 660 йиллиги, комусий олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1030 йиллиги, «Алпомиш» достони яратилишининг 1000 йиллиги, халқ қаҳрамони Эрназар Олакўз, қорақалпоқ мумтоз шоирлари Бердақ ва Ажиниёз, давлат арбоблари Оллоёр Дўстназаров, Кўптлеу Нурмуҳамедов, маданият ва санъат

Бадай-шугай қўриқхонаси. Ёввойи қобон ва қирғовуллар.
Бадай-шугайский заповедник. Дикий кабан и фазаны.
Badai-Shugai nature reserve. Wild boar and pheasants.

TREASURY OF THE LAND HISTORY

(to 75th anniversary of the Republican Museum of Regional History of Karakalpakstan)

«...The museum of regional history perfectly represents the history of Karakalpakstan in all its beauty. The people with such rich history, ancient culture, traditions should and will live on their land a happy life...» - these are the words written by one of the visitors in the visitors' book of the museum of regional history of the Republic of Karakalpakstan. Everyone who at least once visited this museum rich with masterpieces aspires to see it again.

One of the oldest museums of Uzbekistan, the Republican Museum of Regional History of Karakalpakstan, is going to celebrate its 75th anniversary. This museum is one of first signs among cultural-educational organizations not only in lower reaches of Amudarya and Aral Lake but also in all Central Asia.

A lot has changed in life of inhabitants of Karakalpakstan, their history can «be read» today in the Museum of Regional History. It, like an open book full of fascinating stories with a valiantly twirled introduction and an original conclusion, keeps winning people's hearts. How many of them have passed through these halls? Perhaps, only walls of the museum and its exhibits keeping warmth of hands of those who collected them for a temple of history, remember it.

Archive sources indicate that the Museum of Regional History was established in 1929 at the Scientific Research Institute of the Karakalpak autonomous region in the club of the city of Turtkul, and the same year on May 16 its first exhibition opened.

Graduates of the Moscow State University, N.A.Baskakov and N.V.Torchinskaja, as well as a young Karakalpak scientist K.Aimbetov actively participated in improving the activity of the museum.

In due course, the storehouses of the museum replenished with new exhibits collected from the population and found during the archeological ethnographic expeditions headed by A.L.Melkov, J.Guljamov, A.S.Morozov, S.P.Tolstov, and T.A.Zhdanko.

Today this museum is one of well-known museums of the region. If 75 years ago the museum totaled some tens of the exhibits, today it has collected about 60 thousand exhibits, the majority of which are rare and are property of the people.

There are more than 40 people working in the museum. They are experienced old veterans and young people who dedicate all their soul to the favourite business.

Funds of the museum constantly replenish with new finds, especially after carrying out the expedition to different areas of the Republic and archeological excavations owing to which there are really unique exhibits. Close contacts with the Karakalpak branch of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, University, Pedagogical Institute, the funds «Aral» and «Makhallya» together with which they still continue the work on gathering information, purchasing subjects of national applied art, creating expositions devoted to modern Karakalpakstan. And how many various actions are carried out in our museum! These are memorial evenings, anniversaries, meetings, seminars, exhibitions, museum lessons, lectures and practical works with students of Institutes and Universities. They were, for example, dedicated to 660th anniversary of the great commander Amir Timur, to 1030th anniversary of the scientist encyclopaedist Abu Raikhan al Beruny, to 1000th anniversary of creations of epos «Alpomish», national hero Ernazar Alakoz, anniversaries of the Karakalpak classical poets Berdah and Azhinijaz, statesmen Allajar Dosnazarov, Koptleu Nupmuhamedov, artists and cultural workers Z.Ajmurzaev, A.Shamuratova, Z.Shamuratov, Kyjas and Ansatbaj Kajratdinov, to 100th anniversary of the Uzbek writer and academician Gafur Guljam, etc. Appreciating memory of these great people, we also learn better our own history.

Each department of the museum is unique. Children like very much the halls of the nature; perfectly decorated, they take visitors to boundless distances, cane paradise, and carry them away together with birds high to the heavens.

The department of archeology is interesting, too. In fact, the journey to the history of our ancient land starts from here. A breadboard model of ancient sites of ancient settlements Topyrak-kala and Koikrylgan-kala, household goods, and work instruments tell how people lived in these cities and how many centuries had passed since then.

One of the most unique exhibits of the museum is a capital found in 1966 in mountains of Sultanuizdag. This is an animal lying with bent legs with heads of bearded men one of which was kept. The face is passionless, with convex eyes without pupils, correct features and a sharp beard, above a forehead - a flat headdress and a bandage from which to cheeks the ram horns are bent down.

The capital revives in memory the images of ancient east arts – staring from the sphinx of Ancient Egypt up to man-bull of the Akhemenid Iran taken from the world of the Assyrian Babylon

www.ziyouz.com kutubxonasi

Каждый отдел музея богат и неповторим. Залы природы очень любят дети, прекрасно оформленные, они переносят посетителей в бескрайние дали, камышовый рай, уносят вместе с птицами высоко в небеса.

Интересен отдел археологии. Ведь именно отсюда начинается экскурс в историю нашей древней земли. Макет древних городищ – Топрак-кала, Кой крылган-кала, предметы быта, орудия труда рассказывают, как люди жили в этих городах, сколько веков минуло с той поры.

Один из уникальнейших экспонатов музея – капитель, найденная в 1966 году в горах Султануиздага. Это лежащее с прогнутыми ногами животное с головами бородатых мужей, из которых сохранилось одно. Лицо бесстрастное, с выпуклыми глазами без зрачков, правильными чертами и заостренной бородой, над лбом – плоский головной убор и повязка, от которой к щекам изгибаются рога овна.

Капитель воскрешает в памяти образы древневосточного искусства – от сфинкса Древнего Египта до заимствованных из мира ассиро-вавилонской мифологии человекобыков ахеменидского Ирана. Аналогичные капители впервые появляются в Иране во времена Дария в виде двух сросшихся львов, быков, грифонов, они известны в Персеполе, Нахши-Рустаме. Уместно в этой связи вспомнить клинописную надпись о постройке ахеменидского дворца в Сузах (V–IV вв. до н.э.), куда и доставлялся камень "ахшайна" из Хорезма, т.е. из Султануиздагских гор. Капитель датируется этим же временем.

В археологической коллекции музея хранится бронзовый литой сосуд. Он был найден рабочим гидрогеологической поисковой партии А.Таубаевым в песках между городищами Бурлы и Топраккала в Элликкалинском районе Республики Каракалпакстан.

Этот сосуд VI–V вв. до н.э., по мнению ученых, – культового назначения, имеет шаровидную форму и стоит на трех широко расставленных ножках, похожих на ноги животных. Ручка котла оформлена в виде коня. В подобных котлах, только большого размера, при проведении различных культовых праздников варили мясо жертвенных животных.

Согласно Геродоту, массагеты, жившие в низовьях Амударьи, приносят в жертву солнцу коней, полагая, что смысл этого жертвоприношения в том, что самому быстрому богу нужно самое быстрое существо на свете.

Но, пожалуй, самой яркой является экспозиция народно-прикладного искусства. Вот, звенит на груди у молодой каракалпачки хайкель, внутри которой – амулет от сглаза. Такой носили женщины детородного возраста и, чем любимей была жена, тем богаче был хайкель. А вот тумары с сердоликовым глазом, или звонкий онгирмоншак. Наши бабушки были великими модницами! И мастерицами! Посмотрите на вышитые ими платья и халаты, как многолик каракалпакский орнамент.

Отдел народно-прикладного искусства – это живое древо ремесел, взращенное золотыми руками вышивальщиц. Фантазии, воплощенные в вышивках, оригинальны и не имеют аналогов. Радуют глаз изделия наших сотрудников В.Байбаковой, З.Акимовой, М.Аймурзаевой и др. – сувенирные сумочки, кошельки, футляры для очков, амулеты, которые с удовольствием приобретают гости музея.

Славились каракалпаки и резьбой по дереву, подтверждение тому – оригинальные двери для юрты, сундуки, ворота, столбы айвана. Не утеряно это искусство и сегодня.

Экспонаты музея с их неповторимой красотой, яркостью и своеобразным национальным колоритом красок рождают своих мастеров – вышивальщиц, резчиков по дереву, художников, скульпторов, мастеров по изготовлению музыкальных инструментов и таксидермистов – изготовителей чучел. Например, один из таких мастеров – Хожаназаров Арзыбек свои музыкальные инструменты выставлял на Международной выставке народных умельцев в Лондоне и получил там высокую оценку. Привлекла внимание изготовленная им скрипка, которая как бы является прототипом скрипки великого Страдивари. Скульптурные работы художника А.Сейтимбетова выставлены по всей экспозиции и вызывают огромный интерес у посетителей музея. А чучела, изготовленные Б.Омаровым, великолепно смотрятся в диорамах отдела природы, которые очень любят дети.

Коллекция Каракалпакского краеведческого музея широко известна далеко за пределами нашей республики. Все 75 лет двери сокровищницы истории гостеприимно распахнуты для посетителей. И каждый уносит отсюда частичку тепла нашего солнечного края.

В будущем мы планируем открыть ювелирный, ткацкий и ремесленные цеха, в которых будут изготавливаться памятные сувениры и заказы населения. Это дало бы возможность сохранить все ценное и прекрасное, созданное прошлыми поколениями.

Музей – многоликий центр и храм истории и мы, музейные работники, уверены, что к нашему храму истории найдет дорогу каждый.

арбоблари Ж.Оймирзаев, О.Шомуротова, Ж.Шомуротов, Қиёс ва Ансатбой Қайратдиновларнинг юбилейлари, ўзбек шоири, академик Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб тадбирлар ўтказилди. Бу буюк зотлар хотирасига ҳурмат изҳор қилар эканмиз, улар шарофати ила ўз тарихимизни янада теранроқ ва яхшироқ билиб олиш имконига эга бўламиз.

Музейнинг ҳар бир бўлими бетакрор. Чиройли қилиб безатилган табиат заллари доим болалар билан гавжум, томошабинлар гўё бепоён дала-даштларга, шовуллаган қамишзорларга бориб қолгандай, қушлар қанотига ўтириб, осмону фалакларга парвоз этгандай ҳис этадилар ўзларини.

Археология бўлими ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Кўҳна заминимизнинг кўз илғамас тарихи қаърига саёҳат айнан шу ердан бошланади. Экспонатлар қадимги шаҳарчалар Тупроққалъа, Қўйқирилганқалъанинг ихчам тимсоли, ғаройиб маиший рўзғор буюмлари, турли-туман меҳнат қуроллари – бу шаҳарларда одамлар қандай тирикчилик билан шуғулланганлиги ҳақида ҳикоя қилади.

Музей буюмлари ичида энг ноёби – 1966 йилда Султон Увайс тоғида топилган устунқошидир. Унда соқолли эркак бошлари бўлган ва оёқларини букиб ётган жонивор қиёфаси акс эттирилган, эркак бошларидан атиги биттагинаси сақланиб қолган. Эркакнинг юзида хотиржамлик ҳукм суради, қорачиқсиз кўзлари бўртиб чиққан, юз андоми келишган, чўққисоқол, пешонаси узра ясси бош кийими ва пешонабоғ бўлиб, ундан юзига қўчқор шохлари қайрилиб тушган.

Устунқоши қадимги шарқ санъати намуналарини – Қадимги Миср сфинксидан тортиб Ахамонийлар Эронидаги ассурия-бобил мифологияси оламидан келиб чиққан одамсимон ҳўкизларгача бўлган даврни хотирага солади. Бундай устунқошлар биринчи марта Эронда Доро замонида бир-бирига туташиб кетган иккита шер, ҳўкиз, баҳайбат шер бошли махлуқ кўринишида Персепол, Нақши Рустамда машҳур. Шу муносабат билан Сузадаги (эрамизгача V–IV асрлар) Ахамонийлар қасри қурилиши ҳақидаги миххат ёзувини эса олиш ўринли бўлур эди. Хоразм, яъни Султон Увайс тоғидан «ахшайни» тоши бу ерга келтирилган. Устунқошининг ясалиш санаси ёзиб қўйилган.

Музейнинг қадимшунослик тўпламида бринчдан қуйилган қозон сақланмоқда. Уни гидрогеологик қидирув гуруҳи ишчиси А.Таубоев Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги Бурли ва Тупроққалъа шаҳарчалари оралиғидаги қумлар орасидан топган.

Эрамизгача VI–V асрларга мансуб бўлган бу қозон олимлар фикрича, сиғиниш ашёси ҳисобланган, думалоқ шаклга эга бўлиб, худди ҳайвон оёқларига ўхшаш кенг ёйилган учта оёқчага ўрнатилган. Қозон дастаси от шаклида ишланган. Шундай, фақат ҳажм жиҳатдан катта қозонларда, турли диний байрамлар ўтказилганда қурбонлик қилинган молларнинг гўшти пиширилган.

Геродотнинг шоҳидлик беришича, Амударё қуйи оқимида яшовчи массагетлар қуёшга атаб от қурбонлик қилганлар, бундай қурбонликнинг маъноси: энг учқур маъбудга дунёдаги энг илдам жониворни бахшида қилиш жоиз.

Шуни таъкидлаш лозимки, халқ амалий санъати буюмлари қўйилган бўлим бутун музейнинг кўрку жамоли. Ана, ёш қорақалпоқ қизининг кўксида ҳайкал жингирлаб турибди, унинг ичида ёмон кўзлардан асровчи тумор бор. Эмизикли аёллар одатда ана шундай туморлар тақишган. Аёл қанчалик мафтункор ва вафодор бўлса, ҳайкал ҳам шунчалик нақшинкор ва жимжимадор бўлган. Мана бу гавҳар кўзли тумор ёки жарангдор товуши қулоқдан кетмайдиган унгирмунчоқни олинг! Момоларимиз чинакам етук ва бемисл чевар бўлишган. Ҳа, қўллари гул деб айнан уларни айтса бўлади! Улар тиккан кўйлагу мурсаклар, чопонларни томоша қилиб тўймайсиз, уларда қорақалпоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

халқининг миллий нақшу нигорлари ўзининг бор тароватию маҳобати билан товланиб, жим-жима қилиб турибди.

Халқ амалий санъати бўлими бу – тикувчиларнинг олтин қўллари билан ундирилган ҳунармандчиликнинг жонли дарахти. Кашталарга жо бўлган хаёлот олами ўзига хос бўлиб, ўхшаши ҳеч қаерда топилмайди. Ходимларимиз В.Байбакова, З.Акимова, М.Оймурзаева ва бошқалар яратган буюмлар – совғабоп сумкачалар, ҳамёнлар, кўзойнак ғилофлари, туморлар кўзни олади. Музей меҳмонлари бу буюмларни жон-жон деб эсдаликка сотиб олмоқдалар.

Қорақалпоқлар ёғоч ўймакорлиги бобида ҳам ўзларига яраша шуҳрат қозонганлар. Ўтов эшиклари, сандиқлар, дарвозалар, айвон устунларининг мутлақо ўзига хос тарзу тариқа билан ясалганлиги фикримизни тасдиқлаб турибди. Бу санъат бугунги кунда ҳам ўз ривожини топмоқда.

Музейнинг бетакрор рангу жилоларга, ёрқинлик ва ўзига хос миллий колоритга бой ашёлари ёғоч ўймакор усталари, чеварлари, мусаввирлари, ҳайкалтарошлари, чолғу созлари усталари ва тулумчилар – таксидермистларнинг янги авлодлари зумрани етиштириб чиқармоқда. Масалан, шундай маҳорат соҳибларидан бири – Хўжаназаров Орзибек ўз чолғу асбобларини Лондондаги халқ усталари Халқаро кўргазмасида қатнашиб, юксак баҳо олди. У ижод қилган скрипка ҳамманинг эътиборини ўзига тортди – бу бамисоли буюк Страдивари скрипкасининг бобокалони ҳисобланар эди. Мусаввир А.Сейтимбетовнинг бутун экспозиция бўйлаб қўйилган ҳайкаллари томошабинларнинг ҳайрат ва олқишларига сазовор бўлмоқда. Б.Умаров ясаган тулумлар эса айниқса болалар жон-дилидан яхши кўрувчи табиат бўлими диорамаларига ўзгача кўрк ва салобат бахш этиб турибди.

Қорақалпоғистон Ўлкашунослик музейи коллекцияси республикамиздан узоқ-узоқларда ҳам маълуму машҳур. Мана, 75 йилдирки, тарихимиз маъхазининг дарбозалари зукко ва илмжў томошабинлар учун очиқ. Унга келган ҳар бир томошабин қуёшли ўлкамизнинг ёқимли ҳароратидан бирров баҳраманд бўлиб, уни умр бўйи эслаб юриши табиий.

Яқин келажакда заргарлик, тўқув ва ҳунармандлик цехларини очиш режалаштирилмоқда, уларда ёдгорлик буюмлари ва аҳоли буюртмалари тайёрланади. Бу ўтмишдаги аждодларимиз яратиб кетган қимматли ва гўзал меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлашимизга ва янада бойитишимизга имкон туғдиради.

Музей – мозийнинг сержилва маъхази ва муқаддас эҳромидир. Биз, музей ходимлари, мозий эҳроми саналмиш бу мўъжизавий маскан маърифат ва маданият ихлосманди бўлган ҳар бир одамни ўз бағрига чорлашига асло шубҳа қилмаймиз.

Тупроққалъа. Эрамиздан аввалги IV–III асрлар.
Топрак-кала. IV–III вв. до н.э.
Toprak-kala. The 4th - 3rd centuries B.C.



Капитель. Мармар. Эрамиздан аввалги IV аср.
Капитель. Мрамор. IV в. до н.э.
A capital. Marble, the 4th century B.C.

mythology. For the first time, similar capitals appear in Iran in days of Daryi in the shape of two accrete lions, bulls, and griffins, they are known in Persopol, Nahshi-Rustam. It is appropriate in this connection to recollect a cuneiform inscription about construction of the Akhemenid palace in Suza (the 5-4th centuries BC) where the stone «*ahshajna*» was brought from Khorezm, i.e. from the mountains of Sultanuizdag.

The archeological collection of the museum has a bronze cast vessel. It was found by A.Taubaev, a member of a hydro-geological search group, in sands between sites of ancient settlements Burly and Toprakkala in Ellikkala area of the Republic of Karakalpakstan.

This vessel of the 6-5th centuries BC, in opinion of scientists, is of cult purpose, and has the spherical form and stands on three widely placed legs similar to legs of animals. The handle of the vessel is made in the shape of horse. In similar boilers, only of bigger size, people cooked meat of sacrificial animals when celebrating various cult holidays.

According to Gerodot, the massagets, who lived in lower reaches of Amudarya, sacrifice horses to the sun, believing that meaning of this sacrifice is that the fastest god needs the fastest creature in the world.

But, perhaps, the exposition of national applied art is the brightest one. Here, *hajkel* rings on a breast of a young Karakalpak girl, inside of it there is an amulet against bad eye. Women of genital age were such *hajkel*, and the more a wife was loved the richer a *hajkel* was. And here are *tumars* with cornelian eye, or sonorous *ongirmonshak*. Our grandmothers were great women of fashion! And skilled workers! Look at dresses and dressing gowns embroidered by them! How many-sided the Karakalpak ornament is!

The department of national applied art is a vivid tree of crafts grown by able fingers of embroideresses. The fantasies embodied in embroideries are original and have no analogues. The visitors of the museum with great pleasure buy the products handmade by our employees V.Bajbakova, Z.Akimova, M.Ajmurzaeva, and others (souvenir handbags, purses, cases for glasses, amulets) that please one's eyes.

The Karakalpak people were also known for woodcarving; original doors for yurta, chests, *darvoza*, columns of *ajvan* (wide terrace) serve as confirmation to it. This art is still alive.

The exhibits of the museum with their unique beauty, brightness and original national colour of paints give rise to their masters – embroideresses, woodcarvers, artists, sculptors, masters of manufacturing musical instruments, and taxidermists, manufacturers of stuffed animals. For example, one of such masters, Hozhanazarov Arzybek, exposed his musical instruments at the International exhibition of national skilled craftsmen in London and received high appreciation. The violin made by him, which as though is the prototype of a violin of the great Stradivarius, drew attention. The sculptural works of artist A.Sejtimbetov are exposed all over the exposition and cause huge interest of the museum visitors. And the stuffed animals made by B.Omarov look superb in dioramas of the nature department and are greatly adored by children.

The collection of the Karakalpak Museum of Regional History is widely known far outside our Republic. All 75 years of its activity the doors of a treasury of history are hospitably opened for visitors. And everybody carries with him a part of warmth of our sunny land.

In the future we plan to open jeweler, weaver and craft shops, which will produce memorable souvenirs and orders of the population. It would enable to keep the entire valuable and wonderful, created by our last generations.

Museum is a many-sided center and temple of history, and we, the museum workers, are sure that everyone will find his road to our temple of history.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХАЛҚ РУҲИЯТИНИНГ КЎЗГУСИ

Тургун ДЎСТАЕВ

Инсон тинимсиз гўзалликка интилади, гўзалликни ижод қилмасдан, ундан маънавий-руҳий завқ олмасдан ва шу орқали ўз турмушини безатмасдан яшай олмайди.

Дунёдаги барча халқлар каби ўзбек халқи ҳам жуда қадим даврлардан буён халқ руҳияти, турмуш шароитларини ўзида акс эттирувчи амалий санъат асарларини яратиб келган. Табиийки, моддий маданият маҳсули бўлган халқ амалий санъати асарлари ижтимоий ҳаётнинг бир босқичидан иккинчисига мерос бўлиб ўтиб, авлодларнинг беқиёс маданий бойлигига айланиб бораверади.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида тарихий ёдгорликлар, хусусан, амалий санъатга оид бебаҳо ёдгорликларни асраш ва халқ амалий санъати, ҳунармандчилигини ривожлантириш ишида ўзига хос инқилобий ўзгаришлар амалга оширила бошланди. «Ўзбек халқи яратган ва миллий бисотимиз бўлиб қолган ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаб қолиш ва таъмирлаш – маънавий дастуримизнинг жуда муҳим қисмидир. Ушбу миллий бойлик аждодларимиздан мерос бўлиб қолган, бинобарин, биз уни кўз қорачиғидек авайлаб-асрашимиз ва келажак авлодларга топширишимиз лозим», – деб уқтирган эди Президентимиз Ислом Каримов.

Мустақиллик йилларида халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш борасида катта амалий ишлар қилинди. Хусусан, республика Амалий санъати музейи фаолиятида ҳам катта ўзгаришларга эришилди. Қисқа вақт ичида музей грант ҳисобига олинган замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Япония ҳукумати тарафидан 2002 йили тақдим қилинган бу жиҳозлар музейни видео-электрон техник воситалари билан қуватув ва кўриклаш имконини берди. Шунингдек, АҚШ, Италия, Германия каби давлатларда музейнинг кўчма кўргазмаларини ташкил этишга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги кўмагида музей илмий ходимлари музейнинг нодир экспонатлари тизимидан уч тилда – ўзбек, инглиз ва рус тилларидаги рангли альбомни нашрдан чиқардилар. Ҳозирги вақтда музей захирасида сақланаётган жами ашёларнинг жамлама каталогини тузиш ниҳоясига етказилди.

Табиийки, ҳар қандай музей ўз захирасини янги топилма ва замонавий асарлар билан бойитиб боради. Шу маънода Амалий санъат музейида ҳам халқ санъати асарларини йиғиш ва уларни музей захирасига қабул қилиш узлуксиз давом этмоқда. Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, аҳоли қўлида бўлган амалий санъатнинг ноёб намуналарини аниқлаш ва йиғиш учун жойларда илмий-амалий қидирув ишларини мунтазам олиб бориш зарур.

Амалий санъат музейи захирасини бойитишнинг яна бир ўзига хос жиҳати – бу замонавий, яъни ҳозирда яратилаётган амалий санъат асарларини музей захирасига йиғиш бўлиб, мазкур иш музейда фаолият кўрсатаётган илмий-бадиий кенгаш аъзоларидан алоҳида масъулиятни талаб қилади. Сақлашга молик деб топилган ҳар бир амалий санъат асарини баҳолашда илмийлик ва холислик нуқтаи назаридан ёндашиш зарур. Зеро, барча ҳунармандлар ҳам юксак истеъдод эгаси

ЗЕРКАЛО НАРОДНОЙ ДУШИ

Человек всегда стремился к красоте, украшал свой быт, получая от этого эстетическое удовольствие.

Отражающие народный дух произведения прикладного искусства, как и другие народы, создавал и узбекский народ. В нашей республике развитию этого вида народного творчества особое внимание стали уделять в годы независимости.

Одним из практических шагов в этом направлении явилось изменение деятельности музея прикладного искусства Узбекистана. За короткое время музей был оборудован современными техническими средствами, приобретенными за счет грантов. Например, видео - электронное оснащение, подаренное правительстом Японии в 2002 году, позволяет обеспечивать безопасность музея. Вместе с тем, удалось организовать передвижные выставки музея в США, Италии, Германии.

При содействии Министерства по делам культуры Республики Узбекистан научные сотрудники музея подготовили к изданию красочный альбом, рассказывающий о наиболее ценных экспонатах музея, с текстами на узбекском, английском и русском языках, издан каталог всех экспонатов, хранящихся в музее.

Естественно, музей непрерывно пополняется новыми находками и современными произведениями, для чего комплексные научно-практические экспедиции выезжают в различные районы республики. За оценку и отбор произведений отвечает научно-художественный совет музея, т.к. не каждая вещь, изготовленная ремесленником или мастером, является произведением искусства. Так, в начале XX века только в Бухаре действовали боле 400 ювелиров и 600 чеканщиков.

В музее ведётся большая работа по освещению истории развития чеканки, вышивки, ювелирного искусства. Издаются книги по этой тематике, однако еще предстоит сделать научно-философский, этногенетический и сравнительный анализы произведений этих видов искусств. Каждый узор вышивки или чеканки отражает философский взгляд народа, его историю и традиции, является материальным источником в изучении их этногенетики. Важный научный интерес представляет сравнительный анализ произведений прикладного искусства разных народов.

Всякий музейный экспонат представляет собой научную ценность. Нередко в областных музеях, например, в Бухаре, Хиве, Сурхандарье, встречаются такие редкие произведения, которые невозможно встретить ни в одном музее мира. Поэтому проведение совместных выставок музеев представляет собой большой познавательный и научный интерес. Ознакомившись с деятельностью областных и районных музеев, ряд интересных соображений высказали участники семинара "Музеи Узбекистана в XXI веке", организованного Республиканским советом по духовности и просвещению, управлением музеев Министерства по делам культуры Республики Узбекистан, Республиканским фондом "Узбекмузей".

Большое влияние на развитие деятельности музеев в последние годы оказывает туризм. В настоящее время в музеях есть все условия для демонстрации богатого исторического наследия нашего народа по всему миру, в том числе через Интернет. Музей – это не только хранилище исторических ценностей и произведений искусств, но и центр духовного воспитания людей, особенно молодого поколения. Поэтому пропаганда музеев, освещение их деятельности должны занимать достойное место в работе средств массовой информации.

Ничто, ни один предмет, являющийся исторической ценностью, не должен оставаться без внимания народа. Воплощение в жизнь этой задачи – долг и обязанность работников музеев.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлавермаганидек, яратилган барча буюм ҳам амалий санъат асари ҳисобланавермаслиги маълум.

Санъатшунос олимларимизнинг маълумотларига қараганда, XX аср бошида Бухоронинг ўзида 400 дан зиёд заргар, 600 дан кўпроқ мисгар ишлаган. Шулардан 50 тасигина бадиий юксак ва бетакрор асарлар ярата олган, холос. Бадиий ижоднинг ноёб, киши қалбини ўзига ром қила оладиган кашфиёт даражасидаги намунасигина музей захирасига олиниши лозим. Шу маънода туман, вилоят ва қишлоқ музейларининг фаолиятини юксалтириш, уларга илмий-услубий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш давр талабидир.

Музейларда тадқиқот ишлари кўламини кенгайтириш лозим. Кандакорлик, каштачилик, заргарлик санъати тарихи, унинг тараққиёт босқичлари мавзуида кўп ишлар қилинган. Китоблар ёзилган. Аммо, шу билан бирга халқ кандакорлик ва каштачилик санъатини илмий фалсафий, этногенетик ва қиёсий жиҳатдан ўрганиш, унинг китоботи борасида қилинажак ишлар кўп. Кандакорлик ва кашта нақшлари халқнинг фалсафий дунёқараши, урф-одатлари тарихи, этногенетикасини ўрганишда муҳим моддий манба ҳисобланади. Кандакорлик ва каштачилик санъатини қардош халқлар санъати билан қиёсий тадқиқ этиш ҳам муҳим илмий аҳамиятга эга.

Музейларимизда сақланаётган амалий санъат асарлари илмий тадқиқотлар учун бебаҳо моддий манба эканлиги билан ҳам алоҳида илмий қиммат касб этади. Музейлараро қўшма кўргазмалар кўламини ҳар галгидан ҳам кенгайтириш зарур. Негаки, Бухоро, Хива, Сурхондарёдаги музей захираларида шундай асарлар борки, улар нафақат мамлакатимиздаги марказий музейларда, қўйингки, дунёнинг ҳеч бир музейида учрамайди. Музейлараро қўшма кўргазмаларнинг абзаллик томонларидан бири, аввало, минглаб музей ихлосмандларига қулай имконият яратилишидир. Қолаверса, музей ходимлари ўзаро тажриба алмашадилар ва илмий услубий ёрдам оладилар.

Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат кенгаши, Маданият ишлари вазирлиги қошидаги Музейлар бошқармаси, Республика «Ўзбекмузей» жамғармаси томонидан ташкил этилган махсус гурух уюштирган «XXI асрда Ўзбекистон музейлари» мавзуидаги Республика семинар–кенгаши қатнашчилари вилоят ва туманлардаги музейлар фаолияти билан танишиб чиқиб, кўплаб фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Европада XXI асрда ахборот – энг нодир товарга айланиб, катта даромад келтирмоқда. Шу боис, музейшунослик тизимида ҳам айни ахборотга эътиборни кучайтириш талаб қилинмоқда. Шу маънода музей соҳасига тегишли барча билимлар, тарихий маълумотлар, тажрибаларга оид ахборотларни жамлаб, амалиётга тадбиқ қилиш вақти келди.

Музей ишининг яна бир муҳим жиҳати – туризм билан боғлиқ муаммодир. Ҳозир музейларимизда аждодларимиздан қолган, халқнинг фахри ва кўрки бўлган, унинг маърифий ва маънавий даражасини белгиловчи улкан ва улуғвор тарихий меросларимизни дунё миқёсида намойиш этишнинг барча имкониятлари мавжуд. Музей – фақат тарихий мерос, санъат асарларини асраш ва сақлашгагина хизмат қилиб қолмай, тарбиянинг энг таъсирчан, омилкор воситаси ҳамдир. Зеро, буни тарбиянинг ҳеч бир усули билан қиёслаб бўлмайди. Авлодларимизни узоқ ўтмиш маънавияти ва маданиятидан баҳраманд этиш, уларнинг қалбида Ватанга, шу азиз тупроққа меҳр руҳини сингдиришда музейларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Шундай экан, «Музей кўргазмаларияро саёҳат» номида болаларга мўлжалланган турли адабиётлар салмоғини ошириш ва савиясини кўтариш лозим. Телевидениеда музейлар ҳақида кўрсатувлар кўламини кенгайтириш, унинг мазмундорлиги ва таъсирчанлигига эришиш ҳам даврнинг муҳим талабидир...

Аждодларимиз томонидан яратилган, давр суронларидан ўтиб, бизгача етиб келган – у ҳатто темирдан ясалган оддийгина игна бўлганда ҳам изсиз-самарасиз йўқолмаслиги, санъат асарлари руҳи бизлар билан доимо ёнма-ён юрмоғи лозим. Бу, энг аввало, ҳар бир музей ходимидан ўз ишига чексиз масъулият билан ёндашувни талаб қилади.

A MIRROR OF THE NATIONAL SOUL

A man always aspired to beauty and embellished his life getting aesthetic pleasure from it.

Uzbek people, as well as other peoples, also created different products of applied art that reflected their national spirit. In our Republic the development of this kind of art, alongside with other historical monuments, began to draw special attention in years of the independence.

One of the practical steps in this direction was changing the activity of the Museum of applied art of Uzbekistan. Over the short period of time the Museum was equipped with modern technical facilities acquired at the expense of various grants. For example, the video electronic equipment, presented by the Government of Japan in 2002, enables to guarantee the safety of the Museum. At the same time, it became possible to organize mobile exhib itions of the Museum in the USA, Italy, and Germany.

With assistance of the Ministry of Culture of Uzbekistan, the scientists of the Museum prepared for publishing a colorful album telling about the most valuable exhibits of the Museum, with texts in Uzbek, English, and Russian languages. At present, the catalogue of all the exhibits stored in the Museum is being prepared for publishing, as well.

Naturally, the Museum continuously replenishes with new finds and modern products. Thereupon the complex scientific-practical expeditions visit various areas of the Republic.

The Scientific-Art Council of the Museum is in charge for evaluation and selection of the products. In fact, not everything made by handicraftsmen or masters is a work of art. So, for example, only in Bukhara at the beginning of the 20th century there lived more than 400 jewelers and 600 chasers.

The museum is carrying out a big work on illumination of the history of development of embossing, embroidery, and jeweler art. Books on these subjects are being published, but still it is necessary to make scientifically philosophical, ethno-genetic and comparative analyses of the products of these kinds of arts. Every pattern of the embroidery or embossing reflects a philosophical sight of the peoples and the history of their traditions, and it is a valuable material source in studying their ethno-genetics.

The comparative analysis of the products of the applied art of different peoples represents an important scientific interest.

Any museum exhibit is of a certain scientific value. Quite often regional museums, for example, in Bukhara, Khiva, and Surkhandarya, have such rare products that no other museums in the world can have. Therefore conducting joint exhibitions of different museums represents a great cognitive and scientific interest. Having studied the activity of the regional and city museums, the participants of the seminar "The Museums of Uzbekistan in the 21st century", organized by the Republican Council on Spirituality and Education, the Department for the Museums of the Ministry for Cultural Affairs of the Republic of Uzbekistan, and the Republican Fund «Uzbekmuseum», stated a number of interesting considerations.

Last years, tourism greatly influenced the development of museums' activity. At present, museums have all the facilities, including Internet means, and conditions for demonstrating the rich historical heritage of our people to the whole world. A museum is not only a storehouse of historical values and products of arts, but it is also a center of the spiritual education of the people, especially that of the young generation. Therefore the popularization of museums, illumination of their activity should take a worthy place among the mass media operations. Nothing, not a single subject being a historical value, should remain without attention of the people. Bringing this task to life is duty and responsibility of the museum personnel

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГЕОЛОГИЯ МУЗЕЙИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Аҳмаджон ***АҲМЕДШОЕВ***

Ўзбекистон Республикасининг Геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси (Давгеолқўм)нинг Геология музейи Республиканинг геология соҳаси тизимида 1988 йили очилган.

Геология музейининг асосини собиқ Ўзбекистон Бошгеологиясининг мўъжазгина музейи коллекциялари ҳамда геологик ташкилотлар, муассасалар ва таниқли геолог-тадқиқотчилар томонидан Ўзбекистонда геология фаолиятининг 75 йили мобайнида йиғилган кенг коллекцион материаллар ташкил этади. Гарчи, Геология музейининг ташкил топганига унча кўп вақт бўлмаганлигига қарамай, у Давгеолқўмнинг тадқиқот ишлари ҳамда Республиканинг турли ҳудудларида изланишлар олиб борадиган илмий ва ўқув марказига айланди, шунингдек, у геологик ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган турли ташкилот ва муассасаларнинг музейлари устидан услубий бошқарувни амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг олий ва ўрта махсус таълими тизимида ўқув-маърифий ишларни олиб боради, турли чет эл компаниялари ва олимларининг музей экспонатлари билан танишувини ташкил этади, ватанимиз геология фани эришган ютуқларни кенг тарғибот-ташвиқот қилиш билан шуғулланади.

ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ ГЕОЛОГИЧЕСКОГО МУЗЕЯ

Геологический музей Государственного комитета Республики Узбекистан по геологии и минеральным ресурсам (Госкомгеология) был открыт в системе геологической отрасли Республики в 1988 году.

В основу Геологического музея были положены коллекции небольшого музея бывшей Главгеологии Узбекистана и обширные коллекционные материалы, собранные геологическими организациями, предприятиями, учреждениями, выдающимися геологами-исследователями за более чем 75- летнюю деятельность геологической службы Узбекистана. За сравнительно небольшой срок своего существования Геологический музей сформировался как научный и учебный центр Госкомгеологии, который, наряду с исследовательской работой, проводит геологические изыскания в различных регионах республики, осуществляет методическое руководство музеями в геологических производственных предприятиях и организациях, проводит учебно-просветительскую работу в системе высшего и среднего специального образования и среди населения республики, организует ознакомление с экспозициями музея разнообразных иностранных компаний, делегаций, зарубежных ученых, принимает активное участие в пропаганде достижений отечественной геологической науки и практики, популяризации геологических знаний среди населения Узбекистана.

В отличие от других музеев, которые, как правило, размещаются в реконструированных, специально переоборудованных для этих целей зданиях и помещениях, музей Госкомгеологии с самого начала проектировался как Геологический музей Узбекистана. Строительство его было начато в 1976 году, по ходу строительства по замечаниям и предложениям ведущих геологов в проект вносились коррективы и изменения, которые в конечном счете выразились не только в оригинальной форме здания этого учреждения, но и в его дизайне: здесь широко представлено творчество геологов, которые передали в дар музею свои картины, отражающие природу нашей страны, личные коллекции и другой материал.

В пяти выставочных залах музея размещены экспозиции, охватывающие все направления отечественной геологической науки и практики:

Вводный, полезной площадью 211,0 кв.м., с общими космическими и геологическими процессами образования, становления Земли как планеты;

Истории геологического развития территории Средней Азии и Узбекистана - 211,0 кв.м.;

Региональной геологии - 180 кв.м.;

Монографических палеонтологических коллекций - 62 кв.м.;

Главный выставочный зал полезных ископаемых, минералогии, геохимии, истории древнего горного промысла и Мирового геологического наследия - 1121 кв.м.

В вестибюле музея, на первом и втором его этажах, экспонируется информация об истории формирования геологической службы Республики, развитии геологической мысли, первопроходцах отечественной геологии, первооткрывателях месторождений полезных ископаемых, передовиках геологоразведочного производства и наставниках молодежи.

Пирит кристалли.
Кристалл пирита.
Crystal of pirite.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тошда қотиб қолган қадимий фауна қолдиқлари.
Застывшие в камне остатки древней фауны.
The ancient fauna remainders inprinted into the stone.

Одатда қайта қурилган ёки махсус қайта жиҳозлантирилган биноларда жойлашадиган аксарият музейлардан фарқ қилган ҳолда, Давгеолқўм Геология музейи ўша пайтдаёқ Ўзбекистон Геология музейи сифатида лойиҳалаштирилган. Унинг қурилиши 1976 йили бошланган бўлиб, қурилиш давомида илғор геолог ва мутахассисларнинг фикрлари эътиборга олиниб, лойиҳага қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилдиким, булар охир-оқибат музей биносининг оригинал шакли ҳамда дизайнида ўз ифодасини топди. Бу ерда музейга совға сифатида таниқли геологлар томонидан қолдирилган шахсий коллекциялар, республикамиз табиатини акс эттирувчи суратлар, расмлар ва ҳоказолар намойишга қўйилган.

Музейнинг 5 та кўргазма залида ватанимиз геология фани ва амалиётининг барча йўналишларини ўз ичига олган экспозициялар жойлашган:

Кириш зали – 211,0 *кв м* бўлиб, унда Ернинг планета сифатида шаклланиши ва ривожланишининг умумий фазовий ва геологик жараёнлари акс эттирилган;

Ўрта Осиё ва Ўзбекистон ҳудудининг геологик ривожланиш тарихи зали – 211,0 *кв м;*

Регионал геология зали – 180 *кв м;*

Монографик палеонтологик коллекциялар – 63 *кв м;*

Табиий олтингугурт.
Друза самородной серы.
Nature sulphur.

Тарихий геология ва палеонтология зали.
Зал исторической геологии и палеонтологии.
A hall of historical geology and paleontology.

History of Development of the Geological Museum.

The Geological Museum of the State Committee of the Republic of Uzbekistan on geology and mineral resources (Goskomgeologia) was opened in the system of geological branch of the Republic in 1988.

The collections of a small museum of the former Glavgeologia of Uzbekistan and the extensive collection materials collected by the geological organizations, enterprises, institutions, oustanding geologists-researchers over more than 75-year activity of geological service of Uzbekistan served as basis for the Geological Museum. Over rather short period of time of its existence, the Geological Museum became a scientific and educational center of Goskomgeologia, which, alongside with research work, carries out geological researches in various regions of the Republic, carries out methodical management of museums in the geological industrial enterprises and organizations, carries out training educational work in system of the higher and middle education and among the population of the Republic, organizes acquaintance with expositions of the museum for various foreign companies, delegations, foreign scientists, takes active part in propagation of the achievements of local geological science and practice, popularization of geological knowledge among the population of Uzbekistan.

As against other museums that, as a rule, are placed in the reconstructed buildings and premises specially rebuilt for these purposes, the Museum of Goskomgeologia from the very beginning was projected as the Geological Museum of Uzbekistan. Its construction started in 1976, during construction, due to remarks and suggestions of leading geologists, the project had been given corrective amendments and changes that finally were expressed not only in the original form of the building of this establishment but also in its design: it widely represents the creativity of geologists who gifted the museum with their pictures reflecting the nature of our country, personal collections and other material.

Five showrooms of the museum place the expositions covering all directions of domestic geological science and practice:

The introduction hall with its area - 211,0 sq.m, with the general space and geological processes of formation, the Earth becoming a planet.

The history of geological development of the territory of Central Asia and Uzbekistan takes 211,0 sq.m.

The regional geology takes 180 sq.m.

The monographic paleontologic collections take 62 sq.m.

The main showroom of minerals, mineralogy, geochemistry, history of ancient rock craft and the World geological heritage takes 1121 sq.m.

The lobby of the museum on the first and second floors exhibites the information on history of formation of geological service of the Republic, development of geological idea, pioneers of local geology, earlier explorers of deposits of minerals, leaders of prospecting manufacture and instructors of youth.

The special exposition reflects Uzbekistan as a young sovereign state, development of market relations in the country and a role of mineral raw material sources in national economy.

The total of the exhibits exposed in expositions, not countig the duplicate and exchange funds stored in warehouses of the museum, makes more than 32000.

Field geological routes, annually organized by the Geological museum, to various deposits and geological objects allowed to collect an extensive share stone material and the information on objects of works.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чақмоқтошдаги йирик молибденит кристалли.
Крупный кристалл молибденита в кварце.
A large crystal of molibdenite in kwartz.

Особая экспозиция отражает Узбекистан, как молодое суверенное государство, развитие рыночных отношений в стране и роль минерально-сырьевых ресурсов в народном хозяйстве.

Общее количество экспонатов, выставленных в экспозициях, без учета дубликатного и обменного фондов, хранящихся на складах музея, составляет более 32000.

Ежегодно организуемые Геологическим музеем полевые геологические маршруты на различные месторождения и геологические объекты позволили собрать обширный фондовый каменный материал и информацию по объектам работ.

Образованы дубликатный и обменный фонды. Экспонируются различные горные породы, руды цветных, редких и благородных металлов, нерудные полезные ископаемые. В витринах музея выставлены очень редкие образцы с великолепными кристаллами киновари, молибденита, висмута, вольфрамита и др.

В музее проводятся целенаправленные минералогические, петрографические, геохимические, палеонтологические и другие исследования фондового каменного материала, проверка заявок первооткрывателей по находкам ископаемых остатков, уникальных объектов, новых месторождений полезных ископаемых, выдача экспертных заключений на благородные металлы и камнесамоцветное сырьё, включая ювелирные изделия.

В последние годы Геологический музей сконцентрировал свои работы на выявлении новых, нетрадиционных для Узбекистана видов минерального сырья, с целью замены ввозимого в Республику сырья местным.

На базе музея проводятся различного рода выставки, презентации минерально-сырьевого потенциала Узбекистана, деловые встречи с иностранными партнерами по вопросам проведения совместных геологоразведочных работ и освоения подготовленных месторождений полезных ископаемых.

В главном выставочном зале музея оформлены многочисленные витрины, характеризующие геологическое строение наиболее крупных и типичных месторождений различных видов полезных ископаемых, типы руд и пород, продукции из камня и др. Широко представлены личные коллекции выдающихся геологов, переданные в дар музею.

В выставочных залах Геологического музея демонстрируются экспозиции, представляющие геологическое наследие Республики.

С развитием хозяйственной деятельности человека преобразование природы становится всё более и более очевидным и необходимым. Не имея возможности противостоять этим преобразованиям, необходимо не допускать таких изменений, которые приводят к катастрофическим последствиям, сводя к минимуму примеры нерационального воздействий человека на окружающую среду.

В этом направлении в Госкомгеологии проводится целенаправленная работа с целью выявления типичных и уникальных эталонов неживой природы в качестве памятников, подлежащих соответственной охране, и недопущения их разрушения.

Эти памятники неживой природы, характеризующие геологическое наследие Узбекистана, привлекательны не только с научной точки зрения, но и как объекты массового туризма.

Фойдали қазилмалар, минералогия, геокимё, қадим тоғ саноати тарихи ҳамда Дунё геологик мероси зали – 1121 *кв м* майдонни эгаллаган.

Музей вестибюлида, унинг биринчи ва иккинчи қаватларида, Республика геология хизматининг шаклланиш тарихи, геология фанининг ривожланиши, Ватанимизнинг илк геологлари, фойдали қазилма конларини очган дастлабки геологлар, устоз-олимлар ҳақидаги маълумотлар берилган.

Махсус экспозиция Ўзбекистоннинг ёш суверен давлат сифатида шаклланишини, мамлакатда бозор муносабатларининг ривожланиши ҳамда минерал-хом ашё ресурсларининг халқ хўжалигидаги ўрнини тасвирлайди.

Экспозицияларда намойиш этилаётган экспонатларнинг умумий сони, музей омборларида сақланаётган дубликат ва алмашув жамғармасини ҳисобга олмаган ҳолда, 32 000 дан ортиқни ташкил этади. Турфа хил тоғ жинслари, рангли, кам учрайдиган металл рудалари, номаъдан фойдали қазилмалар кўргазма қилинади. Музей витриналарида киноварь минерали, молибденит, висмут, вольфрамит кристалларини ўзида сақлаб қолган ноёб намуналар намойиш этилган. Чунончи, махсус петрографик коллекция ўз ичига 300 та намунани (вулканик тоғ жинслар – 228, метаморфик тоғ жинслар – 46, чўкинди тоғ жинслар – 26) қамраб олади; минералогик коллекция эса 858 та намунадан иборат бўлиб, улар ғоят ноёбдир.

Монографик палеонтологик коллекция ўз ичига 2631 та намунани жамлаган бўлиб улардан 783 таси Марказий Осиё ва Ўзбекистон ҳудудининг ривожланиши тарихи залида ва 1848 таси эса – монографик палеонтологик коллекциялар залида жойлашган.

Геология музейи томонидан конлар ва геологик объектларга ҳар йили ташкил этиладиган турли хил геологик маршрутлар тадқиқот объектлари бўйича кенг қамровли ахборот ва жамғармавий тош материаллари йиғишга имкон бермоқда.

Музейда жамғармавий тош материалларнинг мақсадли йўналтирилган минералогик, петрографик, геокимёвий, палеонтологик ва бошқа хил тадқиқотлари, янги кон очганларнинг аризалари, фойдали қазилмалар қолдиқлари топилмалари, ноёб объектлар, янги конлар бўйича текшириш, қимматбаҳо металлар ва ярқираматошлар хом ашёси, жумладан, заргарлик буюмларига эксперт хулосаларининг берилиши каби ишлар амалга оширилади.

Гипс (Сахара атиргуллари).
Друза гипса (роза Сахары).
Gypsum (a rose of Sahara).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ложувард.
Лазурит.
Lasurite.

Сўнгги йилларда Геология музейи ўз фаолиятини Ўзбекистон учун ноанъанавий минерал хом ашёларнинг янги манбаларини излаб топишга ҳам қаратмоқда. Бундан асосий мақсад, четдан келтириладиган хом ашё ўрнини босадиган маҳаллий ресурсларни топиш ҳисобланади.

Музей қошида Ўзбекистоннинг минерал-хом ашё потенциалини акс эттирувчи турли хил кўргазмалар, тақдимотлар, чет эллик ҳамкорлар билан бирга қўшма геологик тадқиқотларни ўтказиш ва излаб топилган фойдали қазилмаларни ўзлаштириш масаласига оид учрашувлар ўтказилади.

Маълумки, инсон хўжалик фаолиятининг тобора ривожланиши билан табиатнинг ўзгариши янада ойдинлашмоқда. Бундай ўзгаришларга қарши туриш ниҳоятда мураккаб бўлганлиги учун ҳам, инсон фаолиятининг атроф табиий муҳитга нисбатан салбий таъсирини имкони борича камайтиришга эришиш лозим.

Мазкур йўналиш бўйича Ўздавгеолқўмда табиатнинг ноёб кўринишларини ёдгорлик сифатида эътироф этиш ҳамда тегишлича муҳофаза остига олиш ва уларнинг бузилиши ҳамда йўқ бўлиб кетишини олдини олиш масаласига оид мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистоннинг геологик меросини ифодаловчи мазкур жонсиз табиат ёдгорликлари нафақат илмий нуқтаи назардан, балки оммавий туризм нуқтаи назаридан ҳам эътиборга лойиқдир.

Тоғ хрустали бўлаги.
Друза горного хрусталя.
The mountain crystal.



Тоғ жинсидаги феруза томирлари.
Прожилки бирюзы в горной породе.
Turquose lines in the mountan rock.

The duplicate and exchange funds are formed. Various rocks, ores color, rare and precious metals, nonmetallic minerals are exhibited. Show-windows of the museum represent very rare samples with magnificent crystals of cinnabar, molybdenite, bismuth, wolframite, etc.

The museum carries out purposeful mineralogical, petrographic, geochemical, paleontologic, and other researches of a share stone material, check-up of applications of pathbreakers on finds of fossils, unique objects, new deposits of minerals, delivery of expert judgements on precious metals and semiprecious stones raw material, including jewels.

Over the last years the Geological Museum focused its activity on revealing of new, nonconventional for Uzbekistan, kinds of mineral raw material, with the purpose of replacement of raw material imported into the Republic by the local one.

On the basis of the Museum, business meetings with foreign partners on questions of carrying out of joint prospecting works and development of the prepared deposits of minerals, various exhibitions, and presentations of mineral raw potential of Uzbekistan are carried out.

There are numerous show-windows in the General Main showroom of the Museum that describe geological structures of the largest and typical deposits of various kinds of minerals, types of ores and breeds, products of stone, etc. Personal collections of oustanding geologists gifted to the Museum are widely represented.

Showrooms of the Geological Museum demonstrate the expositions representing geological heritage of the Republic.

With development of economic activities of human beings, transformation of the nature becomes more and more obvious and necessary. Not being able to resist these transformations, it is necessary to bar such changes, which lead to catastrophic consequences, reducing to a minimum the examples of irrational influences of the person on the environment.

In this direction Goskomgeologia conducts purposeful work with a task of revealing typical and unique standards of the lifeless nature as the monuments subject to respective protection, and barring their destructions.

These monuments of the lifeless nature describing geological heritage of Uzbekistan are attractive not only from the scientific point of view but also as objects of mass tourism.

Симоб сульфид кристаллари олтингугурт қатламли чақмоқтош бўлагида.
Кристаллы киновари в друзе кварца с налётом серы.
Crystal of cinnabar in kwarts covered with sulphur.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҒОЗҒОН ТОШТАРОШЛИК САНЪАТИ

Гуларо Абдуллаева

Гўзал мамлакатимизнинг қайси бир сарҳадига бормайлик, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ёки Шаҳрисабз каби қадим шаҳарларнинг тарихий обидалари билан танишмайлик, мармарий санъатнинг хос ва мос ифодасини кўрамиз.

Тоштарошлик – тошни кесиш ва уни маълум бир шаклга келтиришдек машаққатли касбдир. Аммо ана шу машаққат орқали ажиб санъат намуналари яратилади. "Тошда гул ундириш", яъни тош ўймакорлиги санъати Ўрта Осиёда, айниқса, Ўзбекистон ҳудудида қадимдан ривожланган. Неолит ва бронза даврларида тош бадиий ишланганлигини Замонбобо маданияти ва Чустдан топилган археологик топилмалар далолат беради.

I–III асрларда Ўзбекистон жанубида биноларнинг пойдевор ва устунлари ҳамда биноларни безашда мармар ва харсангтошдан рельеф ва ҳайкаллар тайёрлашда (буддизм тарқалиши муносабати билан) фойдаланилган. Айритом, Фаёзтепа, Қоратепа харобалари ҳам биноларни безашда тошдан фойдаланилганлигини кўрсатади. Тоштарошлик Ўрта Осиёда, айниқса, XV асрда ривож топди ва такомиллашди. Чунончи, мадраса, мақбара каби йирик бинолар қурилишида тошдан кенг фойдаланилди (Амир Темур мақбараси, Бибихоним масжиди, Аҳмад Яссавий мақбараси каби ўнларча меъморий ёдгорликлар). XIX – XX аср бошларида Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қўқон ва бошқа шаҳарлардаги йирик биноларда, ҳовуз (Лаби ҳовуз ансамбли, Ситораи Моҳи Хоса), тегирмонларда харсанг ва мармар кўп ишлатилган. Нурота ва Ғозғон қишлоқларида эса мармардан идиш (товоқ, пиёлалар) тайёрланган. Айниқса, Ғозғон усталари томонидан тарошланган мармарий ашёлар кишини лол қолдиради.

Ғозғонликлар учун тоштарошлик – бобомерос санъат. "Зафарнома", "Абдулланома", "Бобурнома" каби асарлардаги Ғозғон мармари ҳақидаги қайдлар бу фикримизни тасдиқлайди.

Ғозғон мармарий санъатининг ёрқин ифодаси асрлар оша мармар товоқларда намоён бўлиб келаётир. Қадим-қадимдан дид билан нақшлаб жилоланган, байтлар ўйилган бундай товоқлар харидоргирлиги билан ҳамиша эътиборда бўлган. Ўтмишда бобокалон усталар энг ибтидоий асбоблар: теша, темирқалам, қайроқ ва қумтош, намат ва ипак матолар билан қўл кучи воситасида ишлашган. Айтишларича, мармар товоқларнинг қадр-қиммати уларнинг турли микробларга акс таъсири билан баҳоланган. Шу сабабли, Бухоро амирлари саройида олтин, кумуш идишлар билан бир қаторда мармар товоқлар ҳам эъзозли бўлган. Бухородаги Арк ва Ситораи Моҳи Хоса музейларида ҳозирга қадар 400 дан ошиқ мана шундай мармар товоқлар мавжудлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Мармар товоқларга ҳикматлар ҳамда байтлар битилган. Масалан, товоқларнинг бирида арабча "Шараф ул инсонил бил илму в-ал абадий ло бил моли насаб", яъни "Инсоннинг шарафи ва ҳурмати унинг мансаби ва молу дунёси билан эмас, илму одоби билан ўлчанади", деб ёзилган.

Демак, товоқсоз усталар илмда ҳам, тафаккурда ҳам муайян даражага эришганлар, юксак заковат эгалари бўлганлар. Афсуски, бу товоқсозларнинг номлари сақланиб қолмаган. Айримларигагина "амали уста Абдурахим" деб битилган, холос.

Аммо Ғозғон тоштарош усталари ва уларнинг сулолалари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд.

Биринчи авлод (XIII–XVI асрлар): машҳур уста Олим Ғозғоний (Деҳибаланддаги 4,5 метрли мармар устун ижодкори), Маҳмуд Ғозғоний, Бобомурод Ғозғоний, Ғодурбойи Сангтарош, Уста Тўхтамурод;

РЕЗЧИКИ ПО КАМНЮ ГАЗГАНА

Обработка камня – камнетесание, придание ему определенной формы, резьба по нему – очень древнее искусство. Оно широко распространено в Средней Азии, особенно в Узбекистане.

Раскопки древних памятников I-III веков на юге Узбекистана – городища Айритам, Фаязтепа, Коратепа – свидетельствуют о широком применении мрамора и других пород камня (мергелистый известняк, гипс и т.д.) в оформлении зданий и создании скульптур (в связи с распространением буддизма). Особого расцвета это искусство достигло в XV веке, в период возведения величественных мечетей, медресе, мавзолеев. До нас дошли неповторимые шедевры архитектуры того времени – мавзолей Амира Темура, мечеть Бибиханум, мавзолей Ахмада Яссавий и др., где представлены образцы искусства мастеров – камнетесов. В этом ремесле особенно прославились мастера из Газгана, профессия которых передавалась из поколения в поколение. О них упоминается в древних источниках -"Зафарнаме", "Бабурнаме", "Абдулланаме".

Самым известным среди первого поколения мастеров (XIII-XVI вв.) был Олим Газгоний, возведший мраморный столб высотой 4,5 м. в Дехибаланде. Известно очень много имен последующих поколений газганских камнетесов. К числу уникальных произведений зодчества относятся два мраморных котла, изготовленных известным мастером Уста Умром по заказу Бухарского эмира Алимхана. Вытесанные из монолитного камня котлы, каждый из которых весил 2 тонны, были рассчитаны на 80–100 литров воды. Один из них, а также фрагмент высеченного мастером фонтана и каменный жернов хранятся в мечети Шахимардана. Воспитанником Уста Умра является не мене знаменитый камнетес и скульптор Мулла Абдурахим Мухандис.

Еще один мастер из Газгана – Абдурахим Турдиев Мухандис, в 1912 году по заказу Бухарского эмира он создал из газганского мрамора две скульптуры львов для дворца Ситораи Мохи Хоса и декорированные сливы для дворцового хауза. Принимал участие в строительстве дворца Мохи Хоса, оформлении мечетей Шахимардана и Дехибаланда. В 30-е годы он изготовил мраморный бюст Файзуллы Ходжаева, а также предметы для украшения Московского метро. Он был первым узбекским скульптором. В 1939 году он был репрессирован. Его дело продолжил его внук Уста Тахир. Им изготовлены мраморные узорчатые решетки для окон мавзолеев Хожа Бахоуддина Накшбанда и Абдухалика Гиждуваний. Уста Тахир и сам вырастил немало учеников. В его доме действует школа ваяния.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Иккинчи авлод (XVII–XIX): Уста Умр, Мулла Абдураҳим Муҳандис, Уста Биби Тўйғул, Уста Элмурод, Уста Сафар, Ҳайитмурод;

Учинчи авлод: Уста Рустам, Уста Бобоназар, Уста Бако, Уста Абдулла, Уста Бобомулло;

Тўртинчи авлод: Уста Истам, Уста Эркин, Уста Яшин, Уста Тоҳир, Уста Муқим, Уста Шерзод, Уста Жамол, Уста Шукур, Уста Чўлибой ва бошқалар ҳозирги кунда ҳам тоштарошликни давом эттирмоқдалар.

Энг машҳур тоштарошлардан бири Уста Умр амир Олимхон буюртмаси билан учта тошқозон ясаган. Яхлит харсангтошдан ясалган тошқозонларнинг ҳар бири 2 тоннадан зиёд бўлиб, 80–100 литр сув учун мўлжалланган. Шу тошқозонлардан биттаси, фаввора ости тоши ҳамда мойжувоз тош Шоҳимардон масжидида сақланмоқда. Уста Умр машҳур сангтарош ва ҳайкалтарош Мулла Абдураҳим Муҳандиснинг устозидир.

Абдураҳим Турдиев Муҳандис XIX асрнинг 70- йиллари 1939-йилларда яшаб ижод қилган. У тоштарош уста, шунингдек, меъмор ҳамда биринчи ўзбек ҳайкалтароши ҳам бўлган. У Ғозғонда туғилиб, шу ерда яшаган. 1912 йилда Бухоро амири буюртмаси билан Ситораи Моҳи Хоса саройига мармардан иккита шер ҳайкалини ишлаган. Шу сарой ҳовузи учун Ғозғон мармаридан иккита нов йўниб, уларни нақш билан безаган, Шоҳимардон, Деҳибаланд қишлоқларидаги масжидларни безашда иштирок этган (1932–1933), 1934 йилда афсонавий махлуқларнинг бошига ўхшатиб иккита мармар нов яратган ("Аждар" ва "Наҳанг", булар ҳозир Ғозғон қишлоғи Маданият уйи олдидаги ҳовузга қўйилган). 30-йилларда у Файзулла Хўжаев бюстини ишлаган, лекин булар сақланмаган. Турдиевнинг мармардан йўниб, нақшлаб ишлаган лаганлари Зарафшон водийсида машҳур бўлган. 1939 йилдаги қатағон қурбони. Тошкентдаги биринчи универсал магазин қурилишида қатнашган ва Москва метроси учун буюмлар ясаган. Ғозғон қишлоғидаги Шоҳимардон масжидини қайта таъмирлашда иштирок этган. Унинг касбини набираси уста Тоҳир давом эттирмоқда. Уста Тоҳир ўз навбатида Карманадаги Қосим Шайх, Ғиждувондаги Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Бухородаги Хўжа Баҳоуддин зиёратгоҳи ва бошқа тарихий масканларни таъмирлашда иштирок этган.

Мармар буюмларни турли нақш, орнамент ва шакллар билан безаш боболардан қолган мерос. Қадимий мармар буюмлар, масалан, сандалтош, нонтош, тошнов ва товоқлар "гандумак", "чингила", "шох", "шох бута" ва турли ўсимликсимон нақшлар билан безатилган, бинобарин, тошда ислими нақшларнинг чизилиши жуда эътиборлидир. Қадимги усталар кўпроқ геометрик нақшлар чизишда ҳам ўз маҳоратларини кўрсата олганлар. Масалан, Ғозғондаги Шоҳимардон масжидини олайлик. Бу масжид тўлиқ мармартошдан қурилган бўлиб, унга бир дона ҳам ёғоч ишлатилмаган. Бино ичидаги устунлар, ярим устунлар, пойдевор ва тепа деворлар ҳаммаси тошдан қилинган. Маълумотларга қараганда, Шоҳимардон масжиди дарвозаси, остона ва болодариси, панжара ойналари мармардан экан. Йиллар ўтиши билан бу буюмлар йўқолиб кетган, ҳозир ўрни бор, холос. Маълумотларга кўра, аслида Шоҳимардон масжиди XVI асрда Ғозғондаги Ҳазрат Али қабри олдида чўпкори қилиб қурилган. Кейинчалик Шоҳимардон масжидини сел оқизиб кетганлиги туфайли 1906–1908 йилларда бухоролик Муаззамбиби томонидан қайтадан қурилади. Шоҳимардон масжидининг меъмори Махсум лақабли киши уни мармар тошдан Оврўпо услубида қуради.

Шоҳимардон масжиди деворидаги мармар тошларда араб алифбосининг сулс усўлида Қуръон суралари, ҳадисдан намуналар ёзилган.

Умуман, Ғозғон тоштарошлик санъати анъаналарини авайлаш, бойитиш, мўъжизакор усталар қолдирган ижодий асарларини чуқур ўрганиш лозим.

GAZGAN ART OF STONE CUTTING

Stone-processing – stone-cutting, its shaping, grooving on the stone – is a very ancient art. It was widely spread in Central Asia, especially in Uzbekistan.

The remains of the ancient monuments of the 1st-3rd centuries in the south of Uzbekistan – the settlement sites Ayrtam, Fayaz-tepa, Karatepa – testify to wide application of marble and other stone rocks (marly limestone, plaster, etc.) in decorating buildings and creating sculptures (bound to distribution of the Buddhism). This art reached its peak blossoming in the 15th century, during the erection of majestic mosques, madrasahs, and mausoleums. We still have unique masterpieces of the architecture of that time – Amir Temur's mausoleum, mosque of Bibihanum, Ahmad Jassavi's mausoleum, etc., where the samples of the art of masters-stone-dressers is present. In the 19th-20th centuries marble and granite began to be applied in decoration of *hauzs* (water-reservoirs) in Samarkand, Bukhara, Khiva, Shahrisjabz, Kokand and other large cities. Architectural ensembles of Ljabi-hauz and Sitorai Mokhi Hosa preserved in all their beauty are bright evidences of it. And in kishlaks Nurata and Gazgan alongside with gravestones and architectural details made from marble masters produced household utensils: *ljagans* (wide plates), *pialas* (tea-cups) and other things. The masters from Gazgan whose skills passed from one generation to the next one became especially famous in this business. Such ancient sources as «Zafarname», «Baburname», and «Abdullaname» also mention about them.

The most known among the first generation of masters (the 13th – 16th centuries) was Olim Gazgony who erected a marble column 4.5m high in Dehibaland. There are many other famous names of generations of the Gazgan stone-dressers. Two marble boilers, hewed out by a well-known master Lips Umr by the order of the Bukhara Emir Alimkhan, are among the number of the unique products of architecture. The boilers hewed out from a monolithic stone, each weighing 2 tons, were designed for 80-100 liters of water. One of them, as well as a fragment of the fountain and stone mortar cut by him, is stored in the mosque of Shahimardan. His pupil is not less known stone-dresser and sculptor Mullah Abdurakhim Muhandis.

Another master from Gazgan is Abdurakhim Turdiev Muhandis who lived and worked at the end of the 19th century and till 1939. In 1912 by the order of the Bukhara Emir he created two sculptures of lions for the palace Sitorai Mokhi Hosa and marble figures for palace's *hauz* (water-pool). He participated in construction of the palace of Mokhi Hosa, decoration of the mosques in Shahimardan and Dehibaland. In 30thies he made a marble bust of Fajzulla Hodzhaev, as well as subjects for the Moscow subway lines decoration. He was the first Uzbek sculptor. In 1939 he was subjected to repression. His grandson Usta Takhir continued his business. He made marble figured lattices for windows of the mausoleums of Hozha Bahouddin Nakshband and Abduhalik Gizhduvany. Usta Takhir himself trained many pupils. The school of sculpturing still operates in his house.

As a whole, the art of stone cutting by the Gazgan masters and their products demand steadfast attention and studying.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДА ТОШ ДАВРИГА ОИД ЁДГОРЛИКЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

Нилуфар ***РАЖАБОВА***

Қашқадарёдаги ибтидоий маконлар ҳақидаги илк маълумот 1944 йилнинг октябрида «Қашқадарё ҳақиқати» газетасининг 196-сонида Г.В.Парфеновнинг «Кашкадарьинская правда» мақоласида ўз аксини топди. Бу эса Қашқадарёда ҳам қадимги одам маконлари борлигидан дарак берувчи ғорларга эътибор қаратиш кераклигини ўйлаб кўришга имкон яратди.

Қашқадарё Ўзкомстариси бўлим бошлиғи С.К.Кабанов воҳа археологияси билан қизиқиб 1949–1950 йилларда Қашқадарёнинг юқори оқимида жойлашган археологик ёдгорликларни топиш, рўйхатга олиш, даврлаштириш мақсадида Шаҳрисабз, Китоб ва Яккабоғ ҳудудларида тадқиқот олиб боради.

С.К.Кабанов Қайнар ғарбидаги Қўрғонтоғ ёнбағрида кичикроқ Суюкбулоқ қишлоғи яқинидаги Еттиқиз ғорларини текширади. Ғорларнинг иккитаси бир-биридан 5–6 *м* оралиқдаги масофада, учинчиси, тахминан, 100 *м* ғарбда жойлашган эди. Ғорларнинг баландлиги 10–12 *м*, эни 5–6 *м*, узунлиги эса 30 *м* гача етади.

1951 йилда С.К.Кабанов Ҳисор тизмасида жойлашган «Темур ғори»да қазатув ишлари олиб борди, лекин ғорда археологик қазув ишлари олиб борилмайди, даврлаштириш ҳам назардан четда қолади. Фақат ғорнинг ичкари қисмидан IX–X асрларга оид сопол парчалари топилади. Уларга асосланиб С.К.Кабанов бу ғорни арабларга қарши олиб борилган Муқанна бошчилигидаги қўзғолончиларнинг қароргоҳлари бўлганлигини тахмин қилади. 1963 йилнинг баҳорида С.К.Кабанов, К.А.Шахурин, А.А.Асқаровлардан иборат археологлар Ҳазрати Башир қишлоғининг тоғ ва тоғолди ҳудудларида тадқиқот ишларини олиб борадилар.

А.А.Асқаров Шайх Ҳавал ғоридан тош даврига оид, аниқроғи, сўнгги палеолитга оид битта қирғич ва 5 та учринди топади, бу илк топилмалар ҳақиқатдан ҳам Қашқадарёда тош даврига оид ёдгорликлар мавжудлигига ойдинлик киритди.

1997 йилнинг кузида Китоб туманининг Оёқчисой қишлоғида яшовчи аҳоли орасида тоғлардаги ғор ва унгурларда қандайдир расмлар чизилган тош борлиги ҳақидаги хабарлар тарқалади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Қарши Давлат университети тарих факультетининг бир гуруҳ олимлари шу ҳудудга қисқа маршрут йўналиши уюштирадилар. Олимлар орасида ҳақиқий археолог мутахассиснинг йўқлиги сабабли тошда тасвирланган расмларнинг маъносини ва даврини аниқлашда аниқ бир тўхтамга келолмай, тахминан, эрамиздан аввалги II–I асрларга тааллуқли бўлиши мумкин, деб топадилар.

ИЗУЧЕНИЕ ПАМЯТНИКОВ КАМЕННОГО ВЕКА В КАШКАДАРЬЕ

Первые сведение о первобытных стоянках на территории Кашкадарьи появились в статье Г.В.Парфенова, опубликованной в октябре 1944 г. в № 196 газеты "Кашкадарё хакикати".

С.К.Кабанов в 1949–1950 гг. ведет поиски в районах Шахрисабза, Китаба и Яккабага. В окрестностях кишлаков Кайнар и Суюкбулак он исследует комплекс пещер Еттикыз (Семь девушек). Однако никаких конкретных данных в заложенных шурфах и траншеях не обнаружено.

В 1951 г. С.К.Кабанов проводит исследования в "Пещере Темура", расположенной на Хисарском хребте. Внутри пещеры были обнаружены фрагменты керамики IX–X веков, на основании чего исследователь выдвигает предположение о том, что здесь находилась ставка тех, кто восстал против арабов под руководством Муканны.

В 1956 г. с целью выяснения места впадания Кашкадарьи в древний Зарафшан северо-западная часть Каршинской степи была исследована Х.Дуке. В ходе изучения западной части озера Пайкенд в Караулбазаре были обнаружены стоянки периода неолита, орудия из кремния. Это дало толчок к поискам стоянок каменного века в самой Кашкадарье.

Весной 1963 года группа археологов в составе С.К.Кабанова, К.А.Шахурина, А.А.Аскарова провела исследования в Китабском районе. В результате почти двухнедельных изучений А.Аскаровым пещер и ущелий вокруг кишлака Хазрати Башир в пещере Шайх Хавал были найдены изделия, относящиеся к каменному веку.

В 1999–2000 годах археолог, специалист по каменному веку Р.Х.Сулейманов, осмотрев близлежащие к Аякчисаю территории, высказал мнение о возможности обнаружения в здешних местах стоянок древних людей.

Именно с этой целью в 2001 году совместная узбекско-американская экспедиция приступила к археологическим наблюдениям и раскопкам в долинах Аякчисая и Куруксая. Были исследованы памятники Сийпанташ и Каттакамар, в результате был сделан вывод, что данный объект являлся храмом в конце каменного века. Ученые установили, что сюжет рисунков не является бытовым, а явно носит космогонический характер, центральной композицией которого является изображение солнца. Изучая линии из 28 или 29 рядов, можно сделать вывод, что они точно совпадают с днями лунного календаря. В центре утеса изображен силуэт коровы или быка, изображение которого Р.Сулейманов связывает с символом луны из архаичных мифологических созвездий.

По мнению Р.Х.Сулейманова, создатели Сийпанташских рисунков изображали не сцены добычи или охоты, а отразили представления людей каменного века Центральной Азии о строении Вселенной. А потому Сийпанташ можно считать самым древним храмом. После тщательного изучения этого уникального памятника было высказано предположение, что Сийпанташским рисункам, возможно, 10–15 тысяч лет.

В 2002 году велись археологические исследования пещер Аякчисайской долины, проводились раскопки в пещерах Каттакамар, Ангилак. В результате обнаружены каменные орудия (чоппер, отщеп, нуклеус) и кости, относящиеся к периоду мустье. Определена схожесть в обработке камней с Самаркандской культурой Обирахмат.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1999–2000 йилларда профессор Р.Х.Сулейманов Оёқчисой атрофларини кўздан кечириб, бу ердан қадимги одамлар яшаган маконлар топилиши эҳтимоли борлигини билдиради.

Қашқадарё ҳудудида қадимги одамлар манзилгоҳини топиб ўрганиш мақсадида 2001 йилда ўзбек-америка қўшма экспедицияси Китобнинг Оёқчисой ва Қуруқсой водийларида археологик кузатув ва қазув ишларини бошладилар. Археологик қазишмалар асосида Қуруқсой водийсидаги Сийпантош ва Каттакамар ёдгорликлари кўздан кечирилади. Р.Х.Сулейманов тадқиқот ишлари жараёнида қизил бўёқ билан туширилган расмларни ўрганиб, мазкур ёдгорлик тош даврининг сўнгги асрига оид нодир ибодатхона бўлганлигини эътироф этди. Расмларни ўрганиш жараёнида улар шунчаки амалий хусусиятга эга бўлган нақшлар эмас, балки қуёшнинг хоч шаклидаги ёки ўртасида нуқта ёки хоч бўлган доира шаклидаги тасвири, ўқсимон тасвирлар, ромблар занжири ёки чизиқчалардан иборат эканлиги кишини ҳайратга солди. Айниқса, 28 ёки 29 та чизиқчалар қаторидан иборат чизгилар тўғридан-тўғри қамарий ой кунлари сонига мувофиқ, деган хулоса чиқаришга олиб келади. Қоя марказида момақалдироқ ва ёмғир маъбуди ҳисобланган буқа ёки сигирнинг умумий силуэти тасвирланган.

Шундай қилиб, Сийпантошдаги расмлар мавзуи ғайб ва самовий рамзлар билан боғлиқдир. Р.Х.Сулеймановнинг фикрича, Сийпантош тасвирлари ижодкорлари унумли ўлжа ва овчилик сеҳр-жодусидан кўра, кўпроқ коинот тузилиши тўғрисидаги абадий масалаларни акс эттиришга интилганликлари кўриниб турибди. Сийпантош расмларининг ёши 10–15 минг йиллар оралиғида деб тахмин қилинди. Бу Марказий Осиёдаги тош асри одамларининг коинот таркиби ва вақт тўғрисидаги тасаввурларни акс эттирган энг кўҳна ибодатхонаси бўлиши мумкин.

2002 йил баҳорги дала ишлари давомида Оёқчисой водийсидаги Каттакамар ва Ангиллак ғорларида археологик қазув ишлари олиб борилди.

Археологик қазув ишлари натижасида бу ғорлардан мустье даврига оид тош қуроллар (чоппер, отшеп, нуклеус) ва суяклар топилди. Тадқиқотлар натижасида тош қуролларга ишлов беришда Самарқанддаги Обирахмат маданиятига хос ўхшашлик борлиги аниқланди.

STUDYING THE MONUMENTS OF THE STONE AGE IN KASHKADARYA

The first data on the primitive settlements in territory of the Kashkadarya region appeared in a newspaper article by G.V. Parfenova published in October 1944 in «Kashkadaryo hakikati» no196. S.K. Kabanov in 1949-1950 conducts searches in areas of Shahrisabz, Kitab and Yakkabag. He begins studying the complex of caves Ettikyz (Seven girls) around the *kishlaks* (villages) Kajnar and Sujukbulak. No certain data was received.

In 1951 S.K. Kabanov carries out researches in the «Cave of Temur» located on the Hisar ridge.The fragments of ceramics of the 9th-10th centuries were found inside the cave. On this basis the researcher makes the assumption that here was a camping of those who rose against the Arabs led by Mukanna. In 1956 H. Ducke investigated the northwest part of the Karshi steppe to find out the place where Kashkadarya-river flows into ancient Zarafshan-river. During the study of the western part of the lake Pajkend in Karaulbazar a settlement of the neolith period and silicon weaponry were found and it increased the interest in searching the settlements of any century in Kashkadarya itself.

In 1962 in the Republican press there appeared newspaper articles and notes of amateurs studying the local area stating that as if books by Ulugbek, which were exported by Ali Kushchi, are kept in one of the caves located in kishlak Hazrati Bashir. To clarify the situation the group of archeologists consisting of S.K. Kabanov, K.A. Shahurin, A.A. Askarov conducted researches in the spring of 1963. In result of the almost fortnight study of the caves and gorges around kishlak Hazrati Bashir the things referring to the Stone Age were found in cave Shajh Haval.

In 1999-2000 the known archeologist, the expert for the Stone Age, R.H. Sulejmanov, having examined the territories nearby Ajakchisay, expressed his opinion on an opportunity for detecting the settlements of ancient people in the local area.

For this purpose in 2001 a joint Uzbek-American expedition has started archeological survey and excavation in the valleys of Ajakchisaj and Kuruksaj. Monuments of Sijpantash and Kattakamar were examined. R.H. Sulejmanov, carefully studying the figures made by red paint, recognized that this monument served as a temple at the end of the Stone Age. It is amazing that the figures are not the ornaments of practical value but consist of cross-shaped image of the Sun itself or the Sun with a dot or a cross in the center, of circuits of rhombuses and arrow-shaped lines. Studying the lines of 28 or 29 rows, it is possible to draw the conclusion that they precisely coincide with days of a lunar calendar. The silhouette of a cow or a bull, which the scientist connects to a symbol of the moon from archaic mythological constellations, is represented in the center of the rock

In R.H. Sulejmanov's opinion, the people who drew Sijpantash figures, represented a structure of the universe, not a theme of plentiful extraction or hunting. It is also possible that this place was the most ancient temple where perceptions of the Stone Age people of the Central Asia about the structure of the universe and about time were reflected. After the careful study of this unique monument, the assumption was made that Sijpantash figures are, probably, 10-15 thousand years old.

In 2002 the archeological researches of the caves in the Ajakchisaj valley and excavations in the caves Kattakamar and Angilak were conducted. As a result, the stone instruments (*chopper, otshep, nukleus*) and the bones dating back to the *muste* period were found. The similarity in stones processing with the Samarkand culture Obirahmat is determined.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ҚАДИМГИ МИС–БРИНЧ САНОАТИ

Владимир РУЗАНОВ

ДРЕВНЕЙШАЯ МЕДНО – БРОНЗОВАЯ ИНДУСТРИЯ ЮЖНОГО УЗБЕКИСТАНА

Во второй половине прошлого столетия в археологии Узбекистана произошло важное событие – в Шерабадском, Бандиханском и Шурчинском древнеземледельческих оазисах Сурхандарьинской области были обнаружены поселения и могильники эпохи бронзы /II тыс. до н.э./, по материалам которых А.А.Аскаров выделил южноузбекистанский очаг древне- бактрийской цивилизации. И, как показывают материалы, значительный вклад в цивилизацию этого региона внесли профессиональные кузнецы-литейщики культуры Сапалли.

Медь и бронзу сапаллинского очага плавили в горнах, остатки которых были найдены в литейной мастерской храма на поселении Джаркутан, функционировавшего в середине-второй половине II тыс. до н.э.

Мастера сапаллинского очага пользовались металлом рудных источников, расположенных в Афганистане, Иране, Узбекистане, Таджикистане и, возможно, в Казахстане. На ранней фазе /XVII–XIV вв. до н.э./ доминировал металл афганистанских и иранских источников. В поздней фазе /середина XI вв. до н.э./ доля металла северных - фергано-ташкентских, кызылкумских, таджикистанских и казахстанских источников значительно увеличивается. Кузнецы хорошо знали свинцовистые, мышьяковистые, оловянно-свинцовистые, свинцово-мышьяковистые и оловянно-сурьмяно-мышьяковистые сплавы. Некоторые украшения изготавливались из золота, серебра и биллона /сплава меди с серебром/.

Среди коллекции металлических предметов из южноузбекистанских памятников особое внимание вызывает находка фрагмента черенка медно-бронзового ножа с остатками двух железных заклепок. Данная находка датируется XV–XIII вв. до н.э. и позволяет удревнить время появления железа в данном регионе на 300-500 лет по сравнению с традиционной датой - IX в. до н.э.

Литейные заготовки орудий, оружия и других видов изделий дорабатывались до готовой продукции ковкой.

Сапаллинскую коллекцию орудий труда и оружия представляют топоры, мотыги, теши, плоские тесла, втульчатые долота, ножи и кинжалы, черенковые копья и стрелы, серпы, рыболовные крюки, зубила, шилья, пробойники, иглы и спицы.

В производстве металлической бытовой посуды преобладают сосуды с желобчатым носиком, миски, чаши со скошенным поддоном, банки с ребристым туловом, горшки, кубки, ковшы с ручкой, флаконы для хранения косметических веществ, сковорода и половники /возможно, это ложки/.

Интересна крупная серия металлических печатей. Одни из них, по мнению исследователей, служили знаками собственности и указывали на социальный статус их хозяев, другие имели ритуальное назначение.

Популярными украшениями у племен Южного Узбекистана в эпоху бронзы были металлические булавки – длинные стержни с фигурным или скульптурным навершием. Создавать такие вещи позволяли глиняные формы, сделанные по восковой модели. Шедеврами литейной техники являются булавки с навершиями в виде скульптурных изображений: архара, барана, азиатского муфлона.

Особым типом украшений древних бактрийцев являлись металлические резные браслеты. Уникален браслет из могильника Джаркутана, изготовленный из желобчатой в сечении пластины.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон қадимшунослигида муҳим воқеа содир бўлди – Сурхондарё вилоятининг Шеробод, Бандихон ва Шўрчи каби қадимги деҳқончилик воҳаларида бринч даври (эрамизгача иккинчи мингйиллик)га тааллуқли манзилгоҳлар ва дахмалар топилди. Шулар бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасида А.А.Асқаров қадимги Бактрия тамаддунининг ўзига хос Жанубий Ўзбекистон ўчоғи мавжудлигини исботлаб берди. Ашёвий далилларнинг кўрсатишича, бу минтақа тамаддуни тараққиётига Сополли маданиятининг уста мисгар-дегрезлари алоҳида ҳисса қўшганлар.

Сополли усталари мис ва бринчни кичик горн-печларида эритганлар, уларнинг қолдиқлари эрамизгача иккинчи мингйилликнинг иккинчи ярмида фаолият кўрсатган Жарқўтон манзилгоҳи эҳромининг дегрез устахонасида топилган. Бунда «ботинка» шаклидаги тигел–сопол қозондан фойдаланганлар, унинг тумшуғида маъдан қуйиш учун айлана шаклдаги тешик жойлашган. Эритиш вақтида бу тешик сопол тиқин билан беркитиб қўйилган бўлса керак, афсуски, у бизгача сақланиб қолмаган.

Сополли даврининг усталари Афғонистон, Эрон, Ўзбекистон, Тожикистон ва эҳтимолки, Қозоғистонда жойлашган конлардан қазиб олинган маъданлардан фойдаланганлар. Илк босқичда (эрамизгача XVII–XIV асрлар) Афғонистон ва Эрон темир конларидан қазиб олинган хом ашё етакчилик қилган. Сўнгги босқичда (эрамизгача XI аср ўртаси) Шимолий Фарғона-Тошкент, Қизилқум, Тожикистон ва Қозоғистон маъдан ўчоқларининг улуши анча ортади.

Мис билан бирга Сополли оҳангарлари четдан келтирилган қалайдан фойдаланганлар. Ғарбий ва Марказий Афғонистон ва эҳтимол, Шарқий Эрон полиметалл конлари қалай аралашмали манбалар ҳисобланган. Қалай моддали бринчларнинг бир қисми Ўзбекистон жанубига Марказий ва Шимоли-Шарқий Ўзбекистон, Марказий Тожикистон тоғ-маъдан марказларидан, шунингдек, Евроосиё маъданли чекка ҳудудларидан келтирилган.

Юқорида таъкидланган сунъий қалайли бринчлар ва тоза мисдан ташқари қадимги оҳангарлар қўрғошинли, маргимушли, қалай-қўрғошинли, қўрғошин-маргимушли ва қалай-сурма-маргимушли қотишмаларни ҳам яхши билганлар. Айрим тақинчоқлар олтин, кумуш ва биллон (мис ва кумуш қотишмаси)дан ясалган. Бринч даврида Ўзбекистон жанубида қалайли бринч қотишмаси ва соф маъданлар кенг тарқалган.

Жанубий Ўзбекистон ёдгорликларида топилган маъданли буюмлар тўплами орасида мис-бринч қотишмасидан ясалган пичоқ сопининг бўлаги алоҳида диққатга молик. Унда иккита темир михпарчин қолдиқлари

www.ziyouz.com kutubxonasi

сақланиб қолган. Мазкур топилма эрамизгача XV–XIII асрларга тааллуқли деб исботланган, шу боис эрамизгача темир пайдо бўлиш тарихини IX асрга нисбатан Ўрта Осиёда 300-500 йилгача қадимийлаштириш имконини беради.

Сополли даврининг оҳангарлари маъдан қуйишнинг турли усулларини билганлар: қуйиладиган шаклга қараб очиқ ва ёпиқ қолипларда қуйиш, ғовак буюмлар ясаш учун орасига таёқча қўйилган қолипларда қуйиш.

Асбоб-ускуналар, қуроллар ва бошқа тур буюмларнинг қуймалари болғалаб тайёр маҳсулот ҳолига келтирилган.

Сополли оҳангарлари асбоб-ускуналар, қуроллар, безаклар, сариниш (диний) буюмлари, идиш-товоқлар ясаганлар. Меҳнат қуроллари ва қурол-яроғ мажмуига болталар, омочлар, тешалар, ясси новтешалар, зуғатали исканалар, пичоқ ва ханжарлар, сопли найза ва ўқлар, ўроқлар, қармоқлар, зубилолар, бигизлар, сумбалар, нина ва кегайлар киради.

Маҳаллий усталар маиший идиш-товоқларни зўр маҳорат билан ясаганлар. Булар новсимон тумшуқли косачалар, таги ясси пиёлалар, қорни қобирғали банкалар, туваклар, қадаҳлар, сопли ёғлоғилар, пардоз буюмлари сақланадиган қутичалар, товалар ва чўмичлардир (қошиқ ҳам бўлиши мумкин).

Жанубий Ўзбекистон муҳрсозлиги катта туркумдаги маъдан муҳрлар ишланиши билан изоҳланади. Тадқиқотчилар фикрича, бу буюмлар турли вазифаларни бажарган. Айрим муҳрлар мулк белгилари бўлиб хизмат қилган ва улар эгаларининг ижтимоий мавқеини кўрсатган бўлса, бошқалари диний маъно касб этган ва маросимларда ишлатилган, шунингдек, безак сифатида ҳам қўлланилган.

Бринч даврида Жанубий Ўзбекистон қабилаларида маъдан тўғноғичлар энг кенг тарқалган тақинчоқлар бўлган – уларнинг узун ўзаклари учига ҳайкалчалар ёки бирон-бир жонли мавжудот шакли қўндирилган. Бундай буюмларни ясашда мумли тарх бўйича қилинган лой қолиплар қўл келган. Учида олқор, қўй, қўчқор тасвирлари бўлган тўғноғичлар қуйиш техникасининг дурдоналари ҳисобланади.

Маъдан билагузуклар қадимги бақтрияликларнинг ардоқли тақинчоғи ҳисобланган. Улар ё ясси, ё қошиқсимон шаклдаги доирали симлардан ясалган. Кўпинча улар думалоқ, очиқ билагузуклар бўлган, ҳалқасимон ёпиқ билагузуклар ҳам ишлатилган. Жарқўтон даҳмасидан топилган, қирқими новсимон тахтачадан ясалган билагузук ноёб топилдиқ саналади. Бундай тақинчоқлар шимол ҳалқларида расм бўлган ва шу боис уларни Жанубий Ўзбекистон қадимий деҳқонлари қўлига чўл маданияти аҳолиси билан мол айрибошлаш натижасида тушиб қолган хориж буюми сирасига киритиш мумкин. Аммо билагузукнинг Сополли маданияти буюмлари катта гуруҳи маъдани билан кимёвий яқинлиги, бу буюм шимолий нусхаларга тақлидан ясалганлигини кўрсатади, холос.

THE MOST ANCIENT COPPER BRONZE INDUSTRY OF SOUTHERN UZBEKISTAN

In the second half of the last century an important event happened in the field of archeology of Uzbekistan – in Sherabad, Bandihan and Shurichin ancient oases of the Surkhandarya region the settlements and burial grounds of the bronze epoch (2nd millennium B.C.) were found. Based on these materials A.A. Askarov specially allocated the South Uzbekistan Center of the ancient Bactrian civilization. And as the materials show, professional smiths-founders of the Sapalli culture brought significant contribution into the civilization of this region.

In the Sapalli center, copper and bronze were fused in forges, remains of these forges were found in foundry workshop of a temple on the settlement Dzharkutan, which was functioning in the middle of the second millennium B.C.

In the Sapalli center masters used imported metal from different ore sources. Indirect facts point out the polymetallic and copper deposits located in Afghanistan, Iran, Uzbekistan, Tajikistan and, probably, in Kazakhstan. At the early stages (17th-14th centuries B.C.) the metal from Afghanistan and Iranian sources dominated. In the latest stage (middle of the 11th century B.C.) the share of the metal from northern Fergana-Tashkent, Kyzylkum, Tajikistan and Kazakhstan sources considerably increased.

Except the above-stated artificial tin bronze and pure copper, the smiths also knew well the leaded, arsenious, tin-leaded, leaded-arsenious, and tin-antimonous-arsenious alloys. Some jewelry was made of gold, silver and billon (alloy of copper and silver). The most widespread in the south of Uzbekistan during the bronze epoch were binary tin bronze and pure copper.

Among the collection of metal subjects from the South Uzbekistan monuments, a find of the fragment of a shank of a copper-bronze knife draws special attention with traces of two iron rivets. This find dates back to the 15th-13th centuries B.C. and allows to make the time of iron occurrence in this region for 300-500 more years older in comparison with the traditional date of the 9th B.C.

The Sapalli smiths-founders produced instruments, weaponry, decorations, cult subjects, and utensils. Axes, mattocks, tyoshkas, flat adzes, bush chisels, knifes and daggers, stick spears and arrows, sickles, fishing hooks, chisels, punches, needles and spokes represent the collection of work instruments and weaponry.

Local masters achieved big successes in manufacturing metal utensils. Those were vessels with grooved spouts, tureens, bowls with the oblique pallets, jars with ribbed bodies, pots, cups, buckets with handles, bottles for storing cosmetic substances, frying pans and ladles (probably, spoons).

The large collection of metal stamps characterizes the sfragistika of the Southern Uzbekistan. These subjects, in opinion of researchers, had different semantic meaning. Some stamps served as signs of property and specified the social status of their owners; others had religious and cult meaning and had ritual purpose, and also served as decor.

The stamps with a positive, one-side or two-side zoomorphic image stand separately from the majority. As it was found out, these stamps differ also by their manufacturing technique that gave the basis to consider them as imported. The South Uzbekistan stamps differ by their form and plotline. Some samples reproduce a figure of a cross and a many-petaled flower, separately or taken together, others represent images of birds, animals and snakes.

Metal pins – long cores with figured or sculptural heads – were popular jewelry in tribes of Southern Uzbekistan during the bronze epoch.

The clay forms made on wax model allowed creating such things. Masterpieces of foundry technique are pins with heads made as sculptural images: of an *arhar*, ram, and Asian moufflon. Pins with a fist-shaped head are rather original. Other exhibits have rosette-shaped, nail-head-shaped, or spade-shaped heads. There are the pins inlaid with precious or semiprecious beads and stones.

The metal bracelets carried on wrists were particular among the jewelry of the ancient Bactrian people. A bracelet from the burial ground of Dzharkutan made of groove-profiled plate is especially unique.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шунингдек, думалоқ, очиқ ва ҳалқасимон сирғалар оммабоп тақинчоқ турларидан саналади. Уларни қирқими айлана бринч ё мис симдан ясаганлар. Гоҳо сирғаларнинг бринч ўзаги тилла, тилласимон варақлар билан ўралган. Айрим қалпоқсимон учли нусхалар паст навли кумушдан ясалган. Шу билан бирга, Жарқўтон дахмасида пичоқ шаклидаги қувурсимон иккита шокила топилган. Ясалиш усули, тури ва маъданининг кимёвий таркиби бу безакларнинг шимолдан келтирилганлигидан далолат беради. Айнан Зарафшон дарёси ўзанининг ўрталаридаги Чакка қабристонидаги дафн буюмлари ичида типологик ва кимёвий жиҳатдан Жарқўтон нусхаларига яқин шокилалар учрайди. Сополли маданияти қабристонларини қазиш чоғида топилган кўзгулар алоҳида қизиқиш уйғотади. Кўзгулар маъдандан ясалган бўлиб, дастали ёки дастасиз доирасимон ғилдиракдан иборат бўлган. Одатда, уларни оҳангар қолипларида қуйишган: баъзан даста алоҳида ясалган ва кейинроқ ғилдиракнинг ён томонига уланган; баъзан эса ғилдирак ва даста битта қолипда бир вақтнинг ўзида қуйилган. Кўзгуларнинг ғилдираклари кўпинча сунъий, кўпроқ қалайли, баъзида маргимушли бринчдан ясалган. Шу билан бирга, соф мисдан ясалган нусхалари ҳам учраб туради.

Жанубий Ўзбекистон кўзгулари орасида юксак бадиий маҳорат билан ишланганлари ҳам учрайди. Масалан, қўлларини пастга тушириб тик турган одам қиёфасида қуйилган дастали икки кўзгуни олайлик. Кўкраги бўрттириб ишлангани аёл, иккинчиси эркак қиёфасини ифодалайди. Қирқими айлана калта симдан ясалган учинчи кўзгу дастасининг техник ижроси ўзига хос. Дастасиз кўзгулар маҳаллий аҳоли орасида кенг қўлланилган.

Жанубий Ўзбекистоннинг энг қадимги ёдгорликлари ичида ноёб маъданли топилмалар сирасига иш қуроллари ва асбоб-ускуналарнинг митти намуналари киради. Сополли маданиятининг бундай машҳур буюмларини ясалиш усули ўзига хос бўлган: аввал маъдан болғаланиб юпқалаштирилган, ундан у ёки бу буюм шакли қирқиб ясалган, гоҳо бунинг учун ўртача йўғонликдаги сим бўлагидан фойдаланилган. Болта, омоч, теша, искана, пичоқ, ханжар, кўзгу, идиш-товоқ ва ҳоказолар шу йўсинда ясалган. Буюм нусхалари унча катта эмас: узунлиги 1,3 *см* дан 5 *см* гача, аҳён-аҳёнда 8 *см* гача, эни 0,7 *см* дан 1,7 *см* гача, қалинлиги 0,1 *см* дан 0,3 *см* гача боради. Митти буюмлар учун дастлабки хом ашё қалайли, гоҳо қалай-қўрғошинли бринч ва соф мис бўлган. Бундай безакли буюмлар ҳажмининг кичик бўлиши уларнинг маросим вазифаларига мўлжалланганлигини билдирган. Уларнинг барчаси Сополли маданияти дахмаларида топилган, топилмаларнинг катта қисми Сополли маданиятининг сўнгги даврига тўғри келади.

Эрамизгача иккинчи мингйилликнинг иккинчи чорагида юзага келган Сополли маданият даври эрамиздан аввалги XI аср ўрталарига келиб барҳам топади (қадимшунослар фикрича, бу кейинроқ, эрамиздан аввалги X аср охирроғида содир бўлган). Унинг ўрнида қабилаларнинг бўёқли сопол маданияти, яъни маъданга ишлов бериш амали юзага келади. Маъдан ашёси илмий қизиқиш уйғотиши шубҳасиз ва Ўзбекистоннинг сўнгги даврда тоғ-кон саноати ва маъданга ишлов бериш тарихини қайта тиклаш учун муҳим аҳамият касб этади.

Такие украшения характерны для северных племен, и поэтому его можно было бы отнести к импорту, попавшему к древним земледельцам Южного Узбекистана в результате обмена с населением степной культуры. Однако, установленная химическая близость браслета с металлом большой группы изделий сапаллинской культуры доказывает, что эта вещь является подражанием северным образцам.

Популярным видом украшений были также круглые, разомкнутые и кольцевидные серьги. Их делали из округлой в сечении бронзовой или медной проволоки. Иногда бронзовый сердечник серег обертывался золотой, ложновитой пластиной. Некоторые экземпляры, имеющие буферовидные концы, изготавливались из биллона.

Среди южноузбекистанских зеркал встречаются высокохудожественные образцы. Например, два зеркала с ручками, отлитыми в виде фигуры стоящего человека с опущенными вниз руками. Одна из этих фигур, с хорошо выраженной грудью - женская, другая, не имеющая такого признака, видимо, изображает мужчину.

К уникальным металлическим находкам в древнейших памятниках Южного Узбекистана относятся также вотивные миниатюрные предметы. Это уменьшенные копии разных видов изделий, известных в коллекции металла сапаллинской культуры. Малые размеры таких имитаций указывают на их ритуальное назначение. Все они были обнаружены в погребениях могильников сапаллинской культуры, причем подавляющее количество находок относится к поздней фазе культуры Сапалли.

Возникнув во второй четверти II тыс. до н.э., сапаллинский очаг перестает функционировать в середине XI в. до н.э./по мнению археологов, это происходит позднее, где-то в конце X в. до н.э./. На его месте складывается металлообработка племен культуры крашеной керамики, металлический материал которой представляет несомненный научный интерес и имеет важное значение для реконструкции истории металлургии и металлообработки Узбекистана последующего периода.

Such jewelry is characteristic for the northern tribes and consequently it could be considered as imported to ancient farmers of Southern Uzbekistan as a result of their inter-relations with the peoples of steppe culture. However, the defined chemical affinity of the bracelet with the metal of many products of the Sapalli cultures proves that this thing is an imitation of the northern samples.

Round, open-ended and ring-shaped earrings were also popular jewelry. They were made from round-profiled bronze or copper wire. Sometimes the bronze core of the earrings was wrapped up by golden pseudo-twisted plate. Some copies with buffer-type ends were made from billon. The finds of mirrors found at excavations of burial grounds of the Sapalli culture draw interest. At that time mirrors were made of metal and represented round disks with or without a handle.

There are highly artistic samples among the South Uzbekistan mirrors. For example, two mirrors with handles made as figures of standing people with their hands down. One of these figures, with well-expressed breast, is female, the other one without such an attribute, probably, represents a man. The handle of the third mirror made of short pieces of a round-profile wire is original for its technical performance.

Unique metal finds in the most ancient monuments of Southern Uzbekistan also include small-size *votiv* (having ritual meaning) subjects. These are the reduced copies of different kinds of the products known among the metal collection of the Sapalli culture. The small sizes of such imitations specify their ritual purpose. All of them were found in the burials grounds of the Sapalli culture, and the overwhelming quantity of the finds dates back to the last phase of the Sapalli culture.

Having arisen in the second quarter of the 2nd millennium B.C., the Sapalli center ceases its functioning in the middle of the 11th century B.C. In opinion of the archeologists, it occurs later, sometime at the end of the 10th century B.C. On its place there comes the metal processing of tribes of the painted ceramics culture whose metal material represents doubtless scientific interest and has great value for renewal of the history of metallurgy and metal processing in Uzbekistan of the subsequent period.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚОРАТЕПА – ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДАГИ ИЛК ЎРТА АСР ШАҲАРИ

Шуҳрат ШОНАЗАРОВ

Кейинги ўн йил мобайнида Қашқадарё водийси (Жанубий Сўғд)да илк ўрта асрларга оид кўплаб ёдгорликлар топилди. Водийнинг Қарши воҳаси жойлашган ғарбий қисми ўзининг табиий-иқлимий шароитига кўра шарқий қисмидан анчагина фарқ қилади. Дарёнинг қуйи оқимида жойлашган водийнинг асосий қисмини текислик ва чўл ишғол қилган бўлиб, бу ерга Қашқадарё суви йилнинг маълум паллаларида келади, ёзда эса дарё ўзанлари қуриб қолади. Шу сабабдан ҳам бу ерларда қадим замонлардан деҳқончилик билан бир қаторда чорвачилик ҳам ривожланган бўлиб, бу ҳудуд аҳолиси маданий ривожининг ўзига хослигини белгилаганди.

Илк ўрта асрларда аҳолининг жуғрофий қулай, яъни дарё бўйларига жойлашишга бўлган интилишлари кузатилди.

IX–XII асрларда иқтисодий-маданий ҳаёт асосан илк ўрта асрларда барпо этилган йирик ва ҳар жиҳатдан мустаҳкамланган шаҳарларда ривожлана бошлайди, бунинг натижасида уларнинг ҳудуди кескин ўсиб, кенг кўламли қурилиш ишлари ҳам амалга оширилиб, йирик меъморий иншоотлар бунёд этилади. Шундай шаҳарлар сирасига Қоратепа ҳам киради.

Қоратепа ёдгорлиги Чирокчи туманидаги Эскиангор каналининг қирғоғида жойлашган. Қоратепа ўзининг жуғрофий жойлашганлигига қараб, илк ўрта асрларда Самарқанд Сўғди чегарасидаги стратегик жиҳатдан муҳим қалъа ҳисобланган.

Кўҳна шаҳар периметри бўйлаб қалъа девори, жанубий ва ғарбий томондан эса чуқур хандақлар билан ўраб олинганди. Афтидан, ўрта асрга оид бошқа кўҳна шаҳар ҳамда қўрғонларда аниқланганидек, қурилиш учун тупроқни шундай режалаштириб қазиб олишганки, натижада қурилма (шаҳар, қўрғон) айланасида чуқур хандақ пайдо бўлган, уни эса сув билан тўлдирганлар.

Кўҳна шаҳар ҳудудидан тўпланган топилмалар VI (ҳаттоки V) – XIII асрларга оидлигини кўрсатмоқда. Рабод жойлашиши лозим бўлган ёдгорлик атрофидаги майдон ҳали тадқиқ қилинмаган, шу боис унинг чегараларию ҳудудида кечган жўшқин ҳаёт ҳақида асосли маълумотлар йўқ. Бинобарин, маҳаллий аҳолининг таъкидлашича, Қоратепанинг жануби-ғарбий қисмида деҳқончилик қилаётганларида бир неча бор инсон қолдиқлари кўмилган хумларни топганлар.

Қадимий шаҳарнинг шимоли-ғарбида, каналнинг қарама-қарши соҳилида замонавий бинолар ёнида, майдони 9-10 *га* бўлган кўҳна қабристон жойлашган. Унинг қадимги қисми қабристоннинг марказида жойлашган бўлиб, у ерда араб ёзуви битилган ва ёзувсиз қабртошлари сақланиб қолган.

Қоратепанинг жануби-ғарбий тепалигида олиб борилган қазув ишлари натижасида бир нечта бинолар қисман очилди. Яхшилаб пишитилган лойдан юпқа қилиб сувалган хонанинг шарқий деворида минерал бўёқларда ишланган

КАРАТЕПА – РАННЕСРЕДНЕВЕКОВЫЙ ГОРОД В ДОЛИНЕ КАШКАДАРЬИ

В последние десять лет в долине Кашкадарьи (Южный Согд) было открыто значительное число раннесредневековых памятников. В эпоху раннего средневековья складывалась оазисная система расселения, связанная первоначально с сосредоточением групп поселений в наиболее благоприятных для этого географических зонах по основным речным системам.

В IX-XII вв. происходит значительный рост и концентрация жизни в крупных и укрепленных городах раннесредневекового времени, территория которых в средние века значительно увеличивается и застраивается, в том числе монументальными сооружениями. К числу таких городов, по-видимому, относится и Каратепа.

Памятник Каратепа находится на краю обрывистого берега канала Искиангар Чиракчинского района. По географическому расположению Каратепа являлся в раннем средневековье стратегически важной крепостью, расположенной на границах Самаркандского Согда.

Городище по периметру было окружено крепостной стеной, с южной и западной сторон – еще и глубоким рвом. По-видимому, как это выявлено и для других средневековых среднеазиатских городищ и замков, сырье для строительства брали вокруг стройплощадки с таким расчетом, чтобы образовался довольно глубокий ров, который наполняли водой.

Материал, собранный на территории городища, укладывается в рамки VI (может быть, даже V) - XIII вв. Площадь вокруг памятника, где должен был находиться рабад, не подверглась обследованию, так что о его границах и интенсивности жизни на его территории нет пока определенных данных. Однако, следует отметить, что по словам местных жителей при производстве сельскохозяйственных работ в юго-западной части окрестностей Каратепа были сделаны неоднократные находки хумов с захороненными в них человеческими останками.

К северо – западу от городища, на противоположном берегу канала, рядом с современной постройкой находится мазар и

EARLY MEDIEVAL MONUMEMT OF KARATEPA IN THE KASHKADARYA VALLEY

The history of medieval city refers to number of the major problems investigated by historians and archeologists.

A significant number of monuments, early medieval cities, was discovered in the Kashkadarya valley (South Sogd) over the last ten years.

The western part of the valley, where Karshi-oasis was located, considerably differs from the eastern part for the environment climatic conditions. Plains and steppes occupy the basic area of the valley at the bottom of the watercourse where the water of Kashkadarya-river flows only at the certain season, in summer time the river channels dry up. For this reason, from the most ancient times up to present, the cattle breeding which determined also cultural features of the region population has always been developed here, as well as agriculture.

In early Middle Ages there was the oasis-type system of settlements connected initially with a concentration of settlements' groups in the most favorable geographical zones along the basic river systems.

In the 9th-12th centuries, there happens significant growth and concentration of life in large and enforced cities of the early medieval period. Their territory in Middle Ages is considerably increased and built up, including even more monumental constructions. Apparently, Karatepa is listed among the number of such cities, too.

Monument of Karatepa is located at the edge of a steep coast of channel Iskiangar, Chirakchinsk region. For its geographical location, Karatepa is a strategically important fortress in early Middle Ages located on the borders of Samarkand Sogd.

The city was surrounded by a fortification wall along its perimeter, besides that from the southern and western sides – with a deep ditch as well (photo 2). Evidently, as it is revealed also for other medieval Central Asian settlement sites and castles, raw material for construction was taken from around a building site so that a rather deep ditch was formed which later was filled with water.

The material collected on the settlement site territory refers to the 6th (maybe, even 5th) – 13th centuries. The area around the monument, where *rabad* must have been located, has not been investigated yet; so

www.ziyouz.com kutubxonasi

действующее кладбище общей площадью 9-10 га. Древняя часть расположена в центре, где сохранились намогильные камни с арабскими надписями и без надписей. Сохранность намогильных камней плохая, они сильно эрозированы, по форме-трапециевидные, относятся к XVIII- XIX вв.

При проведении работ на юго-западном холме Каратепа было частично вскрыто несколько помещений. На восточной стене одного из помещений найдены фрагменты росписи, выполненной минеральными красками по тонкой обмазке из хорошо отмученной глины. Сюжет росписи представляет собой сочетание растительного орнамента с геометрическими мотивами. Это прежде всего изображение дерева и его ветвей, нанесенные красной краской. Белыми алебастровыми рельефными пятнами изображены круглые плоды – прием, нередко встречающийся в декорировке помещений Средней Азии эпохи средневековья. Несомненно, эти изображения несли определенную смысловую нагрузку. По материалам Е.М.Пещеревой, в горных районах Таджикистана ко дню весеннего равноденствия обязательно обновлялись настенные росписи, и не только для украшения жилища. Так, точечный орнамент в этих росписях наносился с магической целью – увеличить поголовье скота в хозяйстве и обеспечить изобилие в доме.

На северном склоне Каратепа был обнаружен хорошо сохранившийся средневековый колодец с обкладкой из жженого кирпича разного формата (35x18, 10x20, 20x20, толщиной 5-6 см.). Кладка фигурная, с чередованием в шахматном порядке рядов из трех вертикальных и трех горизонтально лежащих кирпичей. На крупных поселениях региона, датируемых X–XII вв. (Несеф, Паштонтепа, Хайбартепа, Алтынтепа) колодцы также обложены жженым кирпичем.

На Каратепа получен богатый керамический материал, который подразделяется на два хронологических комплекса.

Ранний комплекс керамики датируется VII-VIII вв. н.э. и представлен неполивными горшками, кувшинами, кружками, хумом, котлами и крышками. Наиболее распространенным видом жаростойких изделий были котлы с примесью в тесте дресвы. Можно отметить фрагменты серо-глиняных котлов, зачастую имевших неровную поверхность. В позднем комплексе отмечены поливные чаши, блюда, тарелки, чираги, двойной сосуд и др. По ряду признаков и приемов орнаментации глазурованной керамики, использованию эпиграфических элементов в декоре, появлению глазури, комплекс верхнего периода можно предварительно датировать IX–X вв. Известно, что глазурованная керамика в Южном Согде начинает массово производиться в IX веке и, наряду с разнообразной неполивной керамикой, применялась в быту городских и сельских поселений.

Употребление в орнаментации глазурованной керамики Средней Азии эпиграфических мотивов, а зачастую и читаемых надписей, позволяет предположить довольно высокую грамотность среди местных мастеров-керамистов. Уникальной находкой из верхних слоев раскопа можно назвать предмет, который предназначался для возжигания какого-то, вероятно связанного с культовым назначением, огня. Он представляет собой полый кубовидный ящичек (со стороной 15 см., при высоте 12 см.) из плохо обожженной рыхлой глины желтовато-серого цвета, окрашенный охрой. Внутри найдены три камешка, поверх которых лежал комочек горелой ваты.

Ближайшие параллели по элементам декора изделия прослеживаются на фрагментах очажных подставок с Алтынтепа, которые датируются XII в. Прямых аналогий самому предмету не найдено. Вполне возможно, что позднее подобные предметы трансформировались в форму чирагдонов, известных по мусульманскому поминальному обряду.

Таким образом, анализ материалов, полученных в раскопках, шурфах и на поверхности городища с учетом топографических особенностей памятника позволяет видеть в Каратепа не просто укрепленное поселение, а крепость, контролировавшую северо-восточные границы Нахшаба.

На основании проведенного изучения раннего периода обживания Каратепа можно сделать несколько выводов:

1. Наиболее ранний период обживания территории относится к V-VI вв. В это время здесь существовало небольшое поселение и отдельно стоящие сооружения.

2. Своеобразный комплекс керамики (полученный со всего городища) с грубой лепной посудой подтверждает процесс оседания кочевников в V-VI вв., о чем писал еще С.К. Кабанов.

3. В VII-VIII вв. поселение вырастает в размерах.

4. В VII-VIII вв. процесс смешения скотоводческого и земледельческого населения стабилизировался.

Материал показывает большое разнообразие форм керамики вышележащих слоев IX-XII вв.

В заключение подчеркнем, что в результате изучения Каратепа получена полная стратиграфическая колонка от V-VI до XI вв.

Қоратепа туманидаги археологик ёдгорликларнинг жойлашуви.
Расположение археологических памятников в районе Кара-тепа.

расм парчалари топилди. Бу қизил бўёқ билан чизилган дарахт ва унинг шох-бутоқларидан иборат. Оқ алебастрли рельефли доғлар билан думалоқ мевалар тасвирланган – одатда бундай безак усули ўрта асрларда қўлланилган. Шуни таъкидлаш лозимки, дарахтга топиниш билан боғлиқ тасаввурлар энг қадимий даврларга бориб тақалади. Сўғдда эса VII–VIII асрларда сополга гул тушириш алоҳида кўзга ташланади, бунда безаш унсурлари сифатида дарахт тасвири ишлатилган. Шубҳасиз, ушбу тасвирлар маълум маъно вазифасини ўтаганлар. Е.М.Пешчерованинг таъкидлашича, Тожикистоннинг тоғлик қишлоқларида Наврўзда деворий расмлар албатта янгиланган ва бу фақатгина хона деворларини безаш учунгина эмас, балки ўзига хос маълум мазмунни ҳам ифодалаган. Чунончи, ушбу расмлардаги нуқтали нақш илоҳий мақсадда, яъни хўжаликдаги чорванинг кўпайишига ва хонадонда мўл-кўлчилик бўлишига хизмат қилган.

Қоратепанинг шимолий ёнбағрида ўрта асрга оид яхши сақланган, турли ҳажмдаги пишиқ ғишт (35x18, 10x20, 20x20, қалинлиги 5-6 *см*) қопламали қудуқ топилди. Қоплама шаклли бўлиб, ғиштлар шахмат тартибида уч қатор вертикал ва уч қатор горизонтал ҳолатда терилган. Ҳудуднинг X–XII асрлардаги йирик манзилгоҳлари (Насаф, Паштонтепа, Ҳайбартепа, Олтинтепа)да ҳам қудуқлар пишиқ ғишт билан қопланган.

Қоратепада жуда бой сопол материаллар топилдики, уларни иккита хронологик комплексга бўлиш мумкин.

Сополнинг илк комплекси эрамиздан аввалги VIII–VII асрлар билан саналанади ва унинг таркибини сирланмаган хурмача, кўза, кружка, хум, қозон ва қопқоқлар ташкил этади. Оловбардош маҳсулотлардан энг кўп тарқалган хили шағал билан сополнинг қоришмасидан ишланган қозонлар бўлган. Кеч комплексда сирланган идишлар, товоқ, тарелка, чироғдон ҳамда қўшалоқ идиш ва бошқалар ишланган. Сополни нақшлаб сирлаш, безаш ишларида эпиграфик унсурларни қўллаш, мовий сирлашнинг пайдо бўлиш белги-аломатлари ва услубларига қараб кеч комплекс даврини IX–X асрлар билан саналаш мумкин. Маълумки, Жанубий Сўғдда сирланган сополни оммавий ишлаб чиқариш IX асрдан бошланди ва у шаҳар ҳамда қишлоқ аҳолиси турмуш тарзида кенг қўлланила бошлади.

Ўрта Осиёда сирланган сополни нақшлашда эпиграфик мавзулар, шунингдек, ёзма ёзувларнинг қўлланилиши маҳаллий сопол устакорларининг анча-мунча саводхон бўлганликларидан дарак беради.

Қазилманинг юқори қисмидан топилган буюмни ноёб топилдиқ деса бўлади, у афтидан ибодат қилинаётганда олов ёқиш учун ишлатилган. Топилдиқ охра билан бўялган ғоваксимон, сарғиш-кулранг хом пиширилган лойдан ясалган ичи ҳавол кубсимон қутича (томонлари 15 *см*, баландлиги 12 *см*). Олддаги деворчасида тўртяпроққа ўхшаш тешикча бор. Ёнбош ва юқори қисми олд деворига учбурчак шаклидаги нақш ўйиб ишланган бўлиб, учи гоҳ

www.ziyouz.com kutubxonasi

пастга, гоҳ юқорига қилинган ҳолда алмашиб туради. Нақш чизиғи тешикни ҳошиялагандай П-симон рамка ҳосил қилган.

Унинг ўнг томондаги девори меҳробни эслатадиган токча кўринишида безатилган. Меҳробнинг ҳар икки тарафи уч қўшалоқ нур билан ҳошияланган. Чапдаги ва орқадаги деворларда меҳроб шакли такрорланади, бироқ улар ислими нақшлар билан ҳошияланган. Топилманинг ички қисмида учта тошча топилган бўлиб, юзасида қуйган пахта увадаси ёпишиб турарди.

Олтинтепада топилган ерўчоқ нақшларида шундай безакларнинг бўлакчаларига ўхшашлари борлиги кузатилади, улар XII асрга оид деб белгиланган. Эҳтимол, бундай буюмлар мусулмонларнинг маълуму машҳур урф-одатларига монанд ҳолда чироқхона шаклига келтирилган бўлиши ҳам мумкин.

Шундай қилиб, қазилмалар жараёнида шаҳарча юзасидан топилган материаллар, ёдгорликнинг топографик хусусиятлари таҳлили Қоратепа нафақат мустаҳкамланган тураржой манзилгоҳи, балки Нахшабнинг шимоли-шарқий чегараларини назорат қилиб турувчи қалъа-қўрғон ҳам бўлганлигини исботламоқда.

Қоратепада олиб борилган тадқиқот натижаларидан шундай хулосалар чиқариш мумкин:

1. Ҳудудни илк ўзлаштириш даври V–VI асрларга тўғри келади. Бунинг энг ёрқин намунаси шаҳристоннинг жануби-шарқий тепалигида топилган стратиграфик қудуқдир. Бу вақтда манзилгоҳ аҳолиси унча кўп бўлмаган ва айрим қурилмалар бўлган, холос.

2. Ўзига хос сопол комплекси (бутун шаҳар бўйлаб топилган топилдиқлар) анчайин қўпол қилиб ишланган идиш-товоқлар эрамиздан аввалги V–VI асрларда кўчманчиларнинг ўтроқлаша бошлаган жараёнидан далолат беради.

3. VII–VIII асрларда манзилгоҳ ниҳоятда кенгайиб катталашган, барча қазилма майдонлари, қудуқлардан топилган ашёлар шуни кўрсатади.

4. VII–VIII асрларда, афтидан, чорвачилик ва деҳқончилик қилувчи аҳолининг ўзаро аралашиши барқарорлашган, жумладан, бу сопол буюмлар ишлашнинг сифати анчагина яхшиланганлигида ҳам кўринади. Шунингдек, IX–XII асрларда сополдан ишланган буюмларнинг шакли ҳам ниҳоятда хилма-хиллашиб, ишланиши ҳам бадиий санъат асари бўла оладиган даражада нафислашган.

Умуман, Қоратепа шаҳрини тадқиқ қилиш натижасида V–IV асрлардан бошлаб XII асргача бўлган тўлиқ стратиграфик колонка (устун) аниқланганлигини таъкидлаш лозим.

Қоратепа, жануби-ғарбий тепалик.
Каратепа, юго-западный холм.



there is no certain data about its borders and intensity of life in its territory so far. However, it is necessary to note, that, according to local residents, during the agricultural works in the southwest part of Karatepa vicinities there were found a number of *hooms* with the human remains buried in them.

To the north - to the west of the settlement site on opposite bank of the river-channel, near to modern construction there is a *mazar* (cemetery) with the total area of 9-10 hectares. An ancient part is located in the center where the gravestones with and without Arabian inscriptions were kept. The state of the gravestones is bad, they are strongly erosive; their shape is trapezoid, they refer to the 18th-19th centuries.

While conducting archeological works on the southwest hill of Karatepa some premises were partially discovered. On the east wall of the room No1 (Picture 2) fragments of the list, done by mineral paints on the thin plastering from well soaked clay, are found. The plot of a list represents a combination of a vegetative ornament with geometrical motives. It is, first of all, the image of a tree and its branches, put by red paint. Round fruits are shown by white alabaster relief spots – the method quite often met in the rooms decoration of Central Asia of the Middle Ages epoch. We shall note that the cult representations connected to a tree refer to the most ancient ones. And in Sogd of the 7th-8th centuries one can find the group of painted ceramics, among the decor elements of which there are images of trees. Undoubtedly, these images carried a certain semantic meaning. According to E.M. Peshchereva's materials, in the mountain areas of Tajikistan by the day of a spring equinox the wall paintings were necessarily renewed and, hence, they were done not only for decorating the dwelling, but they also had some special meaning. So, the delicate ornament in these paintings was performed for the magic purpose – to increase a livestock of cattle and to cause abundance in the house.

The cult of trees to some extent was even included in Islam. In the national environment the ancient perceptions connected to a tree were obviously kept. The ethnographers research also mark the survivability of such perceptions in Central Asia. They state that the cult of trees was one of the most characteristic features of local beliefs, one of the essential components of a fertility cult as a whole. The cult has been kept until recently.

A well kept medieval well was found on the northern slope (photo 4) with a facing from burnt brick of different formats (35x18, 10x20, 20x20, with a thickness of 5-6cm). A laying is made figured, with alternation of lines of the three vertically and three horizontally laying bricks in chessboard order. It is interesting, that the bricks of its top part were painted by manually put engobe. In the large settlements of the region dated back to the 10th-12th centuries, Nesef, Pashtontepa, Hajbartepa, Altyntepa, the wells are also imposed by burnt bricks.

Rich ceramics material presenting two chronological complexes was found in Karatepa.

The early complex of ceramics is dated 7th-8th centuries AD and is presented by non-irrigation pots, jugs, mugs, *hooms*, boilers and lids.

The second complex marked irrigation bowls, dishes, plates, *chiragi* and a double vessel etc.

The use of ornamenting epigraphy motives in the glazed ceramics of Central Asia, and frequently readable inscriptions, allows to assume rather high literacy among local masters-ceramists, usage of the Arabian language.

A unique subject found on the top layer of excavation No2 was intended for burning the fire, probably connected to some cult purposes (Photo 9). It looked like a hollow cube-form little box (with the sides of 15cm, and height of 12cm) from badly burnt friable clay of yellow-grey color painted by ochre. Three little stones are found inside with the lump of burnt cotton wool on the top.

The nearest decor elements are traced on fragments of stands brought from Altyntepa which are dated back to the 12th century. Direct analogs to the subject are not found. It is quite possible, that similar subjects were later transformed to the form of *chirag-hona*, known in Muslim funeral ceremony.

Thus, the analysis of the materials received during excavations, in pit holes and on the surface of the settlement taking into account the topographical features of the monument allows us to see in Karatepa not simply strengthened settlement, but also a fortress supervising the northeast borders of Nahshab.

On the basis of the carried out studying of the early period of Karatepa exploration it is possible to draw some conclusions:

1. The earliest period of exploring the territories refers to the 5th-6th centuries.

2. The original complex of ceramics confirms process of subsidence of nomads in the 5th-6th centuries, which was also mentioned by S.K. Kabanov.

3. In the 7th-8th centuries the settlement grows in sizes.

4. In the 7th-8th centuries the process of mixing the cattle breeding and agricultural population was obviously stabilized.

The material shows a big variety of forms of ceramics of overlying layers in the 9th-12th centuries.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТЕРМИЗ ВА ЧАҒАНИЁННИНГ ЎРТА АСРЛАРДАГИ ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИ

Зокир ХОЛИҚОВ
Х.ДЕЖИМУРОДОВ

ИСТОРИЧЕСКАЯ ГЕОГРАФИЯ СРЕДНЕВЕКОВОГО ТЕРМЕЗА И ЧАГАНИАНА

Начавшиеся после смерти Амира Темура междоусобные войны привели государство к разорению и раздробленности. Для предотвращения полного развала былой империи Шохрух Мирзо в 1407 году занял Балх и окружающие его территории. Об этом периоде, по сведению Ибн Арабшаха, имеются интересные данные в книге Хафизи Абру "Китаб ал-масолик ва-л-мамолик", написанной по велению Шохруха Мирзо в 1413 году. В ней сообщается, что Амударья впадала не в Аральское море, а в Каспийское, приводятся сведения о городах Мовараннахра: Бухаре, Самарканде, Кеше, Насафе, Термезе, Ходженде. В частности, о Термезе говорится, что его шахристан и крепость располагаются на одной территории, кроме того, имеется внешний город (рабад), дома построены из глины – пахсы, базар и пятничная мечеть расположены в шахристане.

Крепость древнего Термеза существовала и во времена шайбонидов, о чем сообщается в книге Хофиза Таниша Бухарий "Книга прославления падишаха", написанной в 1527 году. В ней описываются топография, архитектура, достопримечательности и этнический состав населения города и его округи.

В этот период Термез был подчинён правителю Балха Дин Мухаммаду. Дин Мухаммад был врагом шайбонида Абдуллахана. Абдуллахан перед тем, как завоевать город, пригласил к себе шейхов священных мазаров Хакима ат- Термезий и Абу Бакра Варрока и сделал им подношения. После этого осадил крепость. В этот период цитадель, расположенная на берегу Джайхуна (Амударья), имела величественные строения и высокий минарет, ее окружал глубокий ров.

В XVII веке Термез и окрестные земли перешли узбекскому племени кунград. Об этом периоде пишет в книге "Море тайн о мужестве благородных людей" известный историк и географ из Балха Махмуд ибн Вали. Он также отмечает, что Термез относится к четвертому виду климата (иклим), является одним из крупных городов Мовараннахра, его мощные крепостные стены построены на берегу Джайхуна, одни из ворот располагаются со стороны реки. В XVII веке в шахристане, ближе к реке, имелся Айн-Ахмар (красный родник). В городе было много жилых кварталов и кишлаков. Главным районом города был Салават – на местном диалекте, а правильно – Салихабад, расположенный на северном берегу Сурхандарьи рядом с кишлаком Чингил-арик. Здесь располагались резиденция правителя, базар, медресе, пятничная мечеть и высокий минарет. Кроме того, Махмуд ибн Вали подчёркивает малое число садов и посевных земель, песчаная почва и жаркий климат способствовали выращиванию пшеницы и дыни. Он также отмечает, что многие шейхи и святые взросли на этой земле, что здесь же покоятся святые шейхи Хаким ат-Термезий, Абу Бакр Варрок. В 30 км. к востоку от Термеза располагался караван-сарай Хотинработ.

В дневниках арабских путешественников Якутий и Ас-Самани упоминается кишлак "Маймург" – это согдийское название переводится как "кишлак, покрытый зеленью".

В крепости древнего Термеза и в части шахристана люди жили до 80-х годов XVIII века.

Другая древняя область и одноименный город - Чаганиан располагались к северо-востоку от Термеза и занимали обширную территорию, вбирающую в себя нынешние города Сариасия, Денау, Шурчи, Кумкурган, Байсун. Историю и географию средневекового Чаганиана изучил В.В.Бартольд. Свой вклад в изучение этого края внесли и ученые Узбекистана Г.А.Пугаченкова, Э.В.Ртвеладзе, Л.И.Альбаум, Ш.Р.Пидаев, А.С.Саъдуллаев, Б.А.Турсунов, М.С.Исхаков, З.А.Хакимов, Т.Ж.Аннаев, З.А.Аршавская.

Амир Темур вафотидан сўнг меросхўрлар ўртасида феодал урушлари кучайиб кетиб, мамлакат ҳаёти ва маданияти ҳалокат ёқасига келади. Бу хавфнинг олдини олиш учун Шоҳрух Мирзо 1407 йили Балх ва унинг атрофидаги ерларни эгаллайди. Ибн Арабшоҳ маълумотига кўра, бу давр ҳақида Шоҳрух Мирзо топшириғига кўра 1413 йили ёзилган Ҳафизи Абрунинг «Китоб ал-масолик ва-л-мамолик» асарида муҳим маълумотлар берилган. Бу асарда Амударёнинг Орол денгизига эмас, балки Каспий денгизига қуйилиши, Мовароуннаҳр ва унинг йирик шаҳарлари Бухоро, Самарқанд, Кеш, Насаф, Термиз, Хўжанд ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган. Шунингдек, Ҳафизи Абру Термиз шаҳристони билан қалъа бир жойда жойлашганлиги, ташқи шаҳар (рабод)га ҳам эга эканлиги, иморатлари пахсадан қурилганлиги, бозор ва Жомеъ масжиди шаҳристонда бўлганлигини таъкидлайди.

Кўҳна Термиз қалъаси Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида ҳам мавжуд эди. Бу давр ҳақида Ҳафиз Таниш Бухорийнинг 1527 йилда ёзилган «Шарафномаи Шоҳий» («Подшоҳни шарафловчи китоб») номли асари Мовароуннаҳр шаҳарларидан бири Термизнинг топографик ўрни, меъморий бинолари, осори атиқалари ҳамда халқнинг этник таркиби хусусида маълумотлар беради. Бу даврда Термиз Балх ҳукмдори Дин Муҳаммадга бўйсунган. Дин Муҳаммад Абдуллахоннинг душмани эди. Абдуллахон Термизни қамал қилишдан олдин Ҳаким ат-Термизий ва Абу Бакр ал-Варроқ мозорларининг шайхларини ёнига чорлаб, катта совғалар билан сийлаган. Шундан сўнг, қалъа қамал қилинади. Бу даврда Жайҳун қирғоғидаги қўрғон ўзининг ҳашаматли иморати ва баланд минорасига эга бўлган, у яхши тарошланган хандақ билан мустаҳкамланган эди.

XVII асрда Термиз ва унинг атрофидаги ерлар ўзбекларнинг қўнғирот уруғи қўлига ўтади. Бу давр ҳақида балхлик йирик тарихчи Маҳмуд ибн Вали ўзининг «Баҳр ул-асрор фи муноқи бал-аҳёр» («Олижаноб кишиларнинг жасорати ҳақида сирлар денгизи») номли асарида халқнинг ҳаёти ва урф-одатлари ҳақида муҳим маълумотлар келтиради.

Маҳмуд ибн Вали Термиз тўртинчи иқлимга оидлиги ва Мовароуннаҳрнинг йирик шаҳарларидан бири эканлиги, унинг мустаҳкам деворлари Жайҳун қирғоғида қад кўтарганлиги, унинг битта дарвозаси дарё томонда эканлигини қайд этади. XVII асрда шаҳристонда Айн – Аҳмар (қизил булоқ) мавжудлиги эслатилган. У Амударёга яқин жойда бўлган. Шаҳарда қишлоқ ва маҳаллалар кўп бўлган. Шаҳарнинг энг муҳим манзилларидан бири Саловат – уни маҳаллий халқ шундай атарди, асли номи Солиҳобод, Сурхондарёнинг шимолий қирғоғида, XVII асрнинг бошларида ҳам мавжуд бўлган Чингил ариқ (Жингил ариқ) қишлоғи билан ёнма-ён жойлашган. Бу манзилгоҳ ҳукмдорнинг қароргоҳи, бозор, мадраса ва Жомеъ масжиди

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳамда баланд миноралари билан ажралиб туради, деб таъкидлайди муаллиф. Бундан ташқари, тарихчи ва географ Маҳмуд ибн Вали, бу вилоятда боғ ва экинзор ерлар кам учрашини, ери қумлоқ ва иқлими илиқ эканлигини, ғалла ва қовун кўп етиштирилишини ҳам қайд этган.

Ибн Вали ислом динининг аксарият шайх ва уламолари шу заминда таваллуд топганлигини, бинобарин, Хўжа Али Ҳаким ат-Термизий ва шайх Абу Бакр ал-Варроқнинг муқаддас қабрлари кўҳна Термиз деворига яқин, қалъанинг шимолий томонида жойлашганлигини қайд этади. Термиздан 30 *км* шарқда Кушон шаҳарчаси Айритом яқинида Хотинработ деб аталадиган карвонсарой бор эди. Бундан ташқари, Амударё қирғоғи бўйлаб, Термиз шаҳридан қуйироқда, яъни Шўроб кечуви билан Пайғамбар ороли ўртасида Маймунтўқай қишлоғи бўлган. Бу қишлоқ ўрта аср араб сайёҳлари Яқутий ва ас-Самъонийнинг кундаликларида «Маймурғ» деб эслатилган. Маймурғ суғдча «майин ва марг» – ўт-ўланга бой қишлоқ, деган маънони англатган.

Сурхон воҳасининг қадимги йирик вилояти ва шаҳри Чағаниён Термизнинг шимоли-шарқида жойлашган бўлиб, ҳозирги Сариосиё, Денов, Шўрчи, Қумқўрғон, Бойсун туманларини ўз ичига олган. Чағаниённинг ўрта асрлардаги тарихи ва географиясини академик В.В.Бартольд мукаммал ўрганган эди.

Чағаниён тарихи ва маданиятини ўрганишда Г.А.Пугаченкова, Э.В.Ртвеладзе, Л.И.Альбаум, Ш.Р.Пидаев, А.С.Саъдуллаев, Б.А.Турғунов, М.С.Исҳоқов, З.А.Ҳакимов, Т.Ж.Аннаев, З.А.Аршавская каби олимлар ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар.

Чағаниён номи илк марта 630 йилда юртимизга саёҳат қилган буддавий роҳиб Сюань Цзан «Кундаликлар»ида «Чи-го-йен-на» номи билан эслатилган.

IX асрда яшаб ижод қилган араб географи Ибн ал-Фақиҳ бу юртни «Сакаиан» деб атаганлиги маълум. Шу даврда Сағаниён Сурхондарёнинг юқори оқимида жойлашган, Балхдан кейин иккинчи ўринда турувчи йирик шаҳар ҳисобланган.

Тарихий ёзма манбаларда Чағаниён тоғ ёнбағрида жойлашган, ҳавоси ва иқлими тоза, йирик даромадлар келтирувчи рабодларга эга эканлиги қайд этилади.

Ал-Муқаддасий маълумотига кўра, Сағаниён шаҳри Рамиуга, унинг вилояти эса Фаластинга ўхшаган бўлган. Ўрта асрларда шаҳарнинг ҳар бир маҳалласи ва хонадонларига сопол сув қувурлари ўтказилган.

Чағаниёндаги Навандак шаҳри ҳам ўрта асрлар маданиятини ўзида акс эттирган йирик савдо-ҳунармандчилик маркази бўлган. Навандак «наванд» сўзидан олинган бўлиб, чопар деган маънони англатади.

Ўрта асрлар Навандагига Кофирқалъа ёки Навандактепа деб аталувчи ёдгорлик тўғри келади. Бу ёдгорлик ҳозирги Узун шаҳридан 3 *км* шимоли-шарқда жойлашган. Шаҳар мустаҳкам қалъага эга бўлиб, унинг атрофи 50 метрлик хандақ билан ўраб олинган.

Чағаниённинг кейинги манзили Сангардак шаҳри бўлган. У Сангардак дарё воҳасида жойлашган бўлиб, Сурхондарё ва Қашқадарё воҳаларини боғлаб турувчи карвон йўлини ва ундаги муҳим бекатларни, йўл бўйида жойлашган қўрғонларни назорат қилган. Савдо-карвон йўли эса Қизилсув ва Сангардак воҳалари орқали Тошқўрғон довонидан ўтган. Шу йўл бўйлаб Чағаниён пойтахтидан Кеш шаҳригача олтита бекат мавжуд бўлган.

XVI асрнинг ўрталарида денгиз ҳалокатига учраган Миср ҳарбий кемасининг бошлиғи шу йўл орқали Ҳиндистондан Константинополга кетаётганида ўтганлиги эслатилади. Демак, бу карвон йўлларидан сўнгги ўрта асрларда ҳам фойдаланилган.

XIX аср харитасида Ҳисор тизмасининг Сурхон ва Зарафшон воҳалари чегарасида жойлашган Жижин

HISTORICAL GEOGRAPHY OF MEDIEVAL TERMEZ AND CHAGANIAN

The feudal wars, which burst between successors after the death of Amir-Temur, conducted the state to ruin and destructions. To prevent this threat, Shohruh Mirzo in 1407 has occupied Balh and its neighboring territories. According to Ibn Arabshah's statement, the book by Hafizi Abru «Kitab al-mosolik va-l-maolik», written by order of Shohruh Mirzo in 1413, contains interesting data about this period. It tells that Amudarya-river ran not into the Aral sea but into the Caspian sea, the book also has some data on cities of Movaraunnahr: Bukhara, Samarkand, Kesh, Nasaf, Termez, Hodzhend. In particular, it is spoken about Termez that its Shahristan (downtown) and a fortress were located in the same territory, except that there was an external city (*rabad*), houses were constructed from clay (*pakhsa*), a market and Friday mosque were located in Shahristan.

The fortress of ancient Termez existed even in times of sheibonids which was mentioned in the book by Hofiz Tanish Buhary «Book of the padishah's glorification» written in 1527. The book describes the topography, architecture, sights and ethnic structure of the population of the city and its neighborhood.

In this period Dyn Muhammad, the governor of Balh, ruled Termez. Dyn Muhammad was the enemy of a sheibonid Abdullahan. Before conquering the city, Abdullahan invited sheikhs of sacred *mazars* (cemeteries) Hakim Termezy and Abu Bakr Varrok, and presented them with expensive gifts. After that he has besieged the fortress. In this period the citadel located on coast of Dzhaihun (Amudarya), had majestic structures and a high minaret, and it was surrounded by a deep moat.

In the city of Samarkand there is an architectural complex of the Mausoleum of Hodzha Abdudarun with *honakoh* (a cell) in its southwest part where Mir Muhammad Caliph Ibrohimhodzha was buried. There is just a little data about this instructor of the time. Only one source tells that he took the governor of Afghanistan Amir Abdurahman and some of his confidants escaped from Afghanistan because of the internal conflicts under his trusteeship. He supported them morally and with money and food. Some years later Amir again found authority and returned home, but he could not forget the years of emigration. Going back home, he left some of his people to service of Caliph Ibrohimhodzha, as a symbol of gratitude to his trustee; two tombs of the atypical form, found in Guzar where Caliph lived, testify to it. The local people named them "Mazori Afgon" (a graveyard of the Afghans).

Who was Ibrohimhodzha? A poet, a historian, an astrologist? Historian Mahzhury whose manuscript is stored under the number 5653/2 in the State Museum National Park of Samarkand writes about the personality of Caliph Ibrohimhodzha in 43 *beits* (a poetic form). The work is entirely written in style of the Arabian graphics in Farsi language. The manuscript also describes the history of construction the mausoleum of Caliph Ibrohim.

A hand-written book by Said Ahmar Vasily Samarkandy "Nazm us-silsila" (the Circuit of poetry) also contains 14 *beits* about Caliph Ibrohim. The book is written in style of the Arabian graphics in Farsi language.

The manuscript stored under the number 1820 in the Institute of Oriental Studies of the Academy of Science of the Republic of Uzbekistan provides rather exact and full data. Having studied this manuscript, we made a conclusion that Caliph Ibrahimhodzha was born in Hutan, married in Kattakurgan, lived in Samarkand at the end of the 19th and the beginning of the 20th centuries. He was the representative of the Nakshbandi order, was among such great spiritual searchers as Alouddin Attora, Jakub Charhy, Hozha Ahror Valy, Hozha Muhammad Siddik and Movlono Husajn.

A well-known literary critic Nazhmiddin Kamilov in his book «Tasavuff» (Sufism) writes: "If Mavlono Husajn renewed the Nakshbandi order in Bukhara then his gifted pupil Mir Muhammad Ibrohim erected its fundament in Samarkand". Mir Muhammad Ibrohim was an unsurpassed expert of *tavhid* (interpretation of the religion), had many spiritual followers and pupils, among whom are such famous names as Said Ahmad Vasily, Eshon Valihon and others.

Caliph Mir Muhammad Ibrahimhodzha had his own seal that testifies to his wide public and political power in the state. The seal had an inscription "Muhammad Ibrohim binni Fajzullo". This seal is preserved up to now thanks to his descendants who devoted themselves to the religious service.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АМИР МУЗАФФАРНИНГ ТАРИХНАВИС ЎҒИЛЛАРИ

СЫНОВЬЯ – ИСТОРИКИ ЭМИРА МУЗАФФАРА

Во время правления Бухарского эмира Насрулло его сын Эмир Музаффар был наместником Карманы. После смерти отца он занял трон и в 1860–1885 годах правил Бухарским эмиратом.

У Эмира Музаффара было много сыновей и Саййид Мухаммад Носир был одним из них. В письменных источниках ёго имя встречается как Насриддин ал-Ханафи ал-Хусайни ал-Бухари или Мухаммад Носир или же Саййид Носириддин Саййид эмир Музаффариддин. Он был старшим братом эмира Абдулахада (правившего в 1885–1910 гг.) и дядей Алимхана, последнего эмира Бухары. Жизнь Носириддина исследована мало. Он постоянно проживал в Бухарском арке, где имел свои покои и собственную библиотеку.

В 1920 году, после свержения Бухарского эмирата, Носириддин Мухаммад стал членом общества "Анжумани тарих" ("Общество истории"). Членами общества также были Хожи Мулла Абдурауф Эфенди, Фитрат, Саййид Мухаммад Сидик, Домулло Мухаммад муфтий и другие.

О его семье нет достоверных сведений. Но историк К.Каттаев в своем исследовании "Махдуми Аъзам и Дахбед" приводит сочинения "Тухфат ул-зоъирин" Носириддина Хусайни Бухари и "Равоих ул-кудс" Максуда ибн Носириддина Хусайни ал-Бухари.

По имени автора "Равоих ул-кудс" можно понять, что он является сыном Носириддина Хусайни ал-Бухари. Если действительно Максуд является сыном Саййида Носириддина, то он продолжил деятельность своего отца.

В сборнике восточных рукописей (СВР) указывается, что сын Саййида Носириддина по имени Арабхан женился на дочери эмира Алимхана и, как отец, жил в арке.

Саййид Мухаммад Носир внёс значительный вклад в изучение истории Бухарского эмирата.

Произведение Носириддина ибн Музаффара "Тухфат ул-зоъирин" вместе с произведением Садри Зие "Мажмуаи Тазкира" хранится под № 2193 в фонде рукописей института Востоковедения Академии наук Республики Узбекистан. Этот экземпляр до конца не переписан, использован почерк насталик, язык – персидский, 20 страниц. В произведении даются ценнейшие сведения про святых и великих особ, похороненных в Бухаре и её окрестностях.

Написанное в 1921-1922 гг. произведение Саййида Мухаммада Носира "Тахкикоти арк Бухоро салотину амирои у" также хранится в институте Востоковедения АН Р.Уз. под №19. В рукописи даются исторические сведения о Бухарском арке, о мечети Чилдухтарон, о гостиницах и ханака времен правления Шаха Мурада Насыра, Эмира Хайдара, она написана на персидском языке и состоит из 42 страниц.

Еще одно произведение Саййида Мухаммада Носира – "Асари салотин" хранится в фондах института Востоковедения АН Р.Уз. под №1422. Во введении рукописи поставлена дата 1322 год хиджри, следовательно, автор начал писать это произведение в 1904 году. Дата окончания произведения неизвестна. В экземпляре, которым мы пользовались, утеряны последние страницы. Это сочинение, состоящее из 54 страниц, также написано почерком насталик на персидском языке.

Рукопись начинается с традиционного восхваления и Саййид Насыриддин Саййид Эмир Музафариддин, то есть автор, сообщает о том, что он читал множество древних книг и при написании истории Бухарских султанов пользовался произведениями "Равзат ус-сафо", "Тарихи Мукимхоний", "Тарихи Вожиз", "Тухфаи хоний", "Тарихи Муин", "Мажмуаи Кози".

Само произведение состоит из трех частей (статей).

Первая статья посвящена истории шайбонидов. Она начинается повествованием о состоянии государственных дел хакана Абулхайра.

Во второй статье освящена история государства аштархонидов, которые правили в Мовароуннахре после шайбонидов. Констатируется тот факт, что аштархонидов называли также "жоний" и приводится их родословная в следующей последовательности: "Жонийхан ибн Ёрмухаммад ибн... хан ибн Чавакхан ибн Мухаммадхан ибн Баходирхан ибн Кутлугбугахан ибн Чингизхан".

Третья статья посвящается истории мангитских династий. Статья начинается с перечисления имен мангитских эмиров, правивших в благословенной Бухаре: первый – Мухаммад Рахимхан, второй – Дониял оталык (воспитатель престонаследника, т.е. сына правителя), третий – эмир Шохмуродхан, четвертый – Сайид эмир Хайдар, пятый – Сайид эмир Хусайнхан, шестой – Эмир Умархан, седьмой – Сайид эмир Насруллах Баходирхан, восьмой – Сайид эмир Музаффархан, девятый – Абдулахадхан, десятый – Эмир Мухаммад Баходир.

Еще один из сыновей эмира Музаффара – Мир Мухаммад Сиддик Бухари ибн Эмир Музаффар. Его псевдоним – Хишмат. О его жизни не имеется достоверных сведений.

Олтиной ***МАСАЛИЕВА***

Бухоро амири Насруллонинг ўғли Амир Музаффар отаси ҳукмронлиги даврида Кармана ҳокими эди. Амир Насрулло вафот этгач, у тахтга ўтиради ҳамда 1860–1885 йиллар давомида Бухоро амирлигига ҳукмронлик қилади.

Амир Музаффарнинг ўғиллари кўп бўлиб, улардан бири Саййид Муҳаммад Носирдир. Унинг номи манбаларда баъзан Носириддин ал-Ҳанафий ал-Ҳусайний ал-Бухорий, ёки Муҳаммад Носир, ёхуд Саййид Носириддин Саййид Амир Музаффариддин тарзида ҳам учрайди. Носириддиннинг ҳаётига оид маълумотлар етарли даражада тадқиқ этилмаган. У бир умр Бухоро аркида яшаган ва ўзининг қўрғони, шахсий кутубхонасига эга бўлган.

1920 йилда Бухоро амирлиги ағдарилгач, Саййид Носириддин Муҳаммад «Анжумани тарих» жамиятига аъзо бўлган. Жамиятта ундан ташқари, Ҳожи Мулла Абдурауф Афанди, Фитрат, Саййид Муҳаммад Сиддиқ, Домулло Муҳаммад Шариф Зиё, Мулла Муҳаммад Салимбек, Ҳожи Мулла Саййид Маҳмуд муфтилар аъзо бўлишган.

Унинг оиласи, фарзандлари ҳақида тўлиқ маълумот йўқ. Лекин тарихчи Комилхон Каттаевнинг «Махдуми Аъзам ва Даҳбед» рисоласида Махдуми Аъзамийлар ҳақида ёзилган ва улар тилга олинган асарлар орасида Носириддин Ҳусайний Бухорийнинг «Тухфат ул-зоъирин» ҳамда Мақсуд ибн Носириддин Ҳусайний ал-Бухорийнинг «Равойиҳ ул-қудс»и ҳам ўрин олган.

«Равойиҳ ул-қудс» асари муаллифининг номидан унинг Саййид Носириддин Ҳусайний ал-Бухорийнинг ўғли эканлиги англашилади.

Шарқ қўлёзмалари тўпламида Саййид Носириддиннинг Арабхон исмли ўғли Амир Олимхоннинг қизига уйлангани ва у ҳам ўз отасидек аркда яшагани ёзилади.

Бухоро амирлиги тарихини ўрганишга ўз ҳиссасини қўшган Саййид Муҳаммад Носир бутун ҳаёти давомида илм билан машғул бўлган. У бир неча асарлар яратган. Унинг «Тухфат ул-зоъирин» («Зиёратчиларга тухфа»), «Қунуз ал-Атқиё» («Тақводорларнинг хазиналари»), «Осори ас-Салотин» («Султонлар хотиралари»), «Таҳқиқоти арк Бухоро салотинў амирои у» («Бухоро султонлари ва амирлари арки ҳақида тадқиқот») каби асарлари маълум.

Саййид Носириддиннинг ўзи қадимий тарих китобларини кўп мутолаа қилганлигини тилга олади ҳамда «агар аввал «Тухфат ул-зоъирин» ва «Қунуз ал-Атқиё» асарларида ҳазрати авлиёлар зикрини жамлаган бўлсам, энди Бухоро амирлари зикри муфассал тарихини тасниф қиламан», деб ёзади.

Носириддин ибн Музаффарнинг «Тухфат ул-зоъирин» асари Садри Зиёнинг «Мажмуаи тазкира» асари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 2193 рақами остида сақланмоқда. Мазкур нусха тўлалигича кўчириб тугалланмаган. Хати настаълиқ, форс тилида, 20

www.ziyouz.com kutubxonasi

варақдан иборат. Асарда Бухоро шаҳри ва унинг ташқарисидаги мозорларга дафн этилган азиз-авлиёлар ва улуғ зотларнинг қабрлари тўғрисида муҳим маълумотлар берилган.

Саййид Муҳаммад Носирнинг 1921–1922 йиллар давомида ёзилган «Таҳқиқоти арк Бухоро салотинў амирои у» асари ҳам ЎзФА Шарқшунослик институтида 19 рақами остида сақланмоқда. Қўлёзмада Бухоро арки ҳақида тарихий маълумотлар, Аркдаги Чилдухтарон масжиди, Шоҳ Мурод, Амир Ҳайдар ҳукмронлиги даврларидаги меҳмонхона, хонақоҳ ҳақида маълумотлар берилган. Қўлёзма форс тилида ёзилган бўлиб, 42 варақдан иборат.

Саййид Муҳаммад Носирнинг асарларидан яна бири «Осори ас-Салотин» бўлиб, у ҳам ЎзФа Шарқшунослик институти хазинасида 1422 рақами остида сақланмоқда. Қўлёзманинг кириш қисмида 1322 ҳижрий санаси қўйилган. Демак, муаллиф милодий 1904 йилда асарни ёзишга киришган. Асарнинг тугалланган йили номаълум. Биз фойдаланган нусхада асарнинг охирги саҳифалари йўқолган. Мазкур асар ҳам форс тилидаги настаълиқ хатида битилган ва 54 варақдан иборат. Асар анъанавий ҳамд билан бошланади ва Саййид Носириддин Саййид Амир Музаффариддин, яъни муаллифнинг ўзи кўп қадимий китобларни мутолаа қилганлиги, Бухоро султонлари тарихини ёзишда «Равзат ус-сафо», «Тарихи Мукимхоний», «Тарихи Вожиз», «Туҳфаи хоний», «Тарихи Муин», «Мажмуаи қози» каби асарларга асосланганлигини ёзади. Асар уч қисм (мақола) га ажратилган.

Биринчи мақола Шайбонийлар тарихига бағишланган. У хоқон Абулхайр давлати аҳволи баёнидан бошланади.

Иккинчи мақолада Шайбонийдан сўнг Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган аштархонийлар салтанати тарихи ёритилган. Мақолада аштархонийларни жонийлар деб ҳам аталиши таъкидланиб, уларнинг сулоласи «Жонийхон ибн Ёрмуҳаммад ибн... хон ибн Чавоқхон ибн Муҳаммадхон ибн Баҳодирхон ибн Қутлуғбуғохон ибн Чингизхон» тартибида берилиши билан бошланади.

Учинчи мақола манғит сулолалари тарихига бағишланган. Мақола Бухорои Шарифда ҳукмронлик қилган манғит амирлари номларини зикр этиш билан бошланади. Жумладан: биринчиси Муҳаммад Раҳимхон, иккинчиси Дониёл оталиқ, учинчиси амир Шоҳмуродхон, тўртинчиси Саййид амир Ҳайдар, бешинчиси Саййид амир Ҳусайнхон, олтинчиси Амир Умархон, еттинчиси Саййид амир Насруллоҳ Баҳодурхон, саккизинчиси Саййид амир Музаффархон, тўққизинчиси Абдулаҳадхон, ўнинчиси Амир Муҳаммад Олим Баҳодир тартибида берилган.

Шуни айтиш жоизки, биз фойдаланган нусхада манғитлар қисмининг давоми йўқолган.

Лекин, А.Х.Ҳамроевнинг ёзишича, «муаллиф ўзининг ҳикоясини амир Шоҳмуроддан бошлаб, амир Ҳайдар ҳукмронлик қилган давр билан тугаллайди».

Амир Музаффарнинг ўғилларидан яна бири Мир Муҳаммад Сиддиқ Бухорий ибн Амир Музаффардир. Тахаллуси – Ҳишмат. Унинг ҳаёти ҳақида тўлиқ маълумотларга эга эмасмиз.

Садриддин Айнийнинг ёзишича, Ҳишмат Бухоро амири Абдулаҳаднинг кичик акаси бўлиб, 35 йил умрини уй қамоғида ўтказиб, 1920 йилда Афғонистонга муҳожирликка кетган.

Ҳишмат шоир, адабиёт билимдони, қимматли тарихий-адабий маълумотлар берувчи бир неча тугалланмаган тазкиралар муаллифидир. Мир Муҳаммад Сиддиқ адабиётчи бўлиши билан бирга астрологияга ҳам қизиққанлиги унинг «Мажмуаи зоижаи аҳкоми нужум» («Юлдузлар ҳолати асосида толеномалар мажмуи») асаридан ҳам маълум.

Мир Муҳаммад Сиддиқ ибн Амир Музаффар томонидан ёзилган асарлар:

SONS–ANNALISTS OF EMIR MUZAFFAR

While Emir Nasrullo ruled in Bukhara, his son Emir Muzaffar was the governor of Karmana. After the death of Emir Nasrullo, he took a throne and ruled in Bukhara in 1860-1885.

Emir Muzaffar had many sons and Sajjid Muhamed Nasyr was one of them. In old historical sources his name is mentioned as Nasryddin al-Hanafi al-Husajni al-Buhari or as Muhamed Nasyr Sajjid Nasyriddin Sajjid Emir Muzafariddin. He was the senior brother of Emir Abdulahad (reigning in 1885-1910) and the uncle of Alimhan, the last Emir of Bukhara. Nasryddin's life is little investigated. He was a pretender for a throne, and for this reason he spent all his life in the Bukhara palace, had his own fortress and library.

In 1920, after overthrowing the Bukhara Emirate, Nasyriddin Muhamed became a member of the society «Anzhumani tarih» («Assembly of Historians»). Some of the members of this union also were Hozhi Mulla Abdurauf Efendi, Fitrat, Sajjid Muhamed Sidik, Domullo Muhamed Mufti and others.

There are no authentic data about his family and children. However, a historian Kamilhan Kattaev in his treatise «Mahdumi A'zam and Dahbed» writes that Mahdumi A'zami mentioned the works «Tuhfat ul-zo'irin» by Nasyriddin Husajni Buhari and «Ravoih ul-kuds» by Maksud ibn Nasyriddin Husajni al-Bukhari.

The initials say that the author of «Ravoih ul-l'uds» was the son of Nasyriddin Husajni al-bukhari himself.

The book of the eastern manuscripts says that Nasyriddin's son, Arabhan, married the daughter of Emir Alimhan and lived in the palace.

Sajid Muhamed Nasyr, having greatly contributed into studying the history of the Bukhara Emirate, devoted all his life to science.

The book by Nasyriddin ibn Muzaffar «Tukfat ul-zo'irin» together with the book by Sadr Zie «Mazhmuai Tazkira» is stored in the manuscripts fund of the Institute for Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan under the number No2193. This copy is not rewritten completely. The used handwriting is nastalyk, language - the Persian, 20 pages. The book contains the most valuable data about the sacred and great persons buried in Bukhara and its neighborhood.

The book by Sajid Muhamed Nasyr «Tahkikoti Ark Buhoro Salotinu Amiroi U» written in 1921-1922 is also stored in the Institute for Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan under the number No19. The manuscript gives the historical data about the Childuhtaron mosque, about hotels and chapels during the reign of Shakh Murad Nasyr, of Emir Hajdar. The manuscript is written in the Persian language and consists of 42 pages.

Another book by Sajid Muhamed Nasyr - «Asari salotin» is kept in the treasury of the Institute for Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan under the number No1422. In the introduction to the manuscript there is a date of 1322 year on the hidzhra chronology. It means that the author started to write his book in 1904. A book ending date is not known. The copy that we used lacks last pages. This book consisting of 54 pages is also written by handwriting nastalyk in the Persian language.

The book begins with the traditional praisings. And Sajid Nasyriddin Sajid Emir Muzafariddin, the author, writes that he read many old books and while writing the history of the Bukhara sultans he used the following books «Ravzat us-safo», «Tarihi mukimhony», «Tarihi Vozhiz», «Tuhvaihony», «Tarihi Muin», «Mazhmuai Kozi».

The book itself consists of three parts.

The first chapter is devoted to the history of the Shajbonijhans. It begins with a narration about the state affairs of the sovereign Abulhajr.

The second chapter describes the history of the Ashtarhoni who ruled in Movarounnahr after the Shajbonijhans. That fact is ascertained that the Ashtarhoni were named also «zhony». The article begins with their reference as «Zhonijhan ibn Yarmuhamed ibn □ khan ibn Chavakhan ibn Muhamedhan ibn kutlugbugahan ibn Chingizhan».

The third chapter is devoted to the history of Mangit dynasties. The article begins with listing of the Mangit Emirs names, who ruled in Bukhara sharif: the first - Muhamed Rahimhan, the second - Donijal otalyk (the tutor of the successor to the throne, i.e. the son of the governor), the third - Emir Shahumuradhan, the fourth - Sajid Emir Hajdar, the fifth - Sajid Emir Husajnhan, the sixth - Emir Umarhan, the seventh - Sajid Emir Nasrullah Bahadyrhan, the eighth - Sajid Emir Muzafarhan, the ninth - Abu Dladhan, the tenth - Emir Muhamed Bahadyr.

Mir Muhamed Siddik Buhari ibn Emir Muzaffar was one of the Emir Muzaffar's sons. His pseudonym was Hishmat. There are no authentic data about his life.

Sadriddin Ajni wrote that Hishmat was the youngest brother of the Bukhara Emir Abdulahad. He spent 35 years of his life under home arrest and in 1920 immigrated to Afghanistan.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1. «Девони Ҳишмат» («Ҳишмат девони»). XIX аср охири – XX аср бошларида ёзилган. Қўлёзма ғазал, мухаммас, қасида ва бошқаларни ўз ичига олади. Хати – настаълиқ. 48 варақ.

2. «Дафтари мусаввадайи Ҳишмат» («Ҳишматнинг қоралама дафтари»).

3. «Номаи Хусравон» («Шоҳона нома»). Қўлёзма 1495 йилдан бошлаб то муаллиф замонигача бўлган даврда яшаган, шеър ёзиш билан шуғулланган ҳукмдорларга бағишланган тазкирадир. Муаллиф асарни ёзишга 1892–1893 йилларда киришган ва 1913–1914 йилларда тугатган. Хати – настаълиқ. 75 варақ.

4. «Мажмуъайи Зоижа аҳкоми нужум» («Юлдузлар ҳолати асосида толеномалар мажмуи»). XX аср бошларида ёзилган. Автограф. 115 варақ.

5. «Мажмуаи ал-баёз». Адабий-тарихий тўплам. XIX аср охирларида ёзилган. 259 варақ.

Ҳишмат томонидан кўчирилган асарлар:

1. «Маоҳофи жавоҳири Аллоҳ саҳо». Муаллифи – Мир Ҳусайн бин Муҳаммад ал-Ҳусайний ан-Нишопурий. XIX асрда кўчирилган. 10 варақ.

2. «Маноқиби шайх Холид Зиёвуддин ан-Нақшбандий ал-Мужадидий Қодирий» («Шайх Холид Зиёвуддин Мужадидий Қодирийнинг таърифи»). 1915 йилда кўчирилган. 12 варақ.

Ҳишмат томонидан кўчирилгани тахмин қилинган асарлар:

1. «Жаноби ал-қулуб ала диёр ал-маҳбуб» («Маҳбублар мамлакати устидаги қалбларнинг эгаси»). Муаллифи – Абдулҳақ ибн Сайфиддин ат-Турк ад-Деҳлавий ал-Бухорий. 1890 йилда кўчирилган. 248 варақ.

2. «Маҳосан ал-калом ва бадое ал-низом». Муаллифи – Абул Ҳасан Наср бин ал-Ҳасан ал-Марғиноний. 1875 йилда кўчирилган. 18 варақ.

3. «Арузи Сайфи» («Сайфий арузи»). Муаллифи – Мавлоно Сайфий Бухорий. 1894 йилда кўчирилган. 40 варақ.

4. «Қандияи хўрд» («Кичик Қандия»). Муаллифи – Имом Абулфазл Муҳаммад ибн Абдулжамил ибн Абдулмалик ибн Ҳайдар ас-Самарқандий. 1896–1897 йилларда кўчирилган. 40 варақ ва ҳ.к.

Мир Муҳаммад Сиддиқ томонидан яратилган асарлар ҳозирча илмий тадқиқ этилмаган.

Хулоса қилиш мумкинки, Амир Музаффарнинг тарихнавис ўғиллари Бухоро тарихнавислиги ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар. Уларнинг ҳаёти ва ижодини чуқур тадқиқ қилиш, асарларини халқимиз қўлига етказиш долзарб вазифалардан ҳисобланиб, Бухоро амирлиги тарихини ҳар томонлама ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга.

Согласно Садриддина Айни, Хишмат был младшим братом бухарского эмира Абдулахада, 35 лет находился под домашним арестом и в 1920 году эмигрировал в Афганистан.

Хишмат был поэтом, знатоком литературы, автором нескольких незаконченных, но дающих ценные литературно-исторические сведения летописей.

Произведения, написанные Мир Мухаммад Сиддик ибн Эмир Музаффаром:

1. "Девони Хишмат" ("Сборник стихов Хишмата"). Написан в конце XIX – начале XX столетия. Рукопись включает в себя газели, мухаммас (т.е. стихотворные строфы, состоящие из пяти полустиший), касыды и другие поэтические произведения. Почерк – насталик, 48 страниц.

2. "Дафтари мусаввадайи Хишмат" ("Книга набросков Хишмата").

3. "Номаи Хусравон" ("Письмо повелителей"). В этой рукописи-антологии собраны сведения о повелителях, правивших с 1495 года до времен автора и занимавшихся сочинением стихов. Автор начал писать это произведение в 1892–1893 годах и в 1913–1914 годах его окончил. Почерк – насталик, 75 страниц.

4. "Мажмуаи Зоижа аккоми нужум" ("Книга судеб по Зодиаку"). Написана в начале XX века, 115 страниц.

5. "Мажмуаи ал-баёз". Литературно-исторический сборник, написан в конце XIX века, 259 страниц.

Список произведений, переписанных Хишматом:

1. "Маохофи жавохири Аллох сахо". Автор – Мир Хусайн Мухаммад ал Хусайни ан-Нишопури. Переписано в XIX веке, 10 страниц.

2. "Манокиби шайх Холид Зиёвуддин ан-Накшбандий ал-Мужаддидий Кодирий" ("Описание шейха Халида Зиёвуддин ан-Накшбандий ал-Мужадиди Кодири").

Список произведений, предположительно переписанных Хишматом:

1. "Жаноби ал-кулуб ала диёр ал-махбуб" ("Хозяин сердец, находящихся над страной возлюбленных"). Автор – Абдулхак ибн Сайфиддин ат-Турк ал-Дехлави ал-Бухари. Переписано в 1890 году, 248 страниц.

2. "Махосан ал-калом ва бадое ал-низом". Автор – Абул Хасан Наср бин ал-Хасан ал-Маргинони. Переписано в 1875 году, 18 страниц.

3. "Арузи Сайфи" ("Аруз Сайфи"). Автор – Мавлано Сайфи Бухари. Переписано в 1894 году, 40 страниц.

4. "Кандияи хурд" ("Малая Кандия") Автор – Имам Абулфазл Мухаммад ибн Абдулджамил ибн Абдулмалик ибн Хайдар ас-Самарканди. Переписано в 1896–1897 гг., 40 страниц.

Произведения, написанные Мир Мухаммадом Сидиком, не исследованы.

Судя по вышеизложенному, можно сделать вывод, что сыновья-историки Эмира Музаффара внесли достойный вклад в историографию Бухары. Полное изучение их жизни и творчества, ознакомление читателей с их произведениями является одной из актуальных задач и имеет особое значение в изучении истории Бухарского эмирата.

Hishmat was a poet, an expert of the literature, the author of several annals unfinished but giving valuable literary-historical data. Mir Muhamed Sidik was not only the writer, but also was interested in astrology; it is stated in his book «Mazhmuai zoizhai ahkomi nuzhum» (The Book of Destinies by the Zodiac).

The books written by Mir Muhamed Sidik ibn Emir Muzaffar are:

1. «Devoni Hishmat» («The Collection of Hishmat's verses»). It was written at the end of the 19th – the beginning of the 20th century. It includes *gazels*, *muhamas* (i.e. the poetic stanzas consisting of five hemistiches), odes and other manuscripts. The used handwriting is nastalyk, 48 pages.

2. «Daftari musavvadaji Hishmat» («The Book of Hishmat's Sketches»).

3. «Nomai Husravon» («The Letter of Governors»). This manuscript-anthology collects data on governors reigning since 1495 up to times of the author's life and engaged in the verses composition. The author started to write this product in 1892-1893 and finished it in 1913-1914. The used handwriting is nastalyk, 75 pages.

4. «Mazhmuai Zoizhai ahkomi nuzhum» («The Book of Destinies by the Zodiac»). It was written at the beginning of the 20th century, 115 pages.

5. «Mazhmuai al - bayoz». It is the literary-historical collection written at the end of the 19th century, 259 pages.

The list of the books rewritten by Hishmat is:

1. «Maohofi zhavohiri Alloh saho». The author is Mir Husejn Muhamed al Husajni an-Nishopuri. It was rewritten in the 19th century, 10 pages.

2. «Manokibi shajh Holid Ziyovuddin an-nakshbandy al-Muzhaddidy Kodiry» («The Description of Sheikh Halid Zijavudin an-Nakshbandy al-Muzhaddidi Kadiri»).

The list of the books presumably rewritten by Hishmat is:

1. «Zhanobi al-kulub ala diyor al-mahbub» («The Owner of hearts above the country of the beloved»). The author is Abdulhak ibn Sajfidin at-Turk al-dehlavi al-Bukhary. It was rewritten in 1890, 248 pages.

2. «Mahosan al-kalom va badoe al-nizom». The author is Abul Hasan Nasr bin al-Hasan al-Marginoni. It was rewritten in 1875, 18 pages.

3. «Aruzi Sajfi» («Aruz Sajfi»). The author is Mavlano Sajfi Buhari. It was rewritten in 1894, 40 pages.

4. «Kandijai hurd» («Little Kandija»). The author is Imam Abulfazl Muhamed ibn Abduldzhamil ibn Abdulmalik ibn Hajdar as-Samarkandy. It was rewritten in 1896-97, 40 pages etc.

The books written by Mir Muhamed Sidik are not investigated.

Based on the above-stated we can conclude that sons-historians of Emir Muzaffar made significant contribution to the history-studying of Bukhara. Deep studying of their lives and work and acquaintance of readers with their literary works are of actual tasks and have special value in studying the history of the Bukhara Emirate.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АЖДОДЛАР ВОРИСЛИҒИ

Турсунбой **СУЛТОНОВ**

Она Ватанимиз ҳудудида яшаб ўтган буюк аждодларимизнинг кўплари жаҳон тарихида ўчмас из қолдирганлар. «Ҳиндистон», «Сайдана», «Қонуни Масъудий», «Қадимги аждодлардан қолган ёдгорликлар» каби ноёб асарлар муаллифи, Европада «Али Барон» номи билан танилган Беруний, жаҳон тиббиёт илмининг пири, Европада «Авиценна» номи билан машҳур бўлган ибн Сино, ўзининг «Ал-жабр ал-муқобала» асари билан жаҳонда ном таратган ал-Хоразмий, шунингдек, ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий каби пири комиллар ҳамда Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Мирзо Бобур каби буюк шоиру фузалолар шулар жумласидандир.

Темурийлар даврида фан ва санъатнинг гуллаб-яшнаши Европада уйғониш жараёнига таъсир этиб, умумжаҳон тараққиётига залворли ҳисса қўшганидан фахрланамиз. Бинобарин, Темурийлар даври маданий уйғониш ҳодисасига айни Соҳибқирон Амир Темур томонидан пойдевор қўйилган. Улкан қудратли давлат барпо этган Амир Темур фарзанду набираларини фозил кишилар этиб тарбиялашга ҳаракат қилган. Тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, пойтахтга ёш истеъдодлар, олиму фозилларни тўплаб, уларга ҳомийлик қилган. Сарҳангларига, бу мамлакатга қанча олиму фозил бўлса келишлари мумкин, аммо норози бўлиб чиқиб кетмасликлари лозим, деб топшириқ берган. Шарафиддин Али Яздий ёзганидек, «илм аҳлидан қаерда комил топилса, мулойимлик билан унга тавозеъ этарди».

Ибн Арабшоҳ ўн бир яшарлигида Бағдоддан Самарқандга келтирилган ва етук олимлар тарбиясида вояга етган. Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Амир Темур Дамашқдан Мавлоно Жамолиддин, Мавлоно Сулаймон деган табибларни Самарқандга келтирган ва уларга катта илтифотлар кўрсатган.

Испаниялик элчи Клавихо Амир Темур даврида ҳар ким Мовароуннаҳрга эркин келиши мумкин, аммо ҳеч кимса расмий рухсати бўлмаса, чиқиб кета олмас эди, деб ёзади. Бу тадбир ҳунар эгаларининг тарқалиб кетишига йўл қўймаган.

Соҳибқироннинг саъй-ҳаракати, ташаббуси билан Мовароуннаҳр шаҳарларида кўплаб мадрасалар, масжидлар, қироатхоналар, кутубхоналар бунёд этилган. Амир Темур ўз тасарруфидаги бошқа шаҳарларда ҳам илм-фан, маданиятни ривожлантириш учун кўплаб илмий муассасалар қуришга амр этган. Чунончи, манбаларда кўрсатилишича, Бағдодда мадраса, Табризда масжид, Шерозда сарой қурдирган. Илмгоҳларда диний билимлар билан биргаликда дунёвий фанлар ҳам ўқитилган.

Соҳибқироннинг илм аҳлига кўрсатган ғамхўрликлари тўғрисида ибн Арабшоҳ «Амир Темур тарихи» асарида қуйидагиларни ёзиб қолдирган: «Темур олимларга меҳрибон бўлиб, саййиду шарифларни ўзига яқин тутарди. Уламолар ва фозилларга тўла-тўкис иззат кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан батамом муқаддас кўрарди. Уларнинг

ПРЕЕМСТВЕННОСТЬ ПОКОЛЕНИЙ

Многие наши предки оставили яркий след в мировой истории. Под именем Али Барон был известен в Европе великий Беруний, написавший свыше двухсот трудов по разным отраслям науки, среди которых наиболее известными и сегодня являются его книги "Индия", "Сайдана", "Памятники наших далеких предков" и другие. Под именем Авиценна известен в мире один из основоположников медицины Абу Али Ибн Сино. Слово "алгебра" является исходным от имени великого математика Ал-Хорезмий. Всемирно известные имена Ат-Термезий, Бахоуддин Накшбанд, Ахмад Яссавий, Мирзо Улугбек, Алишер Навои, Мирзо Бобур – также из числа наших прославленных предков.

Мы гордимся тем, что процветание наук и искусств во времена темуридов оказало благотворное влияние на Европейский ренессанс и на мировой прогресс в целом. Восточному ренессансу периода темуридов положил начало сам Амир Темур. По свидетельству историков, давший своим детям и внукам широкое образование, основавший империю Амир Темур собрал в своей столице молодых талантливых ученых, поэтов, художников и покровительствовал им.

Из Багдада в Самарканд был вывезен одиннадцатилетний Ибн Арабшах и воспитан среди великих ученых. По свидетельству средневекового историка Али Язди, в Самарканд были выписаны из Дамаска известные табибы-врачеватели Мавлоно Жамолиддин и Мавлоно Сулайман. Как отмечается в "Зафарнаме", в 1403 году в городе Боилкон был проведен кенгаш (форум) ученых и религиозных просветителей, на котором выступил сам Сохибкиран: «Моя цель – установить в стране справедливость, мир и порядок, улучшить жизнь граждан, усилить строительство, обеспечить развитие государства. Вы должны помочь мне своими советами в осуществлении задуманных мною дел...»

По свидетельству испанского посла Клавихо, во времена Амира Темура в Мовараннахр можно было въезжать свободно, но для выезда требовалось особое разрешение. Никто не имел права свободно покинуть страну. Таким путем исключалась возможность знатокам своего дела уезжать в разные страны.

GENERATIONS CONTINUITY

Many of our ancestors left a bright trace in the world history. Great Beruny, who wrote over two hundred works on different branches of science among which even today the most known are his books «India», «Sajdana», «Monuments of our far ancestors» and others, was known in Europe under the name of Ali Baron. Abu Ali Ibn Sina, one of the medicine founders, is known in the world under the name of Avitsenna. The word «algebra» comes from the name of great mathematics Al-Khorezmy. The world famous names of At-Termizy, Bahouddin Nakshband, Ahmad Yassavy, Mirzo Ulugbek, Alisher Navoi, and Mirzo Babur are also among the names of our glorified ancestors.

We are proud of that prosperity of sciences and arts in times of Timurids that rendered beneficial influence on the European Renaissance and on the world progress as a whole. Amir-Timur himself put a beginning of the East Renaissance of the Timurids period. Under the certificate of historians, Amir-Timur, who had given wide education to his children and grandchildren and who had founded his own Empire, invited to the capital and patronized young talented scientists, poets, and artists.

Eleven-year old Ibn Arabshah was brought to Samarkand from Baghdad and grown as the great scientist. Under the certificate of medieval historian Ali Jazdi, famous healers-doctors Mavlono Zhamoliddin and Mavlono Sulayman were called to Samarkand out from Damascus. As it is marked in «*Zafarname*», *kengash* (forum) of scientific and religious educators was carried out in 1403 in city of Boilkon where Sohibkiran himself gave a speech: « My purpose is to establish justice, peace and rule in the country, to improve life of its citizens, to strengthen construction business, to provide development of the state. You should help me with your advice and council in realization of my plans □»

Under the certificate of Spanish ambassador Klaviho, at times of Amir-Timur's reign it was possible to freely arrive into Movaraunnahr, but a special sanction was needed to leave it. Nobody had right to freely leave the country. Such way excluded an opportunity for experts to leave for the different countries.

A number of madrasahs, mosques, reading rooms, and libraries were built in cities of Movaraunnahr under the Sohibkiran's initiative. He made big efforts for the development of science and culture in all regions of his Empire. Educational centers taught not only religious sciences but also secular ones.

www.ziyouz.com kutubxonasi

По инициативе Сохибкирана в городах Мовараунахра было построено множество медресе, мечетей, читален, библиотек. Он прилагал большие усилия для развития науки и культуры во всех уголках своей империи. В образовательных центрах преподавали не только религиозные науки, но и светские.

Сохибкиран чрезвычайно почитал представителей религии и науки, ставил их выше других людей, оказывал всяческие почести и поддерживал материально. В "Уложениях Темура" отмечается, что на высоких собраниях людей этого ранга он сажал по правую сторону от себя, высказывая особое уважение.

По описанию Хермана Вамбери, Амир Темур одаривал и иностранных поэтов и ученых. Например, великий арабский ученый-энциклопедист Жазирий занимал высокий пост в государстве Темура.

Академик Ибрахим Муминов в своих исследованиях по Амиру Темуру также отмечает, что Сохибкиран при решении какого-либо вопроса государственного значения всегда советовался со специалистами соответствующей области науки. Любил беседовать с представителями разных наук об обустройстве мира, положении в различных государствах того времени.

О благосклонности государя к наукам пишет в своих исследованиях французкий востоковед Л.Лянгле. Он отмечает, что Темур был не только знатоком в науках, но и человеком душевным, что располагало к нему людей науки. При беседах с учеными и поэтами он часто спускался с трона и подходил к ним.

После смерти Амира Темура многие ученые уехали из Самарканда.

В 1411 году на престол взошёл внук Амира Темура Мирзо Улугбек, в период правления которого также отмечается расцвет науки и культуры. Укрепив свою власть, он собрал вокруг себя всех известных ему ученых и теологов. Их было около ста человек.

Самарканд в годы правления Улугбека превратился в крупный политический и культурный центр страны. Идя по стопам деда, Улугбек также построил медресе во многих городах, принимая порой непосредственное участие в строительстве. Мударрисами медресе он назначал людей, знающих множество наук.

Наставником самого Улугбека был известнейший в те времена ученый Казизаде Румий. В Самарканд возратились многие ученые, покинувшие столицу Мовараунахра после смерти Темура.

В 1424–1428 годах по инициативе Улугбека близ Самарканда была построена известная всему миру обсерватория, откуда велись наблюдения за небесными светилами. Работавший в обсерватории Улугбека узбекский математик Гиясиддин Джамшид Ал Каший первым в мире в XV веке создал дробные числа.

Улугбек Мирзо и сам был известным ученым в области астрономии, математики, тригонометрии, сделавшим немало открытий в этих науках. В 1437 году он написал всемирно известный труд "Зижи жадиди Курагоний", в котором определил местоположение 1018 звёзд. Им написано множество книг по математике, тригонометрии, истории. В Самарканде действовала академия Улугбека, где работали самые известные ученые, поэты и литературоведы Востока.

Интерес к знаниям и наукам у Улугбека был наследственной чертой. Его отец Шохрух Мирзо также интересовался науками, был книголюбом и позволял сыну с раннего возраста вдоволь пользоваться библиотекой, собранной в столице империи. При Улугбеке Самарканд расцвел и в архитектурном плане.

Следующий расцвет культуры в Мовараунахре падает на период правления темурида Хусейна Байкара. На протяжении 30 лет, при своем мудром визире – гениальном поэте А.Навои он возвел немало памятников культуры и архитектуры. В столице его государства – Хирате – также, как при его великих предках, развивались науки, литература, живопись. Если при Хусейне Байкара в Хирате проживало двадцать тысяч населения, то только поэтов и поэтесс здесь насчитывалось триста человек.

Хират дал миру множество всемирно известных поэтов, музыкантов, художников, среди которых самыми знаменитыми сегодня являются поэт Алишер Навои и миниатюрист Камалиддин Бехзод.

ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, ўз икрому ҳурматини унга изҳор этарди. Уларга нисбатан ўз мурувватн бисотини ёярди... Улар билан мазмунли баҳс ҳам юритар эдики, бу баҳсида инсофу ҳишмат бўларди». Яна шу нарса диққатга сазоворки, «Темур тузуклари»да ёзилишича, салтанат саройида ўрин олиш қоидаларига кўра, саройдаги расмий маросимларда, яъни подшонинг олий мажлисларида уламо, фузало, машойихлар, саййидлар, қозилар улуғ Соҳибқироннинг ўнг тарафидан ўрин олганлар. Ушбу далил ҳам Амир Темурнинг илм, дин аҳлига бўлган беқиёс ҳурматидан дарак беради.

Ўзга юртлардан келган олим ва шоирларга Амир Темур жуда катта саховат кўрсатган. Бу ҳақда Херман Вамбери асарида яна қуйидаги сатрларни учратамиз: «Темурнинг ҳимоя ва мурувватидан фойдаланган ажнабий уламо ва шоирларнинг сони ҳам аҳамиятсиз эмас эди... Мовароуннаҳрга ўзи олиб келганларининг ҳаммасига Соҳибқирон жувонмардона инъом ва эҳсон қилур эди. Истеъдодли бўлганлар, масалан, энг буюк қомусий, арабий ёзувчи Жазирий катта мансаб олди. Нишопур, Бағдод, Марв, Хоразмнинг уламо ва мударрислари Бухоро, Самарқанд ва Кеш мадрасаларида илгарида бўлганидан ортиқ маош ва белгиланган иш ҳаки олдилар».

Академик Иброҳим Мўминов ўзининг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» асарида тарихий манбаларга суянган ҳолда, бу тўғрида шундай деб ёзган: «Темурнинг хислатларидан бири шу эдики, у бирор масалани ҳал этишдан олдин шу соҳанинг билимдон одамлари, олимлари билан маслаҳатлашар, сўнг аниқ қарор қабул қилар эди. Унинг олимлар билан қиладиган маслаҳатлари ҳар хил даражада ва турли шаклларда бўларди. Одатда, Амир Темур тиббиёт, математика, астрономия, тарих фанлари вакиллари, адабиёт, тилшунослик илми намояндалари, шунингдек, теология ва дин соҳасидаги машҳур одамлар билан шахсий суҳбатлар ўтказарди. Бу суҳбатларда ҳаётнинг муҳим масалалари тўғрисида, Мовароуннаҳр ва Хоразмдан ташқари, Олтин ҳамда Оқ Ўрдаларни, Хуросон, Ҳиндистон, Эрон, Ирок, Туркия, шунингдек, бутун мағрибни ўз ичига олган подшоликка оид ишлар ҳақида гап борарди».

Амир Темур вафотидан кейин Самарқандда тарбия топаётган истеъдодлар тарқалиб кетишди. 1411 йилдан Мовароуннаҳрнинг ҳукмдори бўлган Мирзо Улуғбек барча ўзига таниш олимларни саройга тўплаган. Тез орада юзга яқин олиму фозилни Мирзо Улуғбек ўз паноҳига олди. Олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг кўлами ва салмоғи, эришилган ютуқлар ва кашфиётлар Мирзо Улуғбек ҳузурида аниқ фанлар академияси ташкил этилганлигидан гувоҳлик беради.

Амир Темур ҳамда унинг ворислари даврида мамлакат ободонлиги ва илм-фан тараққиёти ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилди.

Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги йиллари Самарқанд йирик маданий ва илм-фан марказига айланди. Мирзо Улуғбек истеъдодлар тарбияси учун қайғурди. Буюк бобоси йўлидан бориб, Самарқанд, Бухоро, Ғиждувон ва бошқа шаҳарларда мадрасалар қурдирди. Самарқанд мадрасаси қурилишида Улуғбекнинг ўзи бевосита қатнашган эди.

Муаррих Зайниддин Восифийнинг ёзишича, мадраса қурилиши охирлаб қолганда усталар Мирзо Улуғбекдан бу мадрасага ким мударрис бўлади, деб сўраганлар. Мирзо Улуғбек: «Ким барча фанлардан устоз бўлса, шу мударрис бўлиши мумкин», деб жавоб берган. Шу аснода қурувчилар орасидан бир киши чиқиб: «Мадрасага мен мударрис бўламан!» деган. Уни Мирзо Улуғбек ва унинг ёнидаги олимлар фаннинг турли соҳаларидан саволга тутганлар. У эса барча саволларга тўла ва мазмунли жавоб қайтарган. Шундан сўнг, Мирзо Улуғбек фармонига мувофиқ, у Самарқанд мадрасасига мударрис этиб тайинланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Халқнинг оддий қатламидан чиққан бу олим ва донишманд киши Мавлоно Муҳаммад Хавофий эди.

Мирзо Улуғбекнинг устози замон Афлотуни Салоҳиддин Мусо ибн Маҳмуд Қозизода Румий эди. Мирзо Улуғбек ундан илми фалакиётни ўрганди. Алломанинг маслаҳати билан Соҳибқирон вафотидан кейин кетиб қолган Ғиёсиддин Жамшид ибн Масъуд, Мавлоно Муъиниддинларни Самарқандга олиб келтирди.

Мирзо Улуғбек саъй-ҳаракати билан 1424–1428 йилларда Самарқанд яқинидаги Кўҳак тепалиги бағрида жаҳонга машҳур расадхона қурилди. Фалакиёт илми бўйича кузатиш ишлари 1417–1420 йилларда қурилган Улуғбек мадрасаси ҳужраларидан бирида олиб борилган.

Тарихдан бизга маълумки, дунёда биринчи ҳисоблаш маркази Самарқанд шаҳрида Мирзо Улуғбек раҳбарлигида қурилган. XV асрда Мирзо Улуғбекнинг машҳур расадхонасида ишлаган ўзбек математиги Ғиёсиддин Жамшид ал-Коший биринчи бўлиб ўнли касрларни яратган. Фақат ундан 175 йил кейин Европада Симон Стевин кашф қилган.

Мирзо Улуғбек мамлакатни обод этиш, халқ таълими ва илм-фан тараққиётига эътибор беришда буюк бобоси Соҳибқироннинг эзгу ишларини давом эттирди.

Мирзо Улуғбек ҳукмдорлар орасида буюк олим, олимлар орасида улуғ аллома эди. У риёзиёт, фалакиёт, ҳандаса ва тарих фанларида ўзининг буюк кашфиётлари билан жаҳон маданияти тарихида ўчмас из қолдирди. У 1437 йилда жаҳонга машҳур асари – «Зижи жадиди Кўрагоний»ни ёзди. Унда 1018 юлдуз мавқеи аниқланган. «Зижи жадиди Кўрагоний» кириш, назарий қисм, кузатишлар асосида тузилган жадваллардан иборат. Унинг биринчи китоби эралар ва тақвим тарихига, иккинчи китоби математика ва илми фалакиёт, учинчи китоби тригонометрик жадвалларга бағишланган.

Умуман, фалакиёт билимларига қизиқиш Мирзо Улуғбекка наслий йўл билан ўтган ва у кейинчалик жаҳоннинг машҳур астроном олими бўлиб етишди. Улуғбекнинг отаси Шоҳрух Мирзо ҳам китобга қизиқувчан бўлганлиги учун билим ғазнасидан Улуғбек истаганича фойдаланиб, маълумотини такомилга етказган.

Мирзо Улуғбек Мавлоно Аҳмад, Қозизода Румий каби математик, астроном олимларнинг бевосита таъсирида илм чўққиси сари интилиб, замонасининг буюк донишманд олими бўлиб етишди.

Унинг даврида Самарқанд шаҳри илм-фан ва маданият марказига айланди. Мирзо Улуғбек академиясида йирик математик ва астроном Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Али Қушчи, Саййид Имодиддин, Муҳаммад Хавофий, Ҳасан Чалабий ибн Мусо, Мансур ибн Муъиниддин Коший, муфассир ва тиб илми билимдони Бурҳониддин Нафис ибн Аваз Кирмоний, шоирлардан Лутфий, Саккокий, Хиёлий, Исматулло Бухорий, йирик адабиётшунос Хожа Фазлуллоҳ Абдуллайслар ижод қилганлар.

Мирзо Улуғбек Самарқандни бутун мусулмон оламининг илмий тафаккур марказига айлантирди. Унинг бевосита саъй-ҳаракатлари ва ғамхўрлиги туфайли Самарқандда турли ўлкалардан ҳар хил фан соҳаларининг мутахассис олимларидан юздан ортиқ киши тўпланганди.

Ҳусайн Бойқаро тахтни эгаллагач, 30 йиллик нисбатан тинч даврда маданият, фан, меъморчилик соҳасида Ҳазрат Навоийнинг маслаҳатлари билан буюк ишларни амалга оширди. Бу даврда таниқли олимлар, адиблар, меъморлар камол топдилар. Султонали Машҳадий, Абдулла Хотифий, Мирхонд, Бадриддин Ҳилолий, Камолиддин Биноий каби адиблар ва олимларнинг номларини эслатиб ўтиш кифоядир.

Хуллас, тарихга назар солинса, аждодларнинг буюк ижодкорлик фаолияти авлодларда давом этганлиги яққол кўзга ташланади.

Sohibkiran extremely esteemed representatives of religion and science, placed them above other people, showed them all honour and supported them financially. The book «Timur's Rules» marks that at high assemblies he placed people of this rank on the right side from himself and stated his respect to them.

According to Herman Vamberi's description, Amir-Timur presented foreign poets and scientists with gifts as well. For example, the great Arabian scientist and encyclopaedist Zhaziry held a high post in the state of Timur.

Academician Ibrahim Muminov in his studies about Amir-Timur also marks that Sohibkiran always consulted with experts of the appropriate area of science when taking decisions of national importance. He liked to talk with representatives of different sciences about the world arrangement and situations in various countries of that time.

French orientalist L. Lyangle also mentions in his studies about the sovereign's favour to sciences. He marks that Timur was not only the expert in sciences but also the emotional and understanding person who win over the hearts of scientists. During conversations with scientists and poets he would frequently go down from his throne and come closer to them.

After Amir-Timur's death many young scientists studying in Samarkand parted away.

Mirzo Ulugbek, Amir-Timur's grandson, succeeded to a throne in 1411. Blossoming of science and culture also marked the period of his reign. Having strengthened his power, he collected all known scientists and theologians around himself. They were about hundred people.

During Ulugbek's reign Samarkand has turned to the large political and cultural center of the state. Ulugbek also constructed many madrasah in many cities, at times taking direct participation in construction. He appointed people knowing set of sciences as medrese *mudarris* (director).

A famous in those times scientist Kazizade Rumy was an instructor for Ulugbek himself. Many scientists who left the capital of Movaraunnahr after Timur's death were invited back to Samarkand.

In 1424-1428, under Ulugbek's initiative the world-renowned observatory was constructed near Samarkand, whence the supervision over heavenly bodies was conducted from. The history says that the first-ever computer center was open in Samarkand. Uzbek mathematics Ghijasiddin Dzhamshid Al Kashy, who worked in Ulugbek's observatory, was the first person to create fractional numbers in the 15th century.

Mirzo Ulugbek himself was a known scientist in the field of astronomy, mathematics, trigonometry, and made a lot of discoveries in these sciences. In 1437 he wrote the world famous work «Zizhi zhadidi Kuragony», in which he determined location of 1018 stars. He wrote a number of books in mathematics, trigonometry, and history. Ulugbek's Academy, where the most known scientists, poets and literary critics of the East worked, operated in Samarkand.

Ulugbek's interest to knowledge and sciences was hereditary. His father, Shohruh Mirzo, also was interested in sciences, was the bibliophile and allowed his son from early age to widely use the library collected in the capital of the empire.During Ulugbek's reign Samarkand was blossoming in the architectural plan, too.

The following blossoming of culture in Movaraunnahr happens in the period of Timurid Husein Baikara's reign. Over 30 years, he erected many monuments of culture and architecture at the wise sight of his vizier, ingenious poet Navoi. Sciences, literature, and painting also developed in the capital of his state, Hirat, as at times of his great ancestors. During Husein Baikara's reign twenty thousand people lived in Hirat, and among them there were about three hundred poets and poetesses only.

Hirat has given to the world many world famous poets, musicians, artists, among which the most well known today are poet Alisher Navoi and miniaturist Kamaliddin Behzod.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ПАМЯТЬ О ЧЕЛОВЕКЕ ДОРОГА

Иногда память о человеке может влиять на наше мышление, чувства и поступки сильнее, чем сам живой человек.

Вспоминая Хамида Сулаймана, мы представляем себе человека с горячим сердцем, самоотверженного, неравнодушного. Этот веселый и остроумный человек был другом и мудрым собеседником моего отца – поэта Акмаля Пулата. Смысл их бесед, уровень научного таланта, широту взглядов, патриотизм Хамида Сулаймана я оценила много лет спустя. Несмотря на тяжелую судьбу, он сохранил сердечность к людям, верность национальным интересам.

Хамид Сулайман родился в 1911 году в Ташкенте в махалле Камалон. Его отец Сулайман Ходжаев был одним из организаторов узбекского кино, участвовал в создании первого национального фильма "Шакалы Равата".

В одноименной статье Абдуллы Кадыри об этом фильме, напечатанной в газете "Кизил Узбекистон" (ныне "Ўзбекистон овози") за 28 апреля 1927 года, автор положительно отзывается об актёрском мастерстве Сулаймана Ходжаева. В фильме 1933 года "Перед рассветом" он выступает как автор, режиссёр и исполнитель главной роли.

В 1934 году, после гибели Кирова, Сулайман Ходжаев был репрессирован как "участник покушения на жизнь Кирова". Родственники долгие годы ничего не знали о его судьбе. О его расстреле в лагерях они узнали лишь в 1943 году.

В 1929–1932 годах, до того, как он получил клеймо "сын врага народа", Хамид учился вместе с отцом в Москве, в Институте кинематографии, отец на режиссёрском факультете, Хамид Сулайман – на кинооператорском.

В 1935 году в Ташкентском Государственном педагогическом институте Хамид Сулайман начал преподавать западноевропейскую литературу.

В 1947 году его послали учится в аспирантуру Ленинградского Государственного университета. Хамида Сулаймана всегда интересовало творчество Алишера Навои, он начал изучать богатый рукописный фонд в библиотеках Ленинградского Института востоковедения и в Государственной библиотеке имени Салтыкова-Щедрина. Но он не мог посвятить всё своё время изучению наследия Навои, так как это грозило клеймом "националист". Поэтому он защитил кандидатскую диссертацию по западноевропейской литературе на тему "Новеллы Мериме".

Однако Хамид Сулайман не избежал участи своего отца. Репрессии 1950-х годов коснулись и его, он был приговорен к 25 годам тюрьмы и содержался в Чунской тюрьме на Дальнем Востоке.

После смерти "вождя народов" – Сталина, наряду с тысячами политических заключенных он был освобождён и вернулся на родину. Остаток своей жизни ученый посвятил изучению истории культуры узбекского народа, поискам редких рукописей, и особенно восстановлению литературного наследия Алишера Навои, организации возвращения его рукописей на родину. Он отдал этому все свои силы, талант и жизнь, отыскивая рукописные фонды и отдельные рукописи в государственных и частных библиотеках Афганистана, Франции, Англии, Индии, делал с них фотокопии и микрофильмы, и сосредоточил всё это в Институте рукописей Узбекистана.

По инициативе Хамида Сулаймана сделаны описания сотен книг, относящихся к классике узбекской литературы. К их числу можно отнести рукописи Хафиза Хорезми, Волана Догистони, Саиба Табризи, Камрона, Саида Косимий, Бобура и многих других, хранящихся на микропленке и содержащих тысячи цветных рисунков.

Он собрал, систематизировал и передал в фонды института архивы многих известных писателей, подготовил открытие дома-музея Хамида Алимжана в Джизаке, Музея литературы в Андижане, дома-музея Садриддина Айни в Самарканде.

Хамид Сулайман был передовым человеком своего времени, целью его жизни было развитие национальной культуры.

ИНСОН ХОТИРАСИ – АЗИЗ

Севара ПЎЛАТОВА

Инсон хотираси фикрлаш тарзимизга, орзу-умидларимиз йўналишига ва хатти-ҳаракатларимизга инсон ҳаётлиги вақтидагидан ҳам кўра кучлироқ, билвосита таъсир кўрсатиши мумкин.

Зеро, Ҳамид Сулаймон номини тилга олганимда кўз ўнгимда қалби қуёш, фидойи, жафокаш инсон гавдаланади. Ҳамиша қувноқ, ўта ҳазилкаш бу инсон дадам – шоир Акмал Пўлат билан дўст, самимий сухбатдош эдилар. Уларнинг суҳбатлари мазмун-моҳиятини, Ҳамид аканинг олимлик салоҳиятини, бағрикенглигини, миллатпарварлигини анча йиллар ўтгандан кейингина баҳолай олдим. Буюк қалб соҳиби бўлган бу инсон кўплаб ноҳақликларга учраганига қарамай, одамларга нисбатан меҳрини, миллат тараққиёти йўлида фидойилигини сақлай олди.

Ҳамид Сулаймон 1911 йили Тошкентнинг Камолон маҳалласида таваллуд топган. Оталари Сулаймон Хўжаев ўзбек киносининг биринчи ташкилотчиларидан бўлиб, дастлабки «Равот қашқирлари» миллий фильмини яратишда иштирок этганлар.

1927 йил 28 апрелда «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида босилиб чиққан «Равот қашқирлари» номли мақола муаллифи Абдулла Қодирий мактовига сазовор бўлган актёр айнан Сулаймон Хўжаев бўлди. У 1933 йилда олинган «Тонг олдида» фильмида эса, бир вақтнинг ўзида ҳам муаллифлик, ҳам режиссёрлик қилиш билан бирга, бош ролни ижро этди.

1934 йилда Киров отилгандан сўнг, «Кировнинг ўлимини тайёрлашда иштирок этган», деган айблов билан истеъдодли санъаткор қамоққа олинган. Узоқ вақт унинг қисмати яқинлари учун қоронғи бўлиб қолди. Фақат 1943 йили Сулаймон Хўжаевни «Малик» совхозидаги лагерда далада ишлаб турган жойидан чақириб олиб, отиб ташлаганликлари маълум бўлди.

Ҳамид Сулаймон «халқ душманининг ўғли» тамғасини олгунга қадар, яъни 1929–1932 йиллари отаси билан Москва Давлат кинематография институтида (отаси режиссёрлик, Ҳамид Сулаймон эса кинооператорлик факультетида) таҳсил олган эди.

1935 йили Ҳамид Сулаймон Тошкент Давлат педагогика институтида Ғарбий Европа адабиёти бўйича иш бошлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1947 йилда уни Санкт-Петербург (собиқ Ленинград) Давлат университетига ўқишга юборишади. Ҳамид Сулаймон умр бўйи Алишер Навоий ижодига катта қизиқиш билан қаради. Шунинг учун Санкт-Петербургдаги Шарқшунослик институти кутубхонасида ҳамда Салтиков-Шчедрин номли Давлат халқ кутубхонасининг бой қўлёзмалар фондида соатлаб ишлади. Лекин бу йилларда Ҳамид Сулаймон навоийшунослик билан шуғулланиш имкониятига эга эмас эди. Акс ҳолда, «халқ душманининг ўғли»га яна «миллатчи» тамғаси қўйилиши тайин эди. Шу сабабдан ҳам Ҳамид Сулаймон Ғарб адабиёти бўйича илмий тадқиқот олиб бориб, «Мериме новелласи» (XIX аср бошида) мавзуида фан номзодлигини ҳимоя қилади.

Таассуфлар бўлсинким, ўз даврида Ҳамид Сулаймоннинг отасини элидан, элини истеъдодли фарзанди меҳридан бебаҳра қилган қисмат уни ҳам четлаб ўтмади.

1950 йилларнинг бошидаги навбатдаги қатағон Ҳамид Сулаймонни ҳам ўз домига тортиб, у қамоққа олинди ва 25 йилга ҳукм қилинди. Олим Узоқ Шарқдаги Чуна қамоқхонасига юборилди.

«Доҳий» Сталин вафотидан сўнг мамлакатда бошланган сиёсий жараёнлар натижасида озод бўлган минглаб сиёсий маҳбуслар қаторида Ҳамид Сулаймон ҳам ўз юртига қайтди. Олим бундан кейинги бутун ҳаётини ўзбек халқи маданиятининг тарихини ўрганишга, унга оид нодир қўлёзмаларни ахтариб топишга, айниқса, буюк бобомиз Алишер Навоий ижодига оид адабий меросни тиклаш ва юртимизга қайтариш ишларини ташкил қилишга бағишлади. Бу йўлда у бор кучини, иқтидорини, умрини сарфлади.

Олим, аввало маданиятимиз тарихига оид Афғонистон, Франция, Англия, Ҳиндистондаги қўлёзма фондлари ва шахсий кутубхоналарда сақланаётган қўлёзмаларни излаб топиб, уларнинг микрофильмлари ва фотонусхаларини Қўлёзмалар институтида жамлади.

Ҳамид Сулаймоннинг ташаббуси билан адабиётимизга алоқадор юзлаб қўлёзмаларга тавсиф берилди. Ҳофиз Хоразмий девони, Волан Доғистоний тазкираси, Соиб Табризий куллиёти, Комрон девони, ҳалигача фанга номаълум бўлган XV аср ўзбек шоири Саид Қосимийнинг маснавийлар тўплами, Бобур девонининг ноёб қўлёзмаси микрофильмлари, расмларнинг мингга яқин рангли суратлари юртимизга қайтарилди.

Ўзбек ёзувчиларининг архивларини тўплаш, ўрганиш, ўтмишдан қолган қўлёзма меросни халқ орасидан излаб топиб, институт мулкига айлантиришга, шунингдек, Жиззахда Ҳамид Олимжон уй-музейини, Андижон Адабиёт музейини, Самарқандда Садриддин Айний уй-музейини ишга туширишга бошчилик қилдилар.

Ҳамид Сулаймон ўз даврининг илғор одами эди. Бой маданий меросимизни тиклаш, миллий маданиятимизнинг ривожига муносиб ҳисса қўшиш олим ҳаётининг мазмунига айланган эди.

Чархий домла Ҳамид Сулаймон ҳақида шундай мисралар битган эдилар:

«Сарф айлаб ҳаётин илм-фанга,
Кетди орадан ажойиб инсон.
Қолдирди жаҳонга яхши номин
Алломайи азиз Ҳамид Сулаймон».

Устоз шоирнинг ушбу сатрлари буюк олим ўзи «Инсон дунёга келишининг асл моҳияти ҳам яхши ном қолдиришдир», деб айтган сўзларига умр бўйи оғишмай амал қилиб келганлигининг далилидир.

DEAR REMEMBRANCE OF THE PERSON

Remembrance of a man can affect our thinking, feelings and deeds stronger than a person himself.

Recollecting Khamid Sulaiman, we imagine a person with a good heart, self-denying, not indifferent. This cheerful and witty person was a friend and wise interlocutor of my father, poet Akmal Pulat. Only many years later I realized the meaning of their conversations, a level of scientific talent, a width of views, and patriotism of Khamid Sulaiman. In spite of his hard destiny, he kept cordiality to people and devotion to the national interests.

Khamid Sulaiman was born in 1911 in makhallya Kamalon, Tashkent. His father, Sulaiman Hodzhaev, was one of the organizers of the Uzbek cinema and participated in creating the first national film "Jackals of Ravat".

In Abdullah Kadyri's same-named article about this film, printed in the newspaper "Kizil Uzbekiston" (nowadays "Uzbekiston ovozi") dated April 28, 1927, the author positively speaks of Sulaiman Hodzhaev's actor skill. In the film of 1933 "Before dawn" he participated as the author, director and featured actor.

In 1934, after Kirov's death, Sulaiman Hodzhaev was subjected to repression as "a participant of attempt at Kirov"s life". For long years his relatives knew nothing about his destiny. Only in 1943 they learned about his execution in camps.

Before getting the stigma of "a son of the enemy of peoples", Khamid had been studying together with his father, i.e. in 1929-1932 in Moscow in the Institute of Cinematography: his father studied film directing, while Khamid Sulaiman studied at film-camera faculty.

In 1935 Khamid Sulaiman started teaching the West-European literature in the Tashkent State Pedagogical Institute.

In 1947 he was sent to the Leningrad State University to conduct his postgraduate study. Khamid Sulaiman was always interested in Alisher Navoi's creativity. He started studying the rich hand-written fund in libraries of the Leningrad Institute for Oriental Studies and in the State Library under the name of Saltykov-Schedrin. But he could not devote all his time to studying the heritage of Navoi as it threatened him with a stigma «nationalist». Therefore he defended his master's thesis on the West-European literature on the theme "Merimee"s Short Stories".

However, Khamid Sulaiman did not avoid the destiny of his father. Repressions of 1950s touched him, too, and he was sentenced to 25 years of prison and was kept in Chunskaya prison in the Far East.

After death of "the leader of peoples", Stalin, together with thousand political prisoners, he was released and returned home. The scientist devoted the rest of his life to studying the history of the culture of Uzbek people, to finding rare manuscripts, and especially to restoring the literary heritage of Alisher Navoi, to the organization of returning of his manuscripts back home. He gave all his forces, talent and life to this purpose.

He found hand-written funds and separate manuscripts in the state and private libraries of Afghanistan, France, England, India, and made their photocopies and microfilms and collected all these in the Institute of Manuscripts of Uzbekistan.

Descriptions of hundreds of the books concerning the classics of the Uzbek literature were made under Khamid Sulaiman's initiative. They included the manuscripts of Hafiz Khorezmy, Volan Dogistoni, Saib Tabrizi, Kamron, Said Kosimy, Babur and many others, stored on microfilms and containing thousands of color illustrations.

He collected, systematized and gave to the funds of the Institute the archives of many known writers, and also of openings of the house-museum of Khamid Alimzhan in Dzhizzak, of the Museum of Literature in Andizhan, of the house-museum of Sadriddin Aini in Samarkand.

Khamid Sulaiman was a progressive person of his time; the purpose of his life was development of the national culture.

www.ziyouz.com kutubxonasi



Ўзбекистон араблари

Рустам РАЖАБОВ

Арабларнинг ўлкамизда ўтроқлашиши VII асрнинг ўрталаридан бошланган ва уларга ислом дини тарафдорлари, Муҳаммад пайғамбарнинг қавмдошлари, деб қаралган. Бироқ тарихий-этнографик изланишлар айрим араблар бутпараст, политеист бўлганидан хабар беради.

М.С.Андреев 20-йилларда Самарқанд араблари ўртасида этнографик кузатишлар ўтказиб, Арабхона (Каттақўрғон тумани) арабларининг айрим гуруҳлари бутпараст ва ўчоққа сиғинишларини аниқлаган. Маҳаллий аҳоли уларни "қўғирчоққа сиғинадиганлар" ёки "қўғирчоқпарастлар" деб атаган.

Аёл шаклидаги бутнинг исмини Беҳиштбиби, Бибиой, Бубушой, Бубу Айш ва Биби Ойша деб аташган. Беҳиштбиби (жаннат маликаси) ва эр саналмиш Ирданавик (Эрдонабек бўлса керак) исмлари бу маъбудларнинг қадимги маҳаллий эътиқодлардан келиб чиққанини кўрсатади. Агар аёл маъбуданинг исми Биби Ойша бўлса, бу тоифанинг араблардан келиб чиққани аён бўлади.

Арабларда бўлган ўша бутлар оқимтирроқ, ўхшовсиз йўнилган бўлиб, безаклари ҳам кўримсиз, катталиги бир қаричдан сал зиёдароқ бўлган. Ҳар иккала бут ҳам одамнинг бор бўйини акс эттирадиган тарзда тарошланган. Иккаласи ҳам оқ рангли либосда, Ирданавикнинг бошида салла ҳам бўлган. Биби Беҳишт кўксига турли тақинчоқлар тақиб, бошига соч ёпиштириб қўйилган, ҳатто дўппи кийгизилган.

Ўрта Осиёнинг туркий халқларида бўлгани каби, арабларда ҳам ўтган аждодлар руҳи мусаллам тутилади. Шунингдек, улар орасида ўчоққа сиғиниш – оташпарастлик ҳам мавжуд. Унинг излари ҳозиргача сақланиб қолган. Масалан, Қашқадарё, Самарқанд, Хоразм арабларида келин биринчи бор куёв уйига қадам босар экан, уйдаги ўчоққа таъзим ("ўчоққа салом") бажо келтиради. Шунингдек, арабларда арвоҳларга атаб пилик ёқиш одати ҳам учрайди. Одатда, бу пайшанба (жума) ва душанба (якшанба) оқшомида амалга оширилган. Пиликлар ўчоққа 3-5 донадан боғлам ёки 2-3 тахлам қилиб қўйиб чиқилган. Пиликлар қўйилаётганда уларнинг ҳар қайсиси қайси арвоҳга аталаётгани айтилган. Табиийки, оташпарастлар ўз эътиқодларини сир тутганлар.

Бухоро вилоятидаги Арабхона, Чувиллоқ ва Боғли қишлоқларида ҳам 60 га яқин араб уйлари битта ўчоққа топиниб келганлари аниқланган. Муқаддас ўчоқ эса Боғли қишлоғида бўлган. У очиқ жойда, ўт ёқиладиган одатдаги ўчоқ бўлиб, бошқаларидан ажралиб туриши учун унча баланд бўлмаган пахса девор билан ўраб қўйилган.

АРАБЫ УЗБЕКИСТАНА

Первые заселения арабов на территории нашего края относятся к середине VII века. На протяжении многих веков среди местного населения укоренилось мнение, что местные арабы являются соплеменниками пророка Мухаммада (С.А.В.). Однако историко-этнографические исследования показывают, что некоторые из них были идолопоклонниками, политеистами.

В результате этнографического исследования в Самарканде в 20-е годы прошлого столетия М.С.Андреевым было установлено, что часть жителей кишлака Арабхана (Каттакурганский район) поклоняются идолам и очагу. Местное население называло их "поклонниками кукол" или "куклопоклонниками". Лишь радикальные мусульмане, преследуя их, называли "идолопоклонниками".

Идола в образе женщины именовали Бехиштбиби (ангел рая), Бибиой, Бубушой, Бубу Аийш, Биби Ойша. Последнее имя свидетельствует об арабском происхождении идолопоклонников. Идола в образе мужчины называли Ирданавик.

Идолы походили на невзрачных кукол в белых одеяниях, выструганных размером 20-30 см. в виде стоящего человека. На голове Ирданавика – чалма, на шее Бехиштбиби – бусы, на голове имеются волосы и даже одета тюбетейка.

Поклонение очагу – огню сохранилось до сих пор. Например, у кашкадарьинских, самаркандских, хорезмских арабов, когда невеста впервые переступает порог дома жениха, её сначала подводят на поклон к очагу.

Арабы, как и тюркские народы Средней Азии, чтят души умерших. Исследователь Е.М.Пещерова наблюдала в Ташкенте, как в честь духа умерших вокруг очага зажигали фитили – лампадки. Это обычно происходило в месяц рамазан. Такую же традицию соблюдают местные арабы. Они зажигают фитили в ночь с четверга на пятницу и в ночь с воскресенья на понедельник. Фитили ставятся по 3-5 штук или по 2-3 связки. Каждый фитиль зажигается в честь определенной души.

Около 60 домов в кишлаках Арабхана, Чувиллок, Богли в Бухарской области поклонялись одному очагу, расположенному в кишлаке Богли, который стоял в открытой местности, представлял собой обычный очаг, но чтобы он выделялся, был окружен невысокой оградой (дувалом). Там обычно справляли другие ритуалы. Местные арабы не помнят, с какого времени существует обычай поклонения очагу. Арабы кишлака Кок (Самаркандская область) поклоняются также трём камням, лежащим в пустынной местности. Над ними водружён даже стяг (туг). Эти камни называют "Нажмиддин ота".

У кашкадарьинских арабов поклонение огню проявляется в бытовых и других традициях. Например, при переезде в новый дом они сначала разжигают очаг и в каждую комнату вносят угольки, чтобы отогнать нечисть. Пепел считали священным – в него нельзя было плевать, бросать мусор и т.д. Возле кладбищ возводился очаг. Эти традиции сегодня широко не соблюдаются, но при кладбищах и местах поклонения всё же можно порой наблюдать строительство очагов.

В быту узбекских арабов наблюдаются элементы матриархата. Ближе считаются и почитаются родственники по материнской линии, а не отца. Ещё во времена пророка Мухаммада (С.А.В.) наследниками умершего считались не его дети, а дети его сестры. У арабов считалось, что человек больше перенимает свойства не отца, а дяди по материнской линии (брата матери). Жена дяди по

www.ziyouz.com kutubxonasi

Оташпарастлар ўчоққа қурбонлик ва назр-ниёз қилиш амалларини бошқариб бориш учун ораларидан ёши улуғ одамни сайлаб қўйганлар.

Помиролди қишлоқларида, масалан, Рушанда (Панж дарёсининг юқорисида) яшовчи араблар ва тожиклар мабодо, ўлатми ёки офат тарқалиб, одамлар кўплаб ўла бошласа, Туғбура Нахён мозорининг шайхи бошчилигида қизил рангли ҳўкизни қурбонлик учун танлаб, уни қишлоқ бўйлаб айлантириб чиқадилар. Ҳар бир уйнинг олдидан ўтиш чоғида эркагу аёллар ҳамда болалар ҳўкизнинг елкасига 3 мартадан қўл тегизиб, "Му бало дай те зуд", яъни «Менинг дардим сенга урсин», дейди. Сўнгра, ҳўкизни мозорга олиб бориб сўйиб, қонини ерга томизмасликка ҳаракат қилиб бир идишга соладилар ва мозор этагидаги жилғага тўкиб юборадилар. Ҳўкиз гўшти пишириб ейилади, аммо калла, қорин, ичак-човоқ ва суяклари терисига ўралиб, сувга оқизиб юборилади.

Таом еб бўлингач, шайх олдиндан тайёрлаб қўйилган учта ёки еттита пиликни ўчоқда ёқади. У ўчоқни айланиб, кафтларини пилик оловига уч марта тутиб, юзига фотиҳа тортади ва ўчоқ руҳига қарата: "Омин, касалга шифо бер", дейди. Қолганлар эса: "О айланайин, Ўчоқ бобо, садақангиз кетай", дейишади. Бошқа шундай маросимларда бўлганидек, оловга мой қуйилади. Аёл киши эса ўчоқни тавоф қилишдан олдин унга икки бор таъзим бажо этади.

Жейновлик (Қашқадарё) арабларда ҳам оловни муқаддас билиш одати бор. Масалан, улар янги уйга кўчиб ўтишдан олдин ўчоқ ёқиб ис чиқарадилар. Ҳар бир хонага чўғ олиб кириб инс-жинсларни қувган бўладилар. Жейновликлар кул, чўғ устига тупуриш ёки ахлат тўкишни гуноҳ деб билганлар. Араблар оловни инс-жинслардан сақловчи сеҳрга, кучга эга, деб қарашни маҳаллий аҳолидан қабул қилганлар. Муқаддас жойларда, мозорлар ёнида мудом ўчоқ бўлган. У нафақат қурбонлик қилинган молнинг гўштини пишириш, шу билан бирга, ўтганлар руҳини эслаб, уларни ёрдамга чақириш жойи ҳам ҳисобланган. Ҳозир бу урф-одатларга амал қилинмайди, бироқ ҳанузгача муқаддас жойлар ва қабристонлар ёнида ўчоқлар қурилишини кузатамиз.

Ўзбекистон арабларининг турмуш тарзида, оилавий ҳаётида авунқулот билан боғлиқ урф-одатлар сақланиб қолган. Авунқулот отасининг ака-укасига (амаки) қараганда, онасининг ака-укаси (тоға) билан мустаҳкам боғланишдир. Арабларда она томондан бўлган қариндошлар энг яқин хешлар саналади. Муҳаммад (САВ) даврларидаёқ вафот этган кишининг меросхўрлари унинг фарзандлари эмас, балки холанинг ўғил-қизлари бўлган. Арабларда киши ўз отасининг эмас, балки тоғасининг хислатларини ўзида кўпроқ гавдалантиради, деган қараш мавжуд бўлган. Жуғари араблари, "Амаки елка қариндош, тоға қорин қариндош", "Тоғанинг хотини она саналади. Агар отанинг укаси (акаси) ўлса, унинг бевасига уйланиш мумкин, кимки тоғанинг хотинини олгудек бўлса, икки дунёси ҳам куяди", дейдилар.

Бухоро вилоятидаги Вобкент тумани Арабхона қишлоғи арабларида бола туғилса, қариндош аёллар тўпланиб чақалоққа исм қўядиган одат бор. Ушбу араблар қавмида исм қўйиш аёллар иши, унга эркаклар аралашмайдилар.

Бухородаги араблар ўзаро қариндошлик ришталари билан боғланган, улар никоҳни ҳам фақат ўзаро тузадилар. Бу эса, уларда этник ўзига хосликни сақлаб қолиш омили бўлиб келади. Икки Арабон маҳалла гуруҳлари бошида араб оқсоқоллари туради. Улар маҳалладаги тўй, хатна ва таъзия маросимларини ўтказиш, сарф-харажатларни белгилаш, тарбия масалалари билан шуғулланадилар.

Теварак-атрофдаги аҳоли араблар урф-одатларида ўзига хос томонлар борлигини таъкидлашади. Масалан, таъзия маросимини олайлик. Дафн маросимида байт айтиб йиғлаш, қоракуя суртилган доирани жур-жур қилиш,

THE ARABS OF UZBEKISTAN

The first Arab settlements in the territory of our region date back to the middle of the 7th century. Over many centuries the local population formed an opinion that local Arabs are fellow tribesmen of the prophet Muhammad (S.A.V.). However the historical-ethnographic researches show that some of them were idolaters and polytheists.

As a result, the ethnographic researches conducted by M.S. Andreev in Samarkand in the 20ies of the last century established that some of the inhabitants of the kishlak Arabhan (the Kattakurgan region) worship idols and the fire. Local population named them "admirers of dolls" or «doll-admirers». Only radical Moslems pursuing them called them «idolaters».

According to the M. Andreev's data there were three idols, but now there are two. An idol in a shape of a man is «Irdanauuk» and a female idol is «Irdanvik».

An idol in a shape of a woman was also called: Behishtbibi (an angel of the paradise), Bibioj, Bubushoj, Bubu Aijsh, and Bibi Ojsha. The last name testifies to the Arabian origin of idolaters.

Idols resembled dolls, ordinary-looking in white attires, planed out in size of 20-30cm in the shape of a standing person. Irdanauuk had a turban on his head, Behishtbibi had beads on her neck, she had hair on her head and even *tjubetejka* (an embroidered skull-cap).

Worshiping the fire is followed till the present. For example, the Kashkadarya, Samarkand, and Khorezm Arabs, when a bride for the first time crosses the threshold of the groom's house, take her, first of all, to bow to the fireplace.

The Arabs, as well as Turkic peoples of Central Asia, honour the souls of the decedents. A researcher E.M. Peshcherova observed in Tashkent that wicks were lit around the fireplace in honour of spirits of the decedents. It usually happens in the month of Ramadan. The local Arabs follow the same tradition. They light the wicks in the nights between Thursday and Friday and between Sunday and Monday. The wicks are put 3-5 pieces together or 2-3 sheaves. Each wick is lit in honour of a certain soul.

About 60 houses in kishlaks Arabhan, Chuvillok, and Bogli in the Bukhara region worshipped one fireplace located in kishlak Bogli that stood in open area and represented the usual fireplace but was surrounded by low fencing (*duval*) to be distinguished. Other rituals were usually celebrated there. The local Arabs do not remember since what time the custom of worshiping the fire was found. The Arabs of the kishlak Kok (the Samarkand area) also worship the three stones lying in the deserted district. Even a banner (*toog*) is set up above them. These stones are called "Nazhmiddin ota".

The Kashkadarya Arabs express their worshiping the fire through family and other traditions. For example, when moving to a new house they at first kindle the fire and bring its pieces into each room to drive the evil spirits away. They respected ashes as sacred: nobody could spit in it, throw dust into it, etc. Fireplaces were erected near cemeteries. These traditions are not followed these days but, nevertheless, one sometimes can notice the fireplaces constructed near cemeteries and places of worshipping.

In life of the Uzbek Arabs some elements of matriarchy are present. Relatives from the mother's side are esteemed and considered closer than the relatives from the father's side. Even in days of the prophet Muhammad (S.A.V.), the successors of a dead person were not his children but children of his sister. The Arabs believed that a person mostly adopts characteristics not of his father but the uncle from his mother's line (the mother's brother). One's uncle's (on the mother line) wife is considered the second mother, and one can even marry the wife of the uncle (from the father side) in case of the uncle's death.

www.ziyouz.com kutubxonasi

"эвоҳэ", дейиш ўрнига "во уржин" деб такрорлаш одатдир.

Миллий урф-одатлар, айниқса, тўй маросимларида яққол акс этади.

Жейновда балоғат ёшига етган йигитни уйлантириш учун совчилар муносиб қиз топишга тушадилар. Совчилар топган қиз куёвга маъқул келса, илк ризолик нишонаси сифатида "ўғри патир" ва "оқлик" юборилади. Қиз томондан бир неча бор тўйга розилик олингач, "белги қилинди", деб аталувчи кичик маросим ўтказилади.

Фотиҳа тўйидан кейин қиз томон "қатлама қайтарди" маросимини ўтказади. Унда қайнотага жойнамоз ва сочиқ совға қилиниши шартдир. Тўй арафасида "Тўққиз юбориш" русуми ўтказилади. "Тўққиз юбориш"дан кейин келин куёв томонга тегишли ҳисобланади. "Тўққиз юбориш"га қадар бирор-бир сабаб билан томонлардан бири аҳдидан қайтса, у кечиримлик саналади. Аммо, "Тўққиз юбориш"дан кейин аҳддан қайтув ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Агар "Тўққиз юбориш"дан сўнг, дейлик, қиз тарафда бахтсизлик содир бўлса ҳам, қиз томон куёв томоннинг хоҳишига қарши боролмайди, яъни тўйни белгиланган муддатдан кечиктирмайди.

Келинни олиб келиш шундай амалга оширилади: дастлаб келин томон куёвникига саруполар жўнатади, унинг белини боғлаб, устидан сочқилар сочадилар. Келинга ажратилган хонани обдан безатадилар ва бу хонага қоровул аёлдан ташқари ҳеч кимни киритмайдилар. Ушбу кундан келин-куёв чилласи бошланган ҳисоб қилинади. Куёв томондан икки киши келинникига боради. Улар никоҳ ўқитиш ва вакил отани белгилаш топшириғини адо қиладилар. Никоҳ келин ва куёв томонда алоҳида ўқитилади. Келин олиб келингач, махсус тайёрланган хонада унинг олдига бир коса сув қўйилиб, никоҳ ўқилади. Турмуш қураётганларга никоҳ шартлари батафсил тушунтирилади. Куёвга келинни олти ой ёлғиз қолдирмаслик шарти юклатилади. Никоҳ ўқилаётганда аёллардан бири оқ қатим ўтказилган, ипининг охири тугилмаган игнани куёв тўнининг елка тарафидан тикаётган мисол ўтказиб туради. Бу келин-куёвнинг ҳаёт йўли оқ бўлсин, тақдирларига сира тугун тушмасин, деган рамзни ифода қилади.

Келин томонга юборилган кишилар келин ўтирган уйнинг деразасидан уч марта ота ваколатини кимга бериш зарурлигини сўрайдилар. Учинчи сўровдан сўнг келин ваколатни куёвнинг тоғаси ёки ёши улуғроқ энг яқин қариндошларидан бирига бағишлаганини билдиради. Оталик ваколатини олган киши келиннинг куёв тарафдаги ишончли одами бўлади, вакил ота зиммасида никоҳ мустаҳкамлиги масъулияти туради. У олти ой давомида никоҳ шартларига қандай амал қилинаётганини кузатиб боради.

Келин билан келаётган яқинлари, айниқса, аммалари шам ёки чироқ ушлаб келадилар. Куёвникида эса келин гулхан атрофида уч марта айлантирилади. Чилладан чиққунча келин хонасидаги чироқ кундузи ҳам ўчирилмайди.

Арабларнинг қадимий урф-одатлари тўйларда ҳамон учрайдиган ойнахалта, патхуржун, дастбона удумларида ҳам кўзга ташланади. Патхуржунга келиннинг либослари солинган. Эндиликда араблар ўзбекона сандиқлардан фойдаланишга одатланмоқдалар.

Юқоридагилардан маълум бўладики, Ўзбекистон араблари узоқ тарихий ривожланиш жараёнида ўлкамиз халқлари билан яқинлашиб, улардаги маълум бир тасаввурларни, урф-одатларни қабул қилган ҳолда ўзларининг қадимий анъаналарини, этномаданиятларини ҳам сақлаб келадилар.

материнской линии считается второй матерью, а вот на жене дяди по отцовской линии можно даже жениться в случае смерти дяди.

Например, в кишлаке Арабхана Вабкентского района Бухарской области давать имя новорожденному- прерогатива женщин, мужчины в это не вмешиваются.

Арабы Бухары связаны между собой узами родства, так как браки у них заключаются лишь в своём клане, что, очевидно, объясняется стремлением народа сохранить свою этническую самобытность.

Национальные традиции арабов особенно ярко проявляются на торжествах, связанных с женитьбой, и другими мероприятиями, когда оправляется множество самобытных обрядов, сохранившихся до сегодняшнего дня.

Как видим, арабы Узбекистана в результате многовекового развития сблизились с коренным народом, переняли некоторые его обычаи, но вместе с тем сохранили свои древние традиции и этнокультуру.

For example, in kishlak Arabhan of the Vabkent area of the Bukhara region women have prerogative to name newborns; men do not interfere in it.

Relationship ties bind the Bukhara Arabs to each other since they marry only their clan members, which is, obviously, explained by aspiration of the people to keep their ethnic originality.

The national traditions of the Arabs are especially brightly shown at celebrations connected with marriage and other actions when a lot of original ceremonies are carried out, many of which are kept up to the present.

As we can see, the Arabs of Uzbekistan, as a result of their centuries-old development, got closer with the aboriginal population, adopted some of their customs, and at the same time, kept their own ancient traditions and ethno-culture.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИДА ЯШОВЧИ ТУРКМАНЛАР ТАРИХИДАН

Нурулло ТУРСУНОВ

Ўзбекистонда кўплаб миллат ва элатлар яшайди. Шулардан бири туркманлардир. Статистик маълумотларга қараганда, Республика ҳудудида 121,6 минг туркман истиқомат қилади. Улардан бир қисми Сурхондарё вилоятида яшаб, аҳолининг 1,5 фоизини ташкил этади.

Туркманлар тили туркий тиллар оиласига мансуб бўлиб, этник жиҳатдан ўғизлар ҳисобланади. Ўғизларга яна Туркия, Озарбайжонда яшовчи турклар, тўғрироғи, Усмонли турклар ва гагаузлар киради.

Муаррих Марвазийнинг хабар беришича: ўғизларнинг бир қисми мусулмон қавмига киргач, туркманлар номини олган. Тарихий маълумотларга кўра, X асрда Сирдарё бўйларида Ўғизлар давлати ташкил топган. Бу давлатнинг пойтахти Янгикент шаҳри бўлган. XI аср ўртасида Шарқдан келган қипчоқлар Ўғизлар давлатини йўқ қилган. Натижада ўғизларнинг бир қисми ғарбда, славян давлатларида, бошқа қисми эса салжуқийлар Осиёни босиб олгач, ҳозирги Туркманистон ҳудудларида жойлашган. Шу тариқа Исломга ўтган ва маҳаллий аҳоли билан қоришиб кетган ўғизлар – туркманлар деб атала бошланган.

Муаррихлар Маҳмуд Кошғарий (XI), Рашидиддин (XIII–XIV), Абдулғози Баҳодирхон (XVII)ларнинг хабар беришича, ўғизлар 22 ёки 24 қабиладан иборат бўлган: чодир, чандир, елушли, ичдир, язир, самир, қорадошли, баёт, қайил, тутурга ва ҳ.к.

Салжуқийлар Сирдарёнинг қуйи оқимида асос солган давлат тепасида Салжуқбек деган одам ҳукмронлик қиларди. Салжуқбекнинг Тўғрулбек, Чағирбек, Шакарбек деган набиралари бу давлатни салтанат даражасигача кўтаришади. 1038–1039 йилларда салжуқийлар Қабодиён, Хутталон ва Термизни босиб оладилар ва фотиҳ Чағирбек бу ерларни ўғли Алп Арслонга беради. 1157 йилгача бу ҳудудлар салжуқийлар қўлида бўлган. Ушбу маълумотларга таянган ҳолда айта оламизки, XI–XII асрлардаёқ Амударё қирғоқларида, ҳозирги Сурхондарё ҳудудларида (жумладан, Паттакесар, Қоракамар, Каптархона) салжуқ туркманлари яшаганлар.

ИЗ ИСТОРИИ ТУРКМЕН ЮГА УЗБЕКИСТАНА

Узбекистан - многонациональная республика. По статистическим данным в республике проживают около 121,6 тыс. туркмен. Одной из зон их расселения является Сурхандарьинская область.

Туркмены относятся к туркоязычным группам языков и считаются этническими огузами.

По данным историков Махмуда Кашгари (XI в.), Рашид-Дина(XIII–XIV), Абдулгази Баходирхана (XVII в.), огузы состояли из 22 или 24 племен: Човдир, Чандир, Елушли, Ичдир, Язир, Самир, Корадошли, Баёт, Кайи, Тутурга и др.

Во главе салжукийского государства, основанного в нижнем течении Сырдарьи, стоял некий Салжукбек. Его внуки Тугрулбек, Чагирбек, Шакарбек превратили это государство в империю. В 1038–1039 годы салжукий Чагирбек подчинил Кабадиён, Хутталон, Термез и отдал эти земли своему сыну Алп-Арслану. До 1157 года эти территории были в руках салжукийцев. Опираясь на эти данные, можем утверждать, что еще в XI–XII веках на берегах Амударьи, в частности, на территории нынешней Сурхандарьи (например, Паттакесар, Коракамар, Каптархана) проживали салжукийские туркмены.

Некоторые ученые утверждают, что туркмены пришли в Сурхандарью в середине XIX века. Такого же мнения придерживалась Б.Х.Кармышева. Но исторические данные об империи салжукийцев подтверждают наше мнение.

По переписи населения 1926 года считалось, что на побережье Амударьи имеются 12 туркменских сел. И проживали в этих селах 3825 туркмен, из них 1190 человек относились к роду сарык, 1015-к эрсари и 1620-к роду шейх. Крупными сёлами являются Паттакесар, Учтут, Коракамар, Катта Жуйжангар. В Паттакесаре в основном проживают шейхи, в Коракамаре – эрсари, в Учтуте – род гуломи. Туркмены проживают в Музрабадском, Ангорском, Термезском, Джаркурганском районах. По историческим данным, до недавнего времени шейхами мавзолея Ат-Термези были туркмены.

При подготовке статьи автор встречался со старейшинами туркмен. Стало ясно, что нынешние туркмены – потомки рода эрсари, шейх и сарик. Например, туркмены, проживающие в хозяйстве "Дустлик" Термезского района, относятся к роду эрсари и делятся на такие этнические группы, как чойи, эпач, мукри, хужанбоз. А туркмены, проживающие в хозяйстве "Намуна", относятся к роду сарик – они делятся на этнические группы: сгир, кийикчи, гадой, кул, каллар, уламсурхи, карабахши, бештери, ёвани.

Туркмены, расселившись на побережье Амударьи, занимались земледелием, животноводством, рыболовством, перевозкой товаров через реку. Туркменские женщины ткали красивые ковры из шерсти. Мужчины также занимались кузнечеством, ювелирным делом.

REASONING ABOUT THE TURKMEN LIVING IN THE SOUTH OF UZBEKISTAN

There are many nations and nationalities in Uzbekistan. According to the statistical data, about 121600 Turkmen live in the south of the Republic. And the majority of them live in territory of the Surkhandarya.

The Turkmen are relative to Turkic-language groups and considered the ethnic *Ogiz*.

According to historians Makhmud Kashgari (11th century), Rashid-Din (13th-14th centuries), Abdulgazi Bahodirkhan (17th century), the Ogiz people consist of 22 or 24 tribes: Chovdir, Chandir, Elushli, Ichdir, Yazir, Samir, Koradoshli, Bayot, Kaji, Tuturga etc.

Salzhukbek was a leader of the Salzhuk State based at the bottom current of Syrdarya-river. And Salzhukbek's grandsons, Tugrulbek, Chagirbek, Shakarbek ennobled this state up to the Empire. In 1038-1039 years the salzhuks won Kabadiyon, Huttalon and Termez. Conqueror Chagribek gave these lands to his son, Alp-Arslan. Till 1157 these territories were in hands of the salzhuks. Based on these data, we can assume that already in 11th-12th centuries the salzhuk Turkmen lived at a bank of Amudarya-river, in the territory of present Surkhandarya, namely in Pattakesar, Korakamar, Kaptarkhan.

Some scientists state that the Turkmen came to Surkhandarya in the middle of the 19th century. B.H. Karmysheva shared the same opinion. But the historical data on the salzhuk empire confirm our opinion.

According to the population census of 1926 it was estimated that there are 12 Turkmen villages at a bank of Amudarya. 3825 Turkmen live in these villages, among them 1190 are the *Saryk* by birth, 1015 are the *Ersari* and 1620 are the Sheikhs by origin. Large villages are Patakesar, Uchtut, Korakamar, Katta Zhujzhanganl. The Sheikhs basically live in Patakesar, the *Ersari* in Korakamar, the *Gulomi* – in Uchtut. The Turkmen live in Muzrabad, Angoa, Termez, and Dzharkurgan regions. According to the historical data, until recently the Sheikhs of mausoleum At-Termizi were the Turkmen.

While preparing the article, the author met with the elders among the Turkmen. It became clear, that the present Turkmen are descendants of the *Ersari*, the *Sheikhs* and the *Saryk*. For example, the Turkmen living in the area «Dustlik» of Termez region concern to the *Ersari*. They are divided into such ethnic groups, as *Choji, Epach, Mukri, Huzhanboz*. And the Turkmen living in the area «Namuna», concern to the Saryk, they are divided into ethnic groups: *egir, kijikchi, gadoj, kul, kallar, ulamsurhi, karabahshi, beshteri, yovani*.

The Turkmen were settled at a bank of Amudarya and having cleared the land from bushes, some were engaged in agriculture, animal industries, and others – in fishery. Turkmen women weaved beautiful

www.ziyouz.com kutubxonasi

Туркменские женщины любят носить драгоценности и дорогие одежды, особенно в праздничные и предпраздничные дни они наряжаются в красивые и яркие одеяния.

В начале XX века изучавший жизнь туркмен историк Ф.А.Михайлов пишет: "От изобилия драгоценностей богатые женщины еле поворачивают голову. Уже с пяти лет можно различить драгоценности девочек и мальчиков. Девочки с 9–12 лет и молодые до 30–35 лет носят много драгоценностей. Затем их уменьшают, но даже в пожилом возрасте женщины должны носить перстни, ибо без них приготовленная ими пища считалась "харом" (не чистой)".

Эти обычаи сохранилась до сих пор среди туркмен, живущих в Сурхандарье. На свадьбах и сейчас можно увидеть женщин, носящих "тахоя, барик, касоба, сабаи, дамок сирга," и другие ювелирные украшения.

Мужчины носят длинную до колен белую рубашку без воротника, с большим вырезом. На ногах – "чорик" – кожанная обувь.

Женщины носят длинное платье с закрытым воротником. Некоторые полностью покрывают шею бусами. Ожерелье «яшмок» покрывало половину лица женщины. На голове носили специальное украшение из бус.

И женщины и мужчины поверх платья носили халаты, края которых украшались вышивкой "чироз". Из шкуры баранов приготавливали различную домашнюю утварь: супра, пустак, пустин.

Из шерсти валялись шубы, паласы, а жилище "капа" покрывалось валяной из шерсти кошмой.

Жилище строилось круглым, из выгнутных палок, завязанных веревкой, и покрывалось камышом.

Только в начале XIX в. дома стали строить из глины.

Богатые туркмены на свадьбах организовывали состязания, например, сделанные из золота "тыквы" наполнялись золой и по ним стреляли. Если пуля попадала в цель, то зола давала об этом знать. А дети играли в игры: "ошик, чиллак, чузмакулок".

Любимые блюда туркмен – разные каши и отварное мясо. Лепёшки пеклись в тандыр-печах. Характерным является национальное блюдо туркмен – "карманон". Оно изготавливается следующим образом: сначала пекут в тандыре тонкую патир-лепёшку. Патир делят на мелкие куски. Мясо и морковь варят отдельно, вынимают, охлаждают в воде и делят на мелкие куски. Затем патыр, морковь, мясо перемешивают и кладут туда мелко нарезанный лук. Добавляется бараний жир или сливочное масло и все перемешивается. На следующий день эту смесь кладут в кипящий суп-шурпу. Это блюдо – для гостей, готовится к таким торжественным событиям, как "пайгамбар туй".

До недавнего времени угощения гостям подавали на подносах, отдельно каждому. Скатерть не застилается. Каждому подается по 2 лепешки, отдельный чайник и пиала. Приглашение на угощение делается один раз. Используется в основном деревянная посуда.

Обряды похорон и поминовений схожи с обрядами местного населения, отмечаются 3, 7 и 40 дней после смерти умершего. Знатным людям делают богатые ограждения или мавзолеи.

Женитьба сыновей и выдача дочерей замуж проходит по определённому ритуалу. Сватаются люди только одного рода. Невеста после свадьбы выполняет ритуал "Бош куйди": в течении недели навещает односельчан и перед открытой дверью склоняет голову. Для новорожденных туркмен вяжут специальную качалку "алвон", в течение сорока дней их волосы стригут дяди, а ногти – тетушки. Эти родственники одариваются дорогими подарками. В селе все слушают "аксакала" – почтенного старика. Без его совета не решается ни один важный вопрос.

Айрим олимлар, шу жумладан, Б.Х.Кармишева туркманлар Сурхондарёга XIX аср ўрталарида кўчиб келган деб, таъкидлашади. Бироқ салжуқийлар салтанатига оид далилли тарихий манбалар бизнинг фикримизни тасдиқлайди.

Бугунги Сурхондарё туркманлари, асосан, Амударё қирғоқларида, Тожикистон ва Туркманистон чегараларида жойлашган. 1926 йилги аҳолини рўйхатга олишдан маълумки, Амударё бўйларида 12 та туркман қишлоғи бор. Бу қишлоқларда 3825 туркман яшаб, шулардан 1190 нафари сариқ, 1015 нафари эрсари ва 1620 нафари шайх уруғига мансуб бўлган. Паттакесар, Учтут, Қоракамар, Катта Жуйжангар йирик қишлоқлар ҳисобланган. Паттакесарда асосан шайхлар, Қоракамарда – эрсарилар, Учтутда – ғуломлар яшаган. Туркманлар Музрабод, Ангор, Термиз, Жарқўрғон туманларида ҳам истиқомат қилишади. Тарихий маълумотларга кўра, яқин-яқингача ат-Термизий мақбараси шайхлари туркманлардан бўлган.

